

ЭРКИН УМАРОВ  
МАҲМУД АБДУЛЛАЕВ

# МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

*Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан  
олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК  
КОМПАНИЯСИ БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005

71  
У 47

0

**Тақризчи:**

*М. Мирқосимова*, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат Техника университети «Тиллар» кафедраси мудири, п.ф.д.

**Масъул муҳаррир:**

*М. Абдураҳмонов*, Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетининг «Маънавият асослари» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент.

**Э. Умаров, М. Абдуллаев.**

Маънавият асослари. Ўқув қўлланма. Т.: «Шарқ» НМАК, 2005 — 128 бет.

Мазкур ишда маънавият ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни, миллий мустақиллик шароитида инсон маънавий фазилатларини шакллантириш ҳамда маънавиятга давлат ҳомийлиги муаммолари хусусида сўз боради. Иш Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тузилган ва тасдиқланган дастурга мувофиқ тайёрланди. Рисола олий ўқув юртлари бакалаврият йўналишлари талабалари, шунингдек, маънавият масалалари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

У 0301040200 — 02 — 2005  
М361(04) — 2005

© Э. Умаров, М. Абдуллаев, 2005 й.  
© «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2005 й.

06  
163-1

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MF

## КИРИШ

Республикамик тараққийетининг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришлари амалга оширилади билан характерланади. Табиийки, бу улкан вазифани ҳал этиш фуқароларимизнинг ижодий фаоллигини тинмай ошириб бориш ва камол топтириш билан узвий боғлиқдир.

Жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш кишиларнинг маънавият ва маърифат, маданият ва илм-фан тўғрисидаги тасаввурларининг нечоғлиқ илмийлиги, шунингдек, тўғри назарий ва амалий негизга қўйилганлиги билан боғлангандир.

Маънавиятни ривожлантириш соҳасидаги мустақиллик сиёсати маънавий ҳаёт, маданий тараққийетнинг умумий қонунларини илмий жиҳатдан янгилаш ишлаб чиқишни, маънавий-маърифий омилнинг демократик, инсонпарварлик тамойиллари ва бозор иқтисодиёти асосида қурилади янги жамиятда тутадиган ўрнини белгилаб олишни кун тартибига қўяди. Президентимиз И. А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек, «Юртимизда яшайдиган ҳар бир инсон, аввало, униб-ўсиб келаётган янги авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир» (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Тошкент, «Ўзбекистон», 2000. 3-бет).

Биобарин, онгли яшайдиган эркин фуқаро, мустақил фикрга эга бўлган шахс ва фуқаролик жамияти маънавиятини камол топтириш Ўзбекистон Республикаси тараққийетининг асосини ташкил этади.

Мазкур дастуруламал кўрсатмалар сифатида ўқув юртларимизда ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар олдига улкан вазифаларни қўяди, талаба ёшларнинг маънавиятини шакллантириш, уларнинг маънавий-маърифий фаолиятларини юзага чиқариш омилларини илмий тадқиқ этиш, юксак эътиқод руҳида тарбиялаш масъулиятини юклайди.

Республикамизнинг барча ўқув юртларида, коллеж ва лицейларида «Маънавият ва маърифат асослари» курсининг ўқитилиши ана шу эзгу мақсадларга йўналтирилгандир. Мазкур курс режасида маънавият ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, миллий мустақиллик ва комил инсонни тарбиялаш билан боғлиқ маънавий омилларига алоҳида эътибор берилади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу қўлланма баркамол авлодни вояга етказиш соҳасида республикамизда олиб борилаётган маънавий ислохотлар ва амалий ишларни таҳлил этиш, шунингдек, чоп этилган мавжуд адабиётлардан ижодий фойдаланиш асосида яратилди.



## *Биринчи боб*

### **МАЪНАВИЯТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ**

#### **1. МАЪНАВИЯТ, УНИНГ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ**

Ҳар қандай шаклдаги тафаккур, билиш жараёни тасаввурлар, тушунчалар, категорияларнинг таркиб топишига олиб келади. Инсон тасаввур, тушунча, категориялар ёрдами билан фикр юритади, деганда у ўз онги ёрдамида муайян ҳаётий жараён, ўзгаришларни акс эттиришда улардан фойдаланиши назарда тутилади. Демак, ҳар бир тасаввур ва тушунча айни вақтда воқелик ҳодисаларининг у ёки бу жиҳатларини акс эттиради, бинобарин, инсон улар орқали олами билади, сўнгра уларни бошқа кишиларга етказмоқ учун тил шакллари киритади.

Шубҳа йўқки, атрофимизни табиат ҳодисалари, предметлари, инсон томонидан яратилган жисм ва буюмлар қуршаб олган. Бу олам ўзининг ниҳоятда хилма-хил шакллари, ранглари, жараёнлари, маконий муносабатлари билан инсон ҳиссиётига таъсир этиб туради, сезгиларида акс этади. Моддий оламнинг алоҳида олинган ушбу нарсалари, уларнинг ўзаро муносабатлари инсон онги томонидан билиб олишга даъват этилади, тафаккуримизда сўз ва тил ҳодисаларини юзага келтиради. Яна шундай олам ҳам мавжудки, бу инсон руҳи, инсоннинг маънавий олами, тарихнинг катта ютуғи сифатида олиб қараладиган инсониятнинг маънавий ҳаётидир. Маънавият ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисми бўлиб, унинг алоҳида соҳасини ташкил этиш билан бирга моддий ҳаёт сингари объектив реалликка ҳам эгадир.

Маънавият, маънавий ҳаётнинг жамият ҳаётида тутадиган ўрни ҳақида сўз юритишдан олдин «маънавият» атамасининг мазмунини аниқлаб олиш лозим. «Маънавият»нинг ўзагини «маъно», «маъни» сўзлари ташкил этиши ҳақида адабиётларда тўхтаб ўтилган. Текширувчиларнинг фикрича, «маънавият» атамаси, бир томондан, арабча «маъни» ўзагидан ҳосил бўлган. Илк ислом ислоҳотчилари таълимотича, Калом бир талай қисмларга бўлинган: борлиқдан аввалги ҳаёт — қуммун, атомлар ҳақидагиси — жавҳар ал-фард, сабабий боғланиш тўғрисидаги таълимот — таваллуд, моҳият тўғрисидаги илм — маъна ҳисобланган. Шундай қилиб, нарса-ҳодисалар, жараён, табиат ва

жамият, ҳатто Оллоҳнинг моҳияти «маъна»да ўз ифодасини топган. Иккинчи томондан, маънавият ҳам, унинг ўзаги «маъна» ҳам қадимги ҳинд фалсафасида кенг қўлланилган «манас» тушунчаси билан боғланган бўлиши мумкин. Бундай тақдирда у дўстлар ва улфатлар жойи маъносини билдиради (тўлароқ тафсилот: *А. Эркаев*. Маънавият — миллат нишони. — Тошкент, «Маънавият», 1997 йил, 16—17-бетлар). Тилшуносликка оид лутфатларда ҳам «маънавият» — ахлоқийлик, кишининг ички ва руҳий олами билан боғлиқ маъноларни англатиши айтилади.

Маънавият муаммоси жуда ҳам мураккаб ва серқиррали бўлганлиги сабабли унга берилган таърифлар ҳам ранг-барангдир. Бунда қуйидагича манзарага дуч келамиз: маънавият деганда — шахсий онг; кишиларнинг руҳий фаолияти; ахлоқ, нафосат ва назарий қадриятлар йиғиндиси, ҳақиқат ва ҳиммат ҳамда гўзалликнинг қиёми; инсоннинг ҳис-туйғулари; инсоннинг жамики ахлоқий қадриятлари йиғиндиси кабилар тушунилади. Келтирилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, маънавият бепоён, чексиз борлиқнинг инсон руҳида акс этишидир (қаралсин: *Ҳ. Пўлатов*. Мустақиллик қадриятлари. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 7 май).

Демак, маънавият кўп қиррали қадриятдир. «Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, виждон, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, эркинлик — маънавиятнинг ана шундай маъноси кенг. . . Инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади» (*И. А. Каримов*. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1992, 72-бет). Президентимиз маънавият деганда инсонни инсон, миллатни миллат қилиб турган ахлоқий фазилатларнинг мажмуасини назарда тутади.

*И. А. Каримов* «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» (1995) номли асарида маънавиятнинг ўзагини ахлоқ ташкил этажагини таъкидлайди: «Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдан иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани» (Ўша асар, 53-бет). Демак, инсон маънавиятини белгилайдиган асосий мезон — адолатпарварлик, имон, инсоф, ҳалоллик бўлиб, инсон ўз фаолиятининг барча соҳаларида ана шу тамойилларни амалга оширсан, шулар негизида ҳаёт кечирсан, меҳнат қилсан, бошқалар билан ўзаро муносабатга киришсан, элу юртига садоқатини амалий иши билан адо этсан, юксак маънавият соҳибига айланади.

Жамият маънавияти унинг томонидан ишлаб чиқилган маънавий бойликларда ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, маънавият, энг аввало, маданият туфайли мустақил мавжудликка эга бўлади. Бундан шундай фикр келиб чиқадики, маънавият нафақат инсоний фазилатлар, балки маънавий маданиятнинг илм-фан, фалсафа, ахлоқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний амалиёт (ибодат, тақво, диний маросим ва ҳ. к. ), диний адабиёт, диний санъат ва бошқалардан иборат ранг-баранг тур ва шакллари мажмуини ҳам ўз ичига олади (қаралсин: *А. Эркаев. Ўша асар, 28-бет*).

Шундай экан, маънавиятнинг таркиби тўғрисидаги масала ўз-ўзидан келиб чиқади. Илмий ва оммабоп адабиётларда билдирилган ниҳоятда ранг-баранг қарашларни таҳлил қиладиган бўлсак, маънавият таркиби қуйидаги қисмлардан иборат эканлигига ишонч ҳосил қиламиз:

• **Ахлоқий-руҳий фазилатлар.** Бу инсоний фазилатлар эзгулик ва меҳр-оқибатнинг ахлоқий тушунчаларида ўз ифодасини топиш билан бир пайтда мазкур фазилатларнинг қарама-қарши кутбларга — ёвузлик ва нафратга айланиб кетишига йўл қўймасликни ҳам билдиради. Эзгулик (яхшилик), руҳий ҳамдардлик, ҳимматлилик, хайрихоҳлик, одамшавандалик, шафқатлилик, самимийлик, сахийлик, софдиллик, очиқ кўнгиллилик, сабр-қаноатлилик — буларнинг барчаси инсоннинг тева-рак-атрофдаги ҳодисаларга оқилона ёндашувида, ижтимоий гуруҳ, синф, жамият манфаати йўлида ўзини фидо этишида кўзга ташланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу тушунчалар аёллар билан эркаклар, ота-оналар билан фарзандлар, боболар билан неваралар, қариндошлар билан ёр-биродарлар, умуман кишиларга нисбатан инсонпарварлик, фанни севиш, санъатга меҳр қўйиш, меҳнатнинг бирор-бир турини севиш туйғулари билан узвий боғлангандир. Диндорлар учун эса бу авваломбор Оллоҳга, пайғамбарларга, фаришталарга эътиқод қўйишдир. Бошқа томондан, бу, биринчи галда Ватанни, ўз халқини, ҳаётни, меҳнатни, табиатни, Ердаги барча жонзотларни севиш демакдир.

Эзгулик маънавият ҳодисаси сифатида яна қуйидагиларни ҳам қамраб олади: инсоннинг ўзига нисбатан талабчанлиги; бошқалар билан мулоқот қила олишга тайёргарлик даражаси; бошқа фикр ва позицияда турадиган кишилар билан муроса қила билиш қобилияти; нафақат кўпчилик, балки озчилик, ҳаттоки алоҳида инсоннинг эҳтиёжларини тўла қондириш учун қўлидан келганича интилишлик ва ҳ.к. Идеал нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак,

юқорида санаб ўтилган барча фазилатлар инсонга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида ёндашув — инсонпарварликнинг гавдаланишидир. Президентимиз ўзбек халқининг маънавий фазилатлари ҳақида гапирганда қуйидагиларни бежиз таъкидламаган: «Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир... Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир» (И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 66-бет).

• **Фикрлар ва хатти-ҳаракатларнинг ғоявий — ҳиссий улуғворлиги.** Бу маънавий белгиларни фикрлар ва хатти-ҳаракатлар маънавияти деб аташ мумкин, у инсоннинг ватанпарварлик, янгиликка интилиши, юксак ғоялардан илҳомлана олиш асосида фаолият кўрсатишида намоён бўлади. Чунончи, ўз ватанини фидокорона ва қаҳрамонларча ҳимоя қилиш, «Ўзбекистонга, унинг ери, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади» (Ўша асар, 76-бет).

Маънавиятнинг бу таркибий қисмларига эркинлик, мустақиллик учун курашиш, уни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш каби жиҳатлар ҳам тўла киради. Инсон характерида шундай руҳий кўтаринкилик юзага чиқадиган ҳолатлар ҳам мавжудки, бу жараёнда ҳиссий ўзбошимчалик ўрнини ахлоқий эркинлик эгаллайди, у тасодифий тасаввурлардан зарурий билимгача, амалий онг даражасидан ўз маънавиятини фаҳмлашгача кўтарилади.

Улуғворлик, асосан, эстетиканинг тушунчасидир, бироқ у айни вақтда маънавий — ахлоқийлик категорияси ҳамдир. Чунки у инсон қаҳрамонлиги, жасорати, улуғворлик фазилатлари ғояси билан боғланиб кетади. Улуғворлик худди шу маънода алоҳида олинган инсон ва бутун инсоният тараққиёти сари йўналтирилган юксак, олижаноб, ижобий маънавийликни кўзда тутди. Айни вақтда, бундай ҳолатнинг тескариси, аксилфодаси бўлган жиҳатлар ҳам мавжудлигини эсдан чиқармаслик лозим. Булар пасткашлик, ярамаслик, ғайринсонийлик каби категориялар бўлиб, улар инсонга, демакки, маънавиятга қаршидир. Буни оддий сўз билан маънавиятсизлик, кескинроқ тарзда қўядиган бўлсак, аксилмаънавият деб аташ мумкин. Худди шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, маънавият тарихида илоҳийлик, раҳмонийлик билан боғлиқ ижобий маънавийлик; сал-



бий, тубан маънавийлик билан боғлиқ шайтонийликдан иборат аксилмаънавийлик ҳодисалари юз берганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Биз бу ерда олижаноб маънавийлик деган иборани қўллаш-ни лозим топамиз, айти вақтда, бу фазилатнинг юксак намунаси тарихдаги буюк шахсларга хос эканлигини ҳам таъкид-лаймиз. Олижаноблик фазилатлари нафақат буюк шахсларга, айти вақтда оддий, тақводор кишиларга ҳам хосдир. Бу фази-латнинг юзага чиқишида ташқи муҳит ҳам муҳим роль ўйнай-ди, чунки унинг бевосита таъсири остида инсоннинг ички куч-лари, муайян фикр, ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари юзага келади. Одатдагидек фикр юритадиган бўлсак, биз қаҳрамон деб ҳисоблайдиган инсонлар оддийлиги билан ажралиб тура-диган камтар меҳнаткашлар, ўзининг пок ва ҳалол меҳнати билан хизмат вазифасини, оиласи олдидаги бурчини, ўз ҳам-касблари, қўни-қўшнилари, жамият олдидаги мажбуриятлари-ни сидқидилдан бажарадиган фуқаролардир. Улар нафақат ўзи, оиласи, балки жамоаси, қўни-қўшнилари, жамият тўғрисида ҳам ғамхўрлик қиладилар. Президентимиз бундай кишиларни «юрагида ўти бор, серғайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватан-парварлар» деб атайди, улар орқали мақсадимизга етамиз, дей-ди (*И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. Тошкент, «Ўзбе-кистон», 1994 йил, 86-бет*). Бундай кишилар маънавийликнинг ҳар бир белгиси қарор топиши ва ривожланиши учун юракдан курашади.

• **Гўзаллик тушунчаси ва гўзаллик туйғуси.** Бу фазилатлар инсон томонидан табиат, жамият ва инсондаги уйғунлик, му-таносиблик, ранглар жилоси, симметрия кабиларни идрок этиш-да юзага чиқади, бунинг натижаси ўлароқ инсонларда роҳат ва завқ, ташаббускорлик ёки аксинча, салбий ҳиссиётлар туғила-ди. Гўзаллик — юксак эстетик қадрият бўлиб, табиатдаги нар-са-ҳодисаларнинг шакли ва бўёғи, рангининг мукамаллиги-дан завқ-шавқ олиш, шунингдек, санъат соҳасида яратилган гўзал асарлардан интеллектуал ва эмоционал мамнунлик ҳис-сини туйиш, инсоннинг маънавий фазилатлари — меҳнати, одоб-ахлоқи, Ватан учун курашдаги улуғворлик хатти-ҳаракат-ларидан роҳатланиш маҳсулидир. Табиийки, гўзаллик ҳиссий шакл билан, мушоҳада ва хаёл билан узвий боғланган. Юқори-да таъкидлаганимиздек, гўзаллик нафақат табиат ва маданият-нинг мукамал, гўзал шакллари идрок этганда, балки ки-шиларнинг юксак инсоний хатти-ҳаракатларини кузатганда ҳам туғилади, уни идрок этувчиларда инсон зотига нисбатан меҳр-муҳаббат ва ҳайратланиш ҳосил қилади, уларга тақлид қилиш

иштиёқини юзага келтиради. Энг гўзал нарса — ҳаётдир. Борлиқнинг гўзал манзараларини эстетик идрок этиш фақат ҳиссий таъсирчанлик билан чегараланиб қолмайди, балки бундай жараён инсонни фикр-мулоҳаза юритишга, кўрганлари ва эшитганларини таҳлил қилишга даъват этади.

Эстетика илмига назар ташлайдиган бўлсак, гўзаллик кечинмаси аксарият ҳолларда улуғворлик (кўтаринкилик) тўғрисидаги ҳиссиёт ва фикрлар билан узвий боғланган ҳолда юзага чиқади. Чунончи, баҳор пайти ўрикнинг оппоқ гулларига бурканган боғларни идрок этганимизда қалбимизда нафақат гўзаллик туйғуси, шу билан бирга яшашдан завқланиш ва фахрланишнинг улуғвор кечинмалари, ҳаёт тўғрисидаги энг юксак ва кўтаринки ҳиссиётлар бизни чулғаб олади. Инсонларча яшаш ва завқланиш руҳияти бизда олижаноб тасаввурларни таркиб топтиради. Айтиш жоизки, улуғвор меъморий обидаларни, муҳташам қурилиш иншоотларини кузатганимизда ҳам ана шундай ҳиссиётлар қалбимизни жунбушга келтиради. Фарғона шаҳрида бунёд этилган Аҳмад ал-Фарғоний гўшаси, Қувадаги Шаҳристон меъморчилик мажмуаси, Самарқанд, Хива, Тошкентдаги осмонўпар бинолар, боғлар, оромгоҳлар ана шундай маънавий озуқа беради. Бу ердаги гўзаллик билан улуғворлик туйғуси муштараклигининг маъноси шуки, мана шундай муҳташам иншоотлар инсон қўли билан яратилди, уларни идрок этаётган минглаб кишилар ҳам ўзларининг инсон эканликларидан фахрландилар.

Санъат соҳасидаги гўзалликларни идрок этишнинг эмоционал ва ғоявий таъсири ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам арзийди. Санъатнинг буюк роли шундаки, у ижобий маънавийликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга онгли равишда хизмат қилади, сохта маънавийликни бартараф этиш учун кураш олиб боради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маънавий баркамол инсон ва жамият эстетик қадриятларга бефарқ қарамайди, аксинча, уларнинг ривожланиши ва равнақ топиши учун қулай шартшароитларни яратади. Эстетик маданияти, эстетик диди, фаҳм-фаросати паст инсон ҳеч қачон маънавийликнинг чўққисига чиқа олмайди. «Ажойиб шеърларни ўқиганингда, — дейди Президентимиз эстетик маданият ҳақида сўз юритиб, — қандайдир ғурур, ифтихор туйғуси пайдо бўладики, одам ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман ҳар нарсага қодир ҳис этади.» (И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. 29-бет). И. А. Каримовнинг ёзувчилар, тарихчилар, меъморлар, рассомлар билан бўлган суҳбатларида улар томонидан яратилган юксак асарларнинг маънавий-эстетик фазилатлари атрофлича ёритиб берилган.

• **Номус ҳисси, ахлоқий масъулликни англаб етиш — маънавиятнинг муҳим таркибий қисмидир.** Бу тушунча инсон ўз-ўзига баҳо бера олиши, ўз-ўзига танқидий муносабат, ахлоқий идеалларга сўзсиз итоат, уларни сўзсиз амалга оширишга интилиш, изчил инсонпарварлик ва адолатпарварлик, илоҳиёт олдида поклик, ҳалоллик, дини, ирқи, тилидан қатъий назар, бутун инсониятга ҳурмат руҳи билан қараш тамойилларини ўз ичига олади. Виждонан иш тутиш, фаолият кўрсатиш бу инсон атрофини ўраб олган жамоага, кишиларга, Ватанга зарар келтирмаслик, адолатсизликка, ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик демакдир. Бинобарин, «ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафи унинг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлигига асосланади». Президентимиз асарларида нопок, нафси ҳаром, ўзининг манфаатини устун қўяётган, иймонсиз, виждонсиз шахслар, масъулиятдан қочадиган кимсалар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган (қаралсин: *И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. 85—86-бетлар*). Албатта, бундай ҳаракатлар аксилмаънавий ҳолатларнинг юзага келишига олиб келади.

Ҳар бир миллат тараққиётининг асосий мезонларидан бири фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи ҳисобланади. Бу соҳада мустақилликка эришган республикамизда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Демократик жамиятни барпо этиш ва ҳуқуқий давлатни қарор топтириш асносида бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш» масаласи тобора ижобий ҳал этилмоқда. Президентимиз «инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак», деб бежиз айтмаган (*И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 185-бет*).

• **Болалар, кексалар, касалмандлар, ҳаётда иши юришмаганларга мунтазам равишда раҳм-шафқат, ҳамдардлик, раҳмдиллик кўрсатиш, уларга ижтимоий ғамхўрлик қилиш ғояси.** Президентимиз бозор муносабатларини ривожлантириш жараёнида ижтимоий муҳофаза масаласига катта эътибор бераётганлиги ҳаммамизга маълум. Бинобарин, юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилнинг бири ана шунга йўналтирилган. Қариялар, нафақахўрлар, ногиронлар, талабалар, оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг асосига қўйилди, оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш, ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш соҳасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. 2004 йилнинг «Меҳр-мурувват йили» деб эълон қилиниши бунинг ёрқин ифодасидир.

• **Ақл, билим, фан, ижод, ҳақиқатга интилиш — маънавиятнинг яна бир қирраси.** Билим минг йиллар давомида ақлий меҳнат ва амалий фаолият соҳасида халқ донишмандлигини ифодалаб келган. Табақалаштирилган ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши натижасида турли хил билимлар тўпланиб, йилқичилик, деҳқончилик, овчилик, хунармандчилик, беморларни амалий даволаш усуллари ривожланиши билан уларнинг мазмуни ҳам кенгая борган. Билимларнинг илк кўринишлари қадимги дунёда минг йиллар муқаддам пайдо бўлди. Хитой, Ҳиндистон, Вавилония ва Мисрда илк илмий тасаввурлар таркиб топади. Эрамиздан олдинги VI—IV асрларда қадимги Юнонистонда улар бир қадар тизим тусини олди. Табиийки, бу жараён фаннинг юзага келишига асос бўлади.

Ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва, айтилган пайтда, уларни қондириш мақсадида фан тараққиёти ўз бошидан бир қатор босқичларни кечирди. Фан кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг моддий ҳаётини ривожлантиришга хизмат қилиш билан чегараланиб қолмади. Шу билан бирга фан кишиларнинг маънавий қадриятлари доирасини кенгайтиришга, уларнинг идрок этиш даражасини ривожлантиришга ҳам даъват этилди. Кишиларнинг ақлий меҳнат билан шуғулланишлари бу соҳанинг махсус ижодкорларини шакллантирди. Натижада, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўзаро бирлашиб, уйғунлик ҳосил қилган жойда янги ихтисосликлар юзага келди.

Сўнгги асрда кишиларнинг фан, техника, маданият, санъат ва дин соҳасидаги ютуқларга яқинлашиш ва эришиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Кишилиқ тарихида бу нарса даставвал китоб чоп этиш, кейинчалик оммавий равишда газета чиқариш билан бошланган эди. Радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши оммавий ахборот билан таъминлаш имкониятларини фоят кенгайтди. Ҳозирги пайтда компьютер ва интернет саводхонлигини амалга ошириш кишилар маънавиятининг чуқурлашувига кучли таъсир кўрсатмоқда.

Республикамиз ўзининг улкан илмий салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Республика илмий-тадқиқот мажмуи академия, олий ўқув юртлари ва тармоқ йўналишларидаги 362 муассасани ўз ичига олади. Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд, шулардан 3 мингга яқини фан доктори, тахминан 16 мингдан кўпроғи фан номзодидир. Мамлакатимиз олимлари замонавий фаннинг кўпгина йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Дарҳақиқат, «ўз ақл-заковатимиз ва илмий-техникавий салоҳиятимизни ривожлантириш

мамлакатимизни барқарор тараққий эттириш омилидир» (И. А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил, 267-бет).

Маънавий қадриятларимизни ташкил этадиган фан, ижод, диний тамойиллар халқни руҳан юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маданий камол топтиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бироқ шуни айтиш керакки, ҳар қандай билим, истеъдод, эътиқод соҳиби ўзи фаолият кўрсатадиган соҳада чуқур салоҳият эгаси бўлишининг ўзи етарли эмас. Бошқача айтганда, ҳар қандай билимли ва эътиқодли одамни ҳали тўла маънавият соҳиби дейиш унчалик тўғри эмас. Бундай интилишлар юксак ахлоқий тамойилларга бўйсунган ва улар инсон амалий фаолиятининг асосини ташкил этган тақдирдагина, ҳақиқий маъно касб этади ва маънавиятга айланади.

Маънавиятнинг энг муҳим белгиларидан бири кишиларга нисбатан энг юксак меҳр-оқибат ва эзгулик кўрсатишга интилиш бўлар экан, фан арбоблари, олимларнинг фикр ва фаолиятлари, шубҳасиз, чуқур маънавийлик касб этади. Бироқ шуни ҳам тан олиш керакки, кўпинча фан ва техника соҳасидаги улкан муваффақиятлар билвосита бўлса-да, бир ҳовуч миллионер ва мултимиллионерлар ҳаёти билан миллионлаб қашшоқ кишилар ўртасидаги тафовутларнинг чуқурлашувига сабаб бўлиши мумкин; ядро, кимёвий, биологик қуруллар ишлаб чиқарилиши, гуноҳсиз кишиларнинг ҳаётига хавф солиниши бунга яққол мисол бўла олади. Ҳолбуки, бундай ғайриинсоний фаолиятда айрим фан арбоблари ўз кашфиётлари билан қатнашишлари ҳеч кимга сир эмас.

• **Экологик дунёқараш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш масъулияти.** Инсоннинг маънавиятини белгилайдиган мезонлардан бири унинг ўз атрофини ўраб турган табиатга ижобий муносабати ва экологик маданияти ҳамда дунёқарашини шакллантириш билан боғлиқ. Бу масала, айниқса, бугунги кунда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Фан-техника тараққиёти айни пайтда табиий муҳитнинг ифлослашуви ва бузилишига сабабчи бўлмоқда. Маҳаллий нуқтаи назардан вужудга келадиган бундай экологик бўҳронлар глобал тўнтаришларни келтириб чиқариши мумкин. Фожианинг олдини олиш учун нафақат катта давлатлар, балки ҳар бир инсон ҳам ўз фаолиятида маънавий масъуллигини чуқур ҳис этиши зарур.

Тўғри, бу масалага жаҳоннинг йирик давлатлари алоҳида эътибор бермоқдалар. 1992 йил июнь ойида Бразилия пойтахтида БМТнинг ҳали ҳеч бир миқёсда бўлиб ўтмаган экологияга

бағишланган сессияси ташкил этилди. Унда 179 мамлакат иштирок этди. Сессияда жуда кўплаб муҳим қарорлар билан бир қаторда табиатни сақлаб қолиш ва цивилизацияни янада раванак топтиришга бағишланган «XXI аср кун тартиби» деган муҳим ҳужжат қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга инсониятнинг иқтисодий-экологик тараққиётини барқарорлаштириш концепцияси асос қилиб олинган.

«Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, жумладан, мамлакатимиз аҳолиси, — деб ёзади И. А. Каримов, — жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш — ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик, масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар» (И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 112-бет).

Маълумки, табиат ва инсон муайян қонуниятлар асосида ўзаро алоқада ва муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш эса хавfli экологик фалокатларга олиб келади. Бунинг учун инсон, биринчи навбатда, маънавий жавобгардир.

XXI аср бўсағасида фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривож топиб бормоқда. Худди шундай даврда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, инсон билан табиат муносабатида уйғунликка эришиш нафақат сиёсий, иқтисодий, балки маънавий муаммодир. Ҳар бир инсонда табиатга, унинг гўзалликлари ва бойликларига нисбатан оқилона муносабатни таркиб топтириш бугунги куннинг муҳим вазифаси эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Юқоридаги фикрларга хулоса яसाйдиган бўлсак, маънавият таркибида ахлоқий фазилатлар устувор ўрин эгаллашига ишонч ҳосил қиламиз. Айни пайтда, маънавиятнинг мазкур қатламлари ўзаро узвий боғлиқлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Улардан бирортаси на соф ахлоқий, на соф эстетик, на соф интеллектуал, на соф экологик моҳият касб этмайди.

Жуда мураккаб ҳодиса бўлган маънавиятни қатламларга ажратиш ва, айни вақтда, унинг энг асосий, бош негизини аниқлаб олиб, айтиш мумкинки, ундаги ўзак-негиз — ахлоқий-эстетик ва интеллектуал-экологик комплексдир. Демак, ҳақиқий маънавият — бу эзгулик ва меҳр-муҳаббат, улуғворлик ва гўзаллик, виждонийлик ва меҳр-шафқат, билимга, бошқа кишиларга ҳамда табиат билан уйғунликни сақлаш ғояси ва туйғуларига садоқат йиғиндиси.

Шундай қилиб, биз юқорида маънавиятнинг таркибини ташкил этадиган қатламлар ҳақида умумий маълумотларни бериб ўтдик. Кўринадики, инсонга инсонларча муносабат маънави-

ятни тушунишда жуда муҳим ўрин тутади, бу нарса шубҳасиз, ҳар бир жамиятда амал қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг тизим ва характери билан белгиланади. Шу сабабли, кишилик тарихида инсон маънавиятининг асосан икки типи яшаб келганлигини таъкидлаш керак: анъанавий-диний маънавият; дунёвий, илмий-синтетик маънавият. Улардан ҳар иккиси ҳам кишилар дунёқарашини инсонийлаштиришга ўз таъсирини кўрсатган.

Маънавийликнинг юқорида қайд этилган типларининг ҳар бири маънавиятсизликнинг ҳар қандай намоён бўлишига қарши туради ва улар билан келиша олмайди. Биз бу ўринда маънавиятсизлик тушунчаси билан бир қаторда «аксилмаънавият» деган тушунчани қўллашни лозим топдик. Бинобарин, «маънавиятсизлик» инсоний фазилатларни ўзида гавдалантира олмаслик бўлиб, унинг кўпгина омиллари инсоннинг шахси, ҳаёти, характери каби субъектив жиҳатларга ва, айни пайтда, жамият маънавий эҳтиёжларининг қай даражада оқилоналигига боғлиқ бўлади. «Аксилмаънавият» эса ғайриинсонийликни онгли равишда тарғиб қилиш, худбин мақсадлар йўлида инсоний фазилатларга қарши курашиш, бир сўз билан айтганда, ёвузлик ва маккорлик тизимини вужудга келтиришдан иборатдир.

Табиийки, аксилмаънавий ҳодисалар моҳиятини тушунмай, уларга қарши кескин кураш олиб бормай туриб, инсон ва жамият маънавияти софлигини сақлаб бўлмайди. Шунинг учун маънавият масаласи билан шуғулланадиган ҳар бир инсон ана шундай ҳодисаларни яхши тушуниб олиши ва уларнинг рўй беришига йўл қўймаслиги зарур. Президентимиз И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида аксилмаънавий ҳодисалар сифатида минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми, агрессив миллатчилик, коррупция ва жиноятчилик кабиларни санаб ўтади. Масалани кенгайтирадиган бўлсак, аксилмаънавий ҳодисалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

• **Бузғунчи ғояларга асосланган жиноятчилик фаолияти:** (агрессив урушлар, террорчилик, диний ақидапарастлик, ўғрилик, буюртма қотиллик, сотқинлик, порахўрлик, қаллоблик, бойлик орттириш мақсадида гаровга ушлаб туриш, солиқларни тўламаслик, армия хизматидан бўйин товлаш, ирқчилик, миллатчилик, бандитизм ва ҳ.к). Бундай жиноятларни содир этган шахслар қонун асосида судлов йўли билан ўз жазосини оладилар.

• **Меҳнат интизомини бузиш ҳолатлари:** хизмат вазифасига лоқайдлик, фирибгарлик, дангасалик, тартибсизлик, интизом-

сизлик, тўрачилик, маданиятсизлик, каттазанглик, безбетлик, қўполлик, очкўзлик, манманлик, масхаралаш, иккиюзламачилик, мақтанчоқлик, ўзига бино қўйиш, гирромлик ва ҳ. к. Буларнинг барчасига нисбатан маъмурий чора кўриш мумкин.

• **Оилавий турмуш ва маиший муносабатлардаги ноахлоқий хатти-ҳаракатлар:** худбинлик, ичкиликбозлик, бағритошлик, ҳасадгўйлик, адоват, ифво, нодонлик, нашавандлик, пасткашлик, қўрқоқлик, виждонсизлик ва ҳ. к.

• **Экологик хавфсизликни бузишга қаратилган ингилишлар:** табиий муҳитни кимёвий ва физикавий жиҳатдан ифлослантириш, атмосферани, сув, тупроқ, ўрмон, дала, йўллар, кўчалар, аҳоли яшайдиган маконлардаги экологик тартибларни қўпол равишда бузиш. Буларга нисбатан суд орқали ёки маъмурий йўл билан чора кўрилиши мумкин.

• **Илмий тадқиқотлар ўтказиш ва унинг натижаларидан гайриинсоний мақсадларда фойдаланиш:** генофондни бузиш, табиий ресурсларни камбағаллаштириш, эпидемиялар тарқатишга имкониятлар туғдириш, бемаъни гап сотиш ва технократизмга зўр бериш, табиатга ғоят зарар келтирадиган технологияларни қўллаш ва ҳ. к. Буларга нисбатан қўлланиладиган чоралар ҳам юқоридагиларга ўхшагандир.

Юқорида аксилмаънавий ҳодисаларнинг умумий характердаги жиҳатларни санаб ўтдик. Агар уларга алоҳида олинган кишилар нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, бу рўйхатни яна ҳам узайтириш мумкин. Ахир, ёвуз ва қонхўр, ёлғончи ва шафқатсизлар гуруҳи, асоссиз уруш чиқармоқчи бўлганлар, золимлар, қотиллар, мансабпарастлар, калтабин технократлар, тўралар, бюрократлар озмунчами?

Маънавиятсизлик, қолаверса, аксилмаънавийликка қарши курашишнинг йўллари, воситалари ранг-барангдир. Бунда ҳозирги замон табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар, иқтисод ва маданиятнинг, диний қадриятлар, социал-сиёсий муносабатлар, уларнинг ривожланганлик даражаси муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шубҳа йўқки, бу жараёнлар жамиятни демократик, адолатпарварлик ва ҳалоллик асосида бошқариш тамойиллари билан боғланган. Бинобарин, маънавият жамият ривожланишининг мезонигина эмас, балки ана шу таваққулни омили ҳамдир.

Маънавиятни таркиб топтириш ва ривожлантиришда таълим-тарбия жуда катта роль ўйнайди. Республикамизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ана шунга даъват этилганлигини таъкидлаш лозим. Президентимиз И. А. Каримов ёзганидек, «таълим Ўзбе-



кистон халқи маънавиятига яратувчанлик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятини тушуниб етиш бошланади» (И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият, 9-бет).

Дарҳақиқат, ҳозир бутун дунёда, шу жумладан, бизнинг мустақил республикамизда ҳам таълим соҳасида ўқув жараёнларини демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, жадаллаштириш, мустаҳкамлаш, компьютерлаштириш ва яхлитлаштириш йўналишларида катта ишлар қилинмоқда. Бинобарин, демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш маънавиятни таркиб топтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, маънавият асослари, этика, эстетика, умумназарий ва ижтимоий фалсафа, социология, тарих, маданиятшунослик, психология, экология фанларини ўқитишнинг социал мақоми юксалиб бормоқда.

Шундай қилиб, маънавият кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурч, масъулият туйғулари), илмий, эстетик-ижодий, амалий малакалар (меҳнат, ижодкорлик, истеъдод, қобилият), диний, мафкуравий қарашларнинг яхлит бирлигидан иборат. Бу қарашлар алоҳида-алоҳида олинганда эмас, балки бир бутун, яхлит ҳолдагина маънавиятни ташкил этади.

## 2. МАЪНАВИЯТ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Маънавият олами шу қадар мураккаб, зиддиятли, ранг-баранг ва кўп қиррали эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Маънавият даражасини ва инсоннинг маънавий етуклик мезонларини белгилаб олиш мумкинми?

Аввало, шуни айтиш керакки, инсон ва жамиятнинг маънавияти олами сирли нарса эмас, албатта. Ижтимоий фанлар таъриқиети шундан далолат берадики, мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлмиш маънавиятни ҳам табиат ва жамиятдаги бошқа нарса ва ҳодисаларга ўхшаб билиб олиш мумкин. Ўтмишда одамлар ўз моддий-иқтисодий ҳаётларини маънавий турмушларига нисбатан кўпроқ англаб етишга интилганлар. Дарвоқе, моддий неъматлар («нон») ни тақсимлаш масаласи ҳамма вақт долзарб бўлган, чунки ишлаб чиқариш кучлари заиф бўлганлиги сабабли ҳамма вақт ҳам етарли моддий неъматларни ишлаб чиқаришнинг имконияти бўлавермаган. Шу туфайлими ёки бошқа

сабабданми, ишқилиб, ижтимоий бойликка эга бўлиш ҳамма замонларда ҳам мансаб-ҳокимият масаласи билан бевосита боғлиқ бўлган, иқтисодий муносабатлар эса ҳаминша кескин курашлар негизида юз берган. Кишиларнинг маънавий ҳаёти моддий турмушга нисбатан қандайдир иккинчи ўринни ишғол қилгандек туюлган, унга нисбатан жамиятда юзага келган муносабатлар ана шу асосда унга ўз таъсирини ўтказиб келган. Бироқ, кишилик даҳосининг буюк намояндалари инсон ҳаёти асосига маънавиятни қўйиш масаласини ҳам ёддан чиқармаганлар, бу нарса, айниқса, Шарқ фалсафасида, хусусан, Марказий Осиё халқлари маданияти тарихида алоҳида ўрин тутган. Мазкур ишнинг иккинчи бобида бу ҳақда батафсил фикр юритилади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўрамизки, мутафаккирлар маънавият ҳодисасини ўрганишга, унинг асосий тушунчаларини ишлаб чиқишга, маънавий юксалиш тамойилларини белгилаб олиш асосида фаолият кўрсатишга алоҳида эътибор берганлар. Халқ оғзаки ижоди намуналари, муқаддас диний китоблар, дунёвий-фалсафий қарашларнинг негизида маънавият масаласи ўзига хос ўрин тутган. Қандай бўлишидан қатъий назар, маънавият марказида инсонийлик, инсон зотининг ахлоқийлигини намоён этиш усули турган.

Ижтимоий ҳаётимизнинг таркибий қисмини ташкил этувчи маънавият ҳодисасининг моҳиятини англаб етиш мумкин, бутун фан олами ҳамон бу сеҳрли ҳодисанинг мазмунини ёритишга интилиб келмоқда, қадимдан уни файласуфлар, социологлар, психологлар, тиббиёт ходимлари, физиклар, кимёгарлар ўрганишга ҳаракат қилиб келадилар. Ҳар бир ихтисос соҳиби уни ўз фанининг предмети нуқтаи назаридан ва унинг ўзига хос хусусиятлари жиҳатидан ўрганишни амалга оширади. Масалан, психологларни маънавий жараёнларнинг руҳий инъикос этилиши, инсоннинг характери, темпераменти, ҳиссиётлари, тарбиячини эса инсонни тарбиялашнинг маънавий қадриятларда ифодаланадиган жиҳатлари, уларнинг шахс шаклланишига таъсири масаласи ўзига тортиб келади. Бу масала билан ҳатто кибернетиканинг ҳам шуғулланишини қайд этадиган бўлсак, инсон фаолиятининг бу мураккаб соҳаси маънавий ишлаб чиқариш жараёнида информацион алоқа ролини кўрсатишга йўналтирилгандир. Бундай тавсифларни кўплаб келтириш мумкин, бироқ буларнинг барчасининг объекти маънавият, жамият ва инсоннинг маънавий олами ҳисобланади.

Демак, бугунги кунда тилимизда қўлланиладиган ҳамда маънавиятнинг табиати ва моҳиятини ифодаладиган асосий тушунчалар кишилик тафаккурининг маҳсулидир. Бу тушунча-

лар яхлит ҳолда маънавиятнинг серқирра оламини, шакллари ва турларини, унинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан алоқадорлиги масалаларини ёритади ва бизнинг маънавият тўғрисидаги билимларимизнинг ривож топишига олиб келади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги адабиётларимизда, мақола ва чиқишларимизда «маънавият» атамасини тушунтиришга алоҳида эътибор бериш устувор вазифалардан бўлиб турибди. Ваҳоланки, кишилик жамияти тарихида, халқимиз тафаккури силсилаларида шундай тушунчалар ҳам шакл топганки, уларнинг мазмуни ва табиати ҳақидаги масалани ҳал этмасдан туриб, «маънавият» деган ҳодисанинг тагига етиб бўлмайди. Бундай тушунчалар ниҳоятда кўп, бироқ биз уларнинг ҳаммаси ҳақида эмас, асосийлари тўғрисида фикр юритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Маънавиятни инсон ва жамият ҳаётисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Модомики, шундай экан, унинг барча қирраларини ана шундай ҳодисаларга боғлаб тушунтириш лозим.

**Жамиятнинг маънавий ҳаёти.** Маънавий ҳаёт ҳақиқий маънодаги инсоний ҳаёт, фаолият, муайян ижтимоий соҳада кишилар кечирадиган ҳаётдир. Маънавий ҳаёт кишилар мавжудлигининг реал, жонли жараёни, ҳар қандай даражадаги мавжудлиги ифодаси бўлиб, у кундалик оддий тушунчалардан тортиб, инсониятнинг энг қайноқ ижоди, хаёллари, руҳий олами, ҳиссий кечинмаларигача бўлган ҳолатларни ўз ичига олади.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти икки жиҳати билан характерлидир. Биринчидан, у кишилар ҳаётининг фаолиятининг реал жараёни, унинг асосий типларидан биридир. Шу маънода барча социал жараёнларни у ўз таркибига олади. Зарурий моддий неъматларга эга бўлиш мақсадида инсонлар шубҳасиз, моддий ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Бироқ онгли зот сифатида улар ўзларининг маънавий эҳтиёжларини қондирмасдан яшаши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун онгли ишлаб чиқаради, маънавий муносабат ва муомалалар тизимига киради. Демак, улар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан яшашга даъват этилган бўлади. Иккинчи томондан, маънавий ҳаёт жамият ҳаётининг нисбатан мустақил соҳасидир.

«Жамиятнинг маънавий ҳаёти» тушунчаси «жамиятнинг маънавий соҳаси» тушунчаси билан конкретлашади. Жамиятнинг маънавий соҳасига бутун маънавий ҳаёт эмас, балки унинг баъзи қатламлари ёки махсус маънавий ишлаб чиқариш даражаси билан боғлиқ бўлган (профессионал) томонлар киради, махсус амал қиладиган социал институтлар (мафкура ва илмий муассалар, театрлар, кутубхона, музей, мактаб ва ҳ. к) шулар жум-

ласидан. Булар маънавий қадриятларни яратувчилар ва тарқатувчилардир.

Шундай қилиб, жамиятнинг маънавий ҳаёти ўз моҳиятига кўра, кишиларнинг яшаб туришларининг реал жараёни, амал қилишига қараб — ижтимоий ҳаётининг фаолият ва онгни ишлаб чиқариш, тарқатиш ҳамда кишиларнинг маънавий эҳтиёжлари билан боғланган нисбий мустақил соҳадир.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти кишилар маънавий жиҳатдан эркин бўлишлари билан боғлиқ ҳолда амал қилади.

Инсоннинг маънавий эркинлиги унинг эркин фаолият соҳиби сифатида ўзини англаб етишини билдиради. Инсоннинг маънавий эркинлиги ҳақиқий қадриятларга эркин муносабатда бўлишда, маънавий-ижодий эркинликда намоён бўлади.

Маънавий соҳанинг асосини маънавий ишлаб чиқариш ташкил этади. Бу жараёнда онг, яъни ғоялар, қарашлар, тасаввурлар ишлаб чиқарилади. Дарҳақиқат, кишилар ўзларининг ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан чегараланибгина қолмасдан, балки ўз тасаввурлари, тушунчаларини ҳам яратадилар. Онгни ишлаб чиқариш тарихан конкрет шакллар (турлар)да амалга ошириладики, унинг ҳар бир шакли (сиёсий, ахлоқий, эстетик ва ҳ.к.) маънавий ишлаб чиқаришнинг алоҳида тармоғини ташкил этади.

Маънавий ишлаб чиқариш ижтимоий онгни, маънавий қадриятларни яратишдан иборатдир. Маънавий қадриятлар (илмий ғоялар, қарашлар, бадиий асарлар, рассомлик асарлари) маънавий мулоқотларнинг моҳиятини ифодалайди. Бунинг натижаси ўлароқ ижтимоий онг омма ўртасида кенг тарқалади.

Маънавий ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги унинг маҳсулотлари билан боғлиқлигидадир. Маънавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ўзининг янгилиги, оҳори тўкилмаганлиги (янги бадиий асар, янги картина, янги илмий билимлар) билан ажралиб туради. Уларнинг аксарияти моддий тусга киради, яъни китоб, рассомлик асарлари сингари таркиб топиб, ўз яратувчилари ва истеъмолчиларидан алоҳида яшаши ҳам мумкин. Бошқа хиллари эса уларни яратиш ва ижро этиш жараёнида воқе бўлади. Масалан, артист саҳнага чиққанда, маърузачи (лектор)-ўқитувчи аудиторияга кирганда шундай ҳолат рўй беради. Демак, маънавий фаолият жараёнининг ўзи унинг маҳсули бўлиб намоён бўлади.

Маънавий ишлаб чиқариш ақлий ва интеллектуал меҳнатга асосланади. Жамиятнинг ривожланиш асносида ақлий-интеллектуал меҳнат инсон ва унинг фаолияти учун янада кенг имкониятларни вужудга келтиради. Унинг ўзига хос хусусиятларидан

бири ҳам ана шунда. Ақлий меҳнатнинг жозибадорлиги, ай-  
ниқса, адабиёт ва фан соҳасида ана шу ҳолат билан белгиланади.

Шуни айтиш керакки, маънавий ишлаб чиқариш энг авва-  
ло, меҳнатнинг ижодий характерини намоён қиладиган соҳа-  
дир. Санъаткор, олим, рассом, бастакорнинг меҳнати ҳақиқатан  
ижодий меҳнатдир. Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, инсон-  
нинг ҳар қандай меҳнати маънавийлик билан суғорилган, «маъ-  
навийлашган»дир, сабаби — моддий фаолиятда инсон нафақат  
жисмоний, балки маънавий кучларини ҳам сарф қилади. Шу  
боисдан, адабиётларда моддий ишлаб чиқаришнинг маънавий  
имкониятлари, негизлари деган тушунча амал қилади.

Уқорида маънавий ишлаб чиқариш онгни ишлаб чиқариш  
билан боғлиқ ҳодиса, деб айтилди. Унга қўшимча сифатида таъ-  
кидлаш керакки, маънавий ишлаб чиқариш ёлғиз маънавий-  
назарий фаолиятдан, ўзи таъсир этадиган объектни фикран  
ўзгартиришдангина иборат эмас. Айтайлик, инсон тарбия ва  
таълим жараёнида янги ғоялар, қарашлар, билимларни эгал-  
лайди. Унда дунёқараш, социал мақсад, ҳаётий позиция шакл-  
ланади. Бундай фаолиятнинг маҳсулоти ушбу шахснинг маъ-  
навий фазилатлари ҳисобланади, буларни инсон мазкур соҳада  
ўз амалиётида қўллайди. Демак, бу фаолият маънавий-амалий  
моҳият ҳам касб этади.

**Маънавий фаолият.** Жамият маънавий ҳаётининг негизини  
маънавий фаолият ташкил этади. Фаолият бу кишилар мав-  
жудлиги, борлигининг муайян усулидир. Маънавий фаолият  
ҳам фаолиятнинг бошқа турлари сингари ижтимоий шартлан-  
ган бўлади. Маънавий фаолият мақсадни кўзда тутадиган мо-  
ҳиятдир. Чунки кишилар ўз манфаат ва эҳтиёжларини қонди-  
риш жараёнида муайян мақсадларга эришишга ҳаракат қила-  
дилар. Кишиларнинг интилишлари, воқеликни ўзгартириш  
борасидаги ижодий ёндашишлари уларнинг мақсадида ўз ак-  
сини топади.

Маънавий фаолият деганимизда «руҳ»нинг мавҳум ҳолати-  
ни эмас, балки инсоннинг ақлий, жисмоний, ташкилотчилик  
ва бошқа хатти-ҳаракатлари мажмуини тушунамиз. Бу фаолият  
маънавий қадриятлар яратишга йўналтирилади, айна вақтда,  
санъат асарлари, фалсафа, илмий тадқиқотлар, ахлоқ ва  
ҳуқуқнинг меъёрларида, сиёсий ғояларда, идеаллар, орзу ва  
фантазияларда ўз ифодасини топади. Бу фаолият инсоннинг  
мақсадга мувофиқ интилишларини ифодалаб, унда инсоний  
қобилият ва иштиёқ, ирода ва ҳиссиёт, ақл ва хаёл уйғунлиги  
намоён бўлади. Оқибат-натижада, инсон туйғулари, ақли, та-  
факкури, хаёллари, билиши, ҳаётий тажрибаси, кишиларга

муносабати моддийлашади. Бошқача айтадиган бўлсак, маънавий фаолият гоёлар, онг, ҳис-туйғулар, тафаккур ишлаб чиқариш билан боғланган бўлади. Инсон бу фаолият туфайли маънавий қадриятларни ишлаб чиқади, шу туфайли бу жараёни маънавий ишлаб чиқариш деб аташ мумкин.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «фаолият» тушунчаси билан «ишлаб чиқариш» тушунчаси қўлланиш жиҳатидан бири-бирига тенг эмас. Фаолият ақлий, ижодий меҳнат билан шуғулланадиган алоҳида олинган инсон ёки кишилар гуруҳига хос хусусиятдир. Ишлаб чиқариш эса ўз кўламига кўра кенг маънони ифодалаб, инсон ёки кишилар гуруҳининг конкрет меҳнати, фаолиятинигина эмас, балки шу билан бирга, фаолият амал қиладиган, оммалашадиган, жамият миқёсида кенг тарқалишига йўналтирилган ижтимоий ташкиллаштиришни ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш яратилган қадриятлар мавжудлиги ва амал қилишининг зарурий шарт-шароитидир. Айтиш мумкинки, маънавий ишлаб чиқариш маънавий қадриятларни ижтимоий ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва айирбошлаш учун зарур бўлган барча нарсалардир.

Масалан, ёзувчи асарини яратиб, бадиий образлар, сюжет ва мавзу орқали китобхонларга таъсир этади, яъни маънавий қадрият яратади. Бироқ бадиий асарни оммавий тарзда кўпайтириш эса нашриётсиз амалга ошмайди. Демак, босмахона ишчилари, қоғоз ишлаб чиқариш фабрикалари ходимларининг моддий меҳнати маънавий ишлаб чиқариш тизимига киради. Шу сабабли, китоб ва маданиятнинг бошқа предметларини ишлаб чиқарадиган мураккаб ижтимоий ишлаб чиқариш тизими маънавий ишлаб чиқариш деб аталади.

Гарчанд моддий ва маънавий ишлаб чиқариш ўзларининг пировард натижалари бўйича ўзаро фарқланса ҳам, бироқ меҳнатнинг ҳар қандай туридаги фаолиятнинг ўзи, фаолият жараёни моддийлик ва маънавийлик бирлиги сифатида намоён бўлади. Дарҳақиқат, инсон ҳаётида ҳам бу тушунчалар соф кўринишда амал қилмайди. Масалан, токарь дастгоҳда ишлар экан, нафақат жисмоний кучларни, шу билан бирга ирода, ақл, руҳиятни ҳам сарфлайди ва сафарбар этади. Бу нарса ҳар қандай бошқа меҳнат жараёнига ҳам хосдир. Тасвирий санъатчи, ҳайкалтарош тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин: материалда ўз фикрларини гавдалантириб, айна вақтда ўзининг ақлий ва жисмоний кучларини яхлит меҳнат жараёнида акс эттиради.

Кишиларнинг маънавий ҳаёти ўз моҳият-негизига кўра уларнинг моддий ҳаётини ифода этади. Инъикос — инсон онгининг хусусияти, шу асосда у оламни, кишиларни, табиатни билишга

интилади ва буларнинг барчаси тўғрисида билим ҳосил қилади. Шундай қилиб, юқорида кўриб чиққан тушунчаларимиз сафига яна бир тушунча келиб қўшилди: Билиш. Билиш — инсон маънавий оламининг ҳамда жамиятнинг бутун маънавий ҳаётининг асосидир. Билиш — бу жонли, фаол жараён. Кишилар билимни турли йўллар билан қўлга киритадилар: айримлар саёҳат қилади, бошқалари китоб ўқийди, фильм кўради, учинчилари — кишилар билан мулоқотга киришади, тўртинчилари фан, назария, фалсафа билан шуғулланади ва ҳ. к., бироқ билишнинг энг муҳим манбаи ва инсон, жамият, маданият мавжудлигининг асоси меҳнатдир. Демак, билим ҳам ақлий, ҳам жисмоний меҳнат туфайли, шунингдек, одамларнинг ўзаро бир-бирлари билан мулоқотлари негизида юзага келади.

Билиш **тафаккур** билан боғланган, тафаккур эса амалиётга асосланади, унга йўналтирилган бўлади. Билиш натижалари, тафаккур натижалари, уларнинг бирлиги, йиғиндиси сифатида билим юзага келади. Билим **образ** шаклида (моддий объектнинг идеал инъикоси сифатида); **тушунча** шаклида (билимнинг тилдаги нутқий ифодаси); **категория** шаклида (объектларнинг ўзаро алоқасини акс эттирадиган мураккаб тушунча); **қонун** (воқеаларнинг ички турғун алоқалари, тизимларни ташкил этиш усуллари, уларнинг ўзгариши, тараққиёти) шаклида намоён бўлиши мумкин. Қўлга киритилган билимларнинг барча бу кўринишлари умумлаштирилган тарзда **эмпирик**, **назарий**, **кундалик**, **фалсафий** характер касб этиши мумкин.

Билим нафақат фанга, балки санъатга ҳам тегишлидир. Ҳар бир бадиий асар ўз мазмунига тегишли бўлган эмоционал-ҳиссий жиҳатлардан ташқари яна ҳаёт тўғрисида, кишилар, табиат тўғрисида муайян билимларни ҳам ифода этади. Ахлоқ қоидалари кишиларнинг ахлоқи, уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги билим ҳамдир. Сиёсий ғоялар ҳам ўзига хос билим: улар синфлар ўртасидаги муносабатларни, ҳокимият, давлат, ижтимоий идеаллар тўғрисидаги тасаввурларни ифода этади.

Билиш, тафаккур, билим жонли, фаолиятли жараёнларни ранг-баранг шаклда ифода этади ва у инсон онгининг функциясидир. Онг эса инсоннинг ўз-ўзига, бошқаларга, табиатга, оламга яхлит муносабати туфайли юзага келади. Маънавий маҳсулот бўлган онгда ижтимоий борлиқ, кишилар реал ҳаётининг бутун йиғиндиси — борлиги акс этади. Ижтимоий онгининг барча шакллари, даражалари маънавий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқлидир.

**Ижтимоий кайфият**, **ижтимоий психология**, **ижтимоий фикр**. Булар жамият маънавий ҳаётининг муҳим соҳаларидир. Даст-

лабки икки тушунча маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, инсон психикасини, яъни руҳиятини акс эттиради. Кишиларнинг руҳияти — улар маънавий ҳаётининг алоҳида соҳасини ташкил этади. Улар организмнинг руҳий-жисмоний жараёнларига асосланади. Улар ҳис-туйғуларда, кайфиятларда, температураларда, майлларда, иродавий ҳолатларда, интилишларда ва ҳоказоларда онгли равишда ёки беихтиёр тарзда юзага келади.

Руҳият нафақат маънавий, балки амалий ҳодиса ҳамдир, у кечирилади, сезилади ва англонади. Ирода импульслари ёки аниқ ифодаланмаган кечинмалар руҳият-психиканинг намоён бўлишидир. Организмлардаги психик жараёнлар кўзга яққол ташланиб турмайди. Улар психик жараёнларнинг барча ҳаракатлари билангина эмас, балки уларнинг натижалари билан маънавий оламга дахлдор бўлади. Билимдаги психикани, социал алоқалар ва муносабатлардаги психикани — шуларни маънавий ҳаётга, маънавий фаолиятга тегишли деб ҳисоблаш керак. Бу ўринда ижтимоий кайфиятнинг алоҳида ўрни бор, чунки у кишилар хатти-ҳаракати, ижтимоий ҳаёт практикаси билан бевосита боғланган. Ижтимоий кайфият синфлар, табақалар, гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини эмас, шу билан бирга уларнинг маънавий маданиятига, инсон ва инсоният идеалларига хизмат қилишини ҳам кўрсатади.

Ижтимоий фикрга келганда шуни айтиш керакки, у билимни ҳам, муносабатни ҳам, ҳаётнинг муайян томони тўғрисидаги тасаввурни ҳам, улар тўғрисидаги ҳукмларни ҳам ўз ичига олади. Алоҳида одамнинг фикри одатда шахсий фикр деб аталади. Кўпгина кишилар эса ижтимоий фикрни билдиради. Гуруҳлар, жамоа, ижтимоий қатлам, синфларнинг у ёки бу ҳодиса, факт, социал борлиқ ҳақидаги фикрлари ҳам мавжуд. Халқнинг фикри, жамиятнинг фикри улкан маънавий ва амалий кучга эга. Унга ижтимоий ва сиёсий арбоблар қулоқ солади, чунки бу фикрлар ортида синфлар, жамият ва инсон манфаатлари ётади. Фикрлар нафақат билимлар, тасаввурлар тўғрисида, балки кишиларнинг қандайдир социал аҳамиятли ҳодисаларга бўлган муносабатидан ҳам гувоҳлик беради. Модомики, уларга кишилар муайян ижтимоий қадриятлар орқали баҳо берадир экан, демак, фикр айна вақтда баҳо ҳам бўлиб, ўзида ахлоқий, эстетик, сиёсий ва мафкуравий мазмунни ифодалайди.

Масалан, бизнинг гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги тушунчаларимиз уларга ҳаётий воқеаларнинг мос келиш-келмаслигига мувофиқ равишда баҳоланади. Шундай қилиб, ҳукм ва хулосалар ўзида нафақат билимни, воқеаларга муносабатни ҳам ифодалайди. Мен атрофимни ўраб олган воқеаларга



менинг бошқа кишиларга бўлган муносабатим орқали ёндашман. Демак, менинг муносабатим социалдир. Инсон сифатида ўзимнинг барча хатти-ҳаракатларимда, фикрларимда, интилишларимда ўзимни ифода этган бўламан.

Кишилар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий муносабатлар деб аталади, чунки улар мулоқотда, меҳнатда, моддий ҳаёт практикасида таркиб топади. Инсонни фаолиятли, ўзгарувчан моҳият қилиб шакллантирадиган меҳнат бу ҳаётнинг негизини ташкил этади. Муносабатлар моддийга ва маънавийга бўлинади. Биринчиси — меҳнатда, кишиларнинг бутун моддий ҳаётида, иккинчиси — ҳаётнинг маънавий соҳасида таркиб топади. Маънавий муносабатлар олами кишиларнинг амалий-воқеий муносабатлари негизида юзага чиқади.

Ижтимоий муносабатлар характери кўп жиҳатдан кишиларнинг маънавий оламини ва жамиятнинг маънавий ҳаётини белгилаб беради. Инсонларнинг оламини ўзгартириш сари йўналтирилган ижтимоий фаоллиги мана шу муносабатлар туфайли юзага келади. Инсоннинг фаоллиги, унинг хатти-ҳаракати, қобилияти қатор ниятлар тизимига суянади. Ҳар қандай инсоний фаолиятни ҳаракатга келтирувчи муайян сабаблар мавжуд бўлиб, булар — эҳтиёжлар, манфаатлар ва мақсадлардир.

Фаолликсиз, ижодий меҳнатсиз кишиларнинг маънавий ҳаётини тасаввур этиш мумкин эмас. Агар инсон дангаса бўлса, худбин бўлса, такаббур бўлса, уни маънавий бой инсон деб бўлмайди. Ундай одамда эҳтиёж, манфаат, юксак маънодаги мақсад бўлмайди. Ундаги маънавийлик олами ўзига бино қўйиш билан чегараланган бўлади, ўзига бино қўйишлик, худбинлик на ахлоқий, на ижтимоий чегарани билади.

Фаолият тушунчаси меҳнат тушунчасини ҳам билдиради. Бироқ меҳнат инсоннинг яратувчанлик фаолиятини ифодалайдиган энг умумий категория бўлса, фаолият — бу қобилиятнинг жонли, реал гавдаланишидир. Айтиш мумкинки, меҳнат — фаолиятли жараёнлар ҳамда жисмоний ва маънавий кучлар ҳаракатининг йиғиндисидир. Ҳайвонлар ҳам муайян фаолият билан шуғулланади: овқатланади, ҳаракат қилади, озиқ-овқат излаб топади, уя қуради. Бироқ бу онгли эмас, балки инстинктив, туғма хатти-ҳаракатлар таъсирида юз беради. Уларни социал маънода оладиган бўлсак, фаолият деб аташ мумкин эмас.

Инсон фаолияти нафақат анланган, балки шу билан бирга мақсадга мувофиқ йўналтирилган жараён бўлиб, ўз ичига икки томонни олади: ички (маънавий) ва ташқи (моддий). Ички жараённинг ташқига айланиши айтиш вақтда идеалликнинг моддийга, субъективликнинг объективликка, предметлиликка ай-

ланиши ҳамдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам маънавий, ҳам жисмоний кучлар сарфланади. Маънавий фаолиятга келганда шуни айтиш лозимки, бу, энг аввало, маънавий қадриятларни яратадиган жонли инсоний фаолиятдир. Инсоний фаолият муайян даражада турли-туман натижаларга олиб келади: у билиш, тафаккур, ижодий фантазиядан тортиб, то рассомлик, тўқимачилик, меъморчилик, адабиёт ва мусиқа, театр ва кино асарларини яратишгача бўлган натижаларни билдиради. Маънавий фаолият ижтимоий онгни шакллантиради, унинг шаклларини бойитади. У кишиларга билим, эътиқод, гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат руҳини бериб, уларнинг тафаккурини бойитади.

Маънавий фаолиятни икки ёқлама қараб чиқиш мумкин: психик жараёнлар сифатида (эмоционал, ҳиссийлик даражасидаги онг); маънавий қадриятларни яратиш жараёни сифатида. Ҳар икки томон ўзаро муносабатга киришади ва ягона фаолият жараёнини ифодалайди. Бу нарса моддий фаолиятга ҳам бевосита дахлдордир. Моддий фаолият ҳам маънавият руҳи билан суғорилган бўлади. Бинобарин, ишчи, қурувчи ва бошқа шунга ўхшаш субъектларнинг меҳнати тафаккур ва билиш жараёнисиз юз бермайди. Маънавий фаолият фақат олим, рассом, файласуф ва шунга ўхшашларнинг фаолиятидангина иборат эмас. Кишиларнинг маънавий олами умуман бой ва рангбаранг бўлиб, фаолият эҳтиёжларини, манфаатларини ва мақсадларини ўз ичига олади. У ҳақда гап борганда энг чуқур *онгости* жараёнлардан тортиб то билиш ва тафаккурнинг назарий шакллари гача бўлган ҳолат назарда тутилади. Унга руҳий фаолиятнинг ҳиссий-эмоционал кўринишлари ҳам, илмий ва фалсафий онгга ўхшаган мураккаб тизилмалар ҳам кириши мумкин.

Маънавий фаолият ўзининг ранг-баранглиги жиҳатидан куйидаги турларга бўлинади: сиёсий фаолият, ҳуқуқий ва ахлоқий фаолият, илмий фаолият, иқтисодий фаолият, диний ва фалсафий фаолият ва ҳ.к.

**Маънавий муносабатлар.** Маънавий фаолият ҳақида мулоҳаза юритган вақтимизда муносабатлар муаммосига эътибор бермаган эдик, энди бу ҳақда тўхталиб ўтиш зарурияти бор. Чунки маънавий фаолиятнинг ўзи ижтимоий муносабатларга бевосита сингиб кетгандир. Кишилар ҳаётининг моддий шакллари ҳақида гап борганда, табиийки, унга моддий ишлаб чиқариш фаолияти — меҳнатнинг барча турларини киритамиз. Моддий муносабатлар тушунчаси остида эса ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш бўйича муносабатлар; авлодни давом эттириш билан боғлиқ муносабатлар; табиатга муносабат ка-

билар кўзда тутилади. Ва ниҳоят, моддий мулоқотни ҳам эсдан чиқармаслик керак. Буларнинг барчаси жамланган ҳолда кишилар моддий ҳаётининг социал шаклини ифодалайди.

Табиийки, кишиларнинг алоқалари муносабатларнинг негизини ташкил этади, бинобарин, муносабатнинг ўзи кишилар ўртасидаги алоқаларнинг ранг-баранг шаклларида бошқа нарса эмас. Инсоннинг ижтимоий моҳияти муносабатларсиз, алоқаларсиз маънога эга эмас.

Инсон онги нафақат реал оламни, шу билан бирга, инсоннинг амалий фаолиятини ҳам, амалий муносабатини ҳам акс эттиради. Инсоннинг шахсий маънавий олами воқелик ҳақидаги билimler, тасавурлар ва образлар бирлигида ўз ифодасини топади.

Мулоқот — алоқа ва муносабатнинг негизини ташкил этсада, шунинг ўзи билан чегараланиб қолмайди. Кишилар ўртасидаги муомалалар жамият тараққиёти даражасига боғлиқ ҳолда турли шаклларда намоён бўлади ва ҳамма вақт шахсий маъно касб этади. Чунки кишилар ўзаро муомала қилган пайтларида жонли кишилар бўлиб кўзга ташланади. Бироқ кишиларнинг оламга муносабатлари оқибат-натижада ижтимоий муносабатлар сифатида таркиб топади.

Маънавий алоқаларни, мулоқотларни руҳ ва ғоялар соҳасидаги алоқалар деб аташ мумкин. Маънавий муносабатлар кишилар ўртасидаги реал алоқалардир; улар ғоялар, қарашлар соҳасидаги ўзаро маънавий таъсирлар билан чегараланиб қолмайди, шу билан бирга маънавий фаолиятнинг моддий омилларига ҳам кучли таъсир этади.

**Маънавий эҳтиёжлар.** Эҳтиёжларнинг таркиб топиши ва ривожланиши ҳамма вақт инсоннинг камол топиши, биринчи навбатда, унинг қобилиятлари билан боғлангандир. Чунончи, ёшларнинг вояга етиши, улар организмнинг ривожи, тарбияси янгидан янги эҳтиёжларнинг шаклланиши билан боғлиқдир.

Эҳтиёж — бу зарурат. Биз уларни ўйлаб топмаймиз, англаб етишимиз ёки англаб ета олмаслигимиз мумкин. Ҳар қандай эҳтиёж ўз асосига кўра, инсоннинг муҳит билан ўзаро алоқадорлиги туфайли юзага келади.

Ҳар бир киши ўз тирикчилигини таъминлаш учун озиқ-овқат ейиши, ичиши, ҳаракат қилиши, ўзи билан табиат ўртасидаги модда алмашинувини амалга ошириши зарур. Бироқ очлик, ташналик туйғуси овқат ҳазм қилиш жараёнисиз маъно касб этмайди. Ҳаракат қилишга бўлган эҳтиёж муайян органлар ва мускуллар ҳаракатсиз, шунингдек, кишилар билан алоқага кириш истагисиз, тилсиз, тафаккурсиз, ҳиссиётсиз рўй бермайди.

Инсоннинг эҳтиёжлари нечоғлик ранг-баранг бўлса, инсон ўзининг мақсад ва интилишларида шунчалик бой бўлади.

Маънавий эҳтиёжлар олий эҳтиёжлар сирасига кириб, ўз навбатида, бир қатор турларга бўлинади. Табиийки, эҳтиёжларни турларга бўлиш нисбий ва шартлидир. Ҳолбуки, ҳаётда моддий эҳтиёжлардан бутунлай ажратиб олинган маънавий эҳтиёжларнинг ўзи йўқ, шунингдек, соф биологик, соф ижтимоий эҳтиёжлар ҳам мавжуд эмас. Инсон, ҳаттоки, энг содда эҳтиёжлари билан ҳам ижтимоий моҳият касб этади. Соф биологик эҳтиёжга ўхшаган, масалан, авлодни давом эттиришга бўлган эҳтиёж ҳам социал-маънавий эҳтиёжсиз маънога эга бўлмайди, яъни муҳаббатсиз, қадр-қимматсиз, юксак ахлоқийликсиз, эстетик идроксиз амал қилмайди. Ҳаттоки, шоир ёки санъаткорнинг энг юксак эҳтиёжлари ҳам моддий мақсадларсиз бўлмайди. Шундай қилиб, моддий ва маънавий эҳтиёжлар реал ҳаёт жараёнини акс эттирувчи илмий тушунчалардир. Маънавий эҳтиёжлар бизнинг ташқи оламга бўлган ва унга мувофиқ келадиган зарурат ва ҳожатнинг алоҳида тури бўлиб майдонга чиқади. Бу, айтиш мумкинки, инсоннинг маънавий қобилиятлари билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ўзига хос фаоллик бўлиб, кишиларнинг тарихан шаклланган амалиётида англаб олинган заруратдир.

Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари негизида унинг маънавий туйғулари ётади, бу туйғулар ижтимоий моҳиятга эга бўлиб, бутун жаҳон тарихининг маҳсулидир. Мусиқани фарқловчи қулоқ, шакл гўзаллигини ҳис этадиган кўз ва бошқа унга ўхшаш туйғулар меҳнат туфайли таркиб топган. Нафақат туйғулар, балки тафаккур ва хаёл ҳам маънавий эҳтиёжларни шакллантиради. Инсон табиат бағрида яшайди, кишилар орасида истиқомат қилади, бу омил унинг туйғулари намоён бўлиши учун тегишли имкониятларни яратади, эҳтиёжларини аниқлайди, оламга муносабатини белгилайди. Масалан, табиатнинг гўзал манзараси кайфиятга қараб турлича идрок этилиши мумкин: табиат гўзаллиги шаҳарликка нисбатан қишлоқ аҳолисида бошқача таассурот туғдиради; оч одамнинг овқатга бўлган муносабати тўқниқига нисбатан бутунлай бошқача бўлиши ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Инсоннинг ташқи муҳит негизида шаклланадиган ташқи туйғулари билан бирга яна тарбия туфайли камол топадиган социал туйғулари ҳам мавжуд. Масъулиятлилик, фуқаровийлик, кишиларга муҳаббат, ахлоқий туйғулар — булар маънавий қобилиятларимизнинг хазинаси бўлиб, инсон шулар туфайли ўзининг специфик маънавий эҳтиёжларини таркиб топтиради.

Инсоннинг энг биринчи маънавий эҳтиёжи — бу билишга бўлган эҳтиёж. Бунингсиз инсон социал моҳиятга эга бўлмас, табиатни, кишиларни, ўзини била олмаган бўлур эди. Билимга асосланмаган бирор-бир инсоний фаолиятни тасаввур этиш мумкин эмас. Гегелнинг ёзишича, энг жиддий эҳтиёж ҳақиқатни билишга бўлган эҳтиёждир (*Гегель*. Соч. Т. I. — М. Госиздат, 1930 год, стр. 14: ).

Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаётга қўядиган биринчи қадамини унинг билиш томон қўйган қадами деса бўлади. Билим — фаннинг асоси. Бироқ санъат, фалсафа, сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ ҳам билимга асосланади. Билишга бўлган эҳтиёж турлича ифодаланади: воқеаларни ҳиссий идрок этиш шаклларида тортиб, фундаментал фанлардаги назарий умумлашмаларгача бўлган эҳтиёж. Билиш меҳнатдаги жараёни ёритиш учун зарурийдир, чунки тайёр маҳсулот айна вақтда билиш фаолиятининг ҳам маҳсулидир. Кундалик хатти-ҳаракатда ҳам, буюк кашфиётларда ҳам билиш зарурий унсурдир.

Ҳаёт шароитига қараб билишга бўлган эҳтиёж иккиёқлама намоён бўлади:

- маънавий-назарий;
- маънавий-амалий.

Юқорида айтилдики, эҳтиёж ўзининг маънавий хусусиятини йўқотмаган ҳолда ҳам моддий фаолиятда, ҳам маънавий фаолиятда амал қилади. Билиш билимни чуқурлаштиришга йўналтирилганми ёки амалий ҳаракатга қаратилганми, бундан қатъий назар, мустақилдир. Оддий бир мисол: овчи ваҳший ҳайвонни кузатиш, уни қўлга олиш учун ўша ҳайвон яшайдиган жойни ва шу билан боғлиқ шароитни чуқур ўрганган бўлиши, яъни билиши зарур.

Кишиларга ҳурмат-эҳтиром, бошқалар билан алоқа қилишга бўлган эҳтиёж маънавий қобилият натижасидир. Бошқа жинс вакилига, болаларга, ота-онага муҳаббат ҳақида гапириш мумкин, бу билан инсонга бўлган муҳаббат тугамайди. Ҳар бир киши ўзининг чин дўстларига эга, бироқ бу дўстлик моддий манфаатдорлик, моддий фойда кўриш мақсадларига асосланмаслиги керак.

Маданий-тарихий тараққиёт тажрибаси кўрсатадики, маънавий эҳтиёжлар инсон социал етуклигининг муайян босқичида шаклланади: ишлаб чиқариш кучлари ривож топиши туфайли инсон ўзининг кўр-кўрона, фақат фойда кўзловчи ҳолат билан боғланган кучлардан озод бўла боради. Ибтидоий инсон илк бора меҳнат фаолиятида ўз эҳтиёжларини моддий ҳаёт амалиёти билан, маънавий ҳаётда эса моддий ҳаёт билан чамбарчас

боғлайди. Уни ҳали тўла маънода маънавий ҳаёт деб аташ мумкин эмасди, чунки эҳтиёжларнинг ўзи моддий интилишдан ажралиб чиқмаган эди. Меҳнат жараёнидагина инсон энг буюк бир фазилатга, яъни ҳаётнинг моддий шаклларига руҳият бахш этиш фазилатига эришади.

**Маънавий манфаатлар.** Манфаатлар муаммоси ҳамма вақт долзарб масала бўлиб келган. Одатда, манфаатлар эҳтиёжлар билан бир қаторда кўриб чиқилади. Уларни умумийлаштирадиган нарса шуки, ҳам эҳтиёж, ҳам манфаат амалий фаолиятни ҳаракатлантирувчи кучлардир.

Эҳтиёж манфаатни туғдиради, бунинг устига, бир эҳтиёжнинг ўзи бир неча манфаатни талаб қилиши ҳам мумкин. Демак, инсонда эҳтиёжга қараганда манфаатлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, ейишга бўлган эҳтиёж озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатангина манфаат туғдирмайди, айна вақтда, у билан узвий боғланган бошқа ҳодисалар тизими, маиший хизмат кўрсатишга ҳам манфаатли муносабатни тақозо этади. Бу ерда фақат «қорин» ташвишинигина кўриб қолмасдан, балки инсонни социал муносабатларга олиб кирадиган тизимни ҳам идрок этамиз. Авлодни давом эттириш категорияси икки жинс манфаатини ифодалабгина қолмасдан, балки шу билан бирга ахлоқий, эстетик туйғулар, турмушни яхшилаш, оилани бошқариш каби бошқа шу тартибдаги ҳодисаларни ҳам талаб қилади.

Инсоннинг эҳтиёжлари унинг манфаатларига нисбатан анча турғундир. Очлик туйғуси ваҳший ёки маданийлашган инсон ҳис этишидан қатъий назар, ўзгармай қолади. Бироқ бу туйғу инсонда ёввойига нисбатан бошқа тартибда кечади. Билишга бўлган эҳтиёж илмий, фалсафий манфаатларгача бўлган анча содда йўлларни босиб ўтди. Эстетик эҳтиёжлар эса мунтазам равишда янгидан пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш ва бадиий фаолият йўли билан қондириб борилади. Ҳар қандай эҳтиёж пайдо бўлар экан, ўзини қондиришга даъват этилади. Шу сабабли, манфаатларда мақсадга мувофиқлик, фойдага муносабат ҳисси иштирок этади.

Манфаатлар турлича бўлади ва ўз белгиларига қараб фарқ қилади, масалан, манфаат эгалари жиҳатидан (шахс, жамоа, миллат, жамият) шахсий, жамоа, миллий, ижтимоий ва ҳ. к. манфаатлар.

**Маънавий қадриятлар.** Кишилар маънавий оламининг шаклланиши ва тараққиёти, уларнинг маънавий бойиши учун қадрқимматга эга бўлган нарса-ҳодисалар маънавий қадриятлар дейилади. Улар инсон фаолияти, меҳнати, яратувчанлиги, ижодкорлигининг маҳсули ҳисобланади. Масалан, рассом, шоир,

файласуф, физик олим санъат асарлари, илмий тадқиқотлар, олам ҳақидаги асарларнинг муаллифлари сифатида маънавий қадриятларни яратувчилардир. Бундай ижодий жараёнда улкан ақлий кучлар сарфланади, тафаккурнинг эски андозалари бар-тараф этилади. Олимларнинг фикрлари, шоирларнинг қайноқ кечинмалари, илмий кашфиёт сирлари предметли — моддий тусга кирар экан, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари ҳам бунга сафарбар этилади. Яратилган буюмлар оддий эмас, балки маданият предметлари, маънавий ишлаб чиқариш предметлари, буюмлари сифатида юзага келади. Уларда билимнинг асослари, инсоний муносабатларнинг тажрибалари гавдаланади, бизнинг онгимизга гўзаллик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги тасаввурларни олиб киради. Уларнинг қадрият категорияси сифатида эъзозланишининг боиси ҳам ана шунда.

Шундай қилиб, маънавий қадриятлар — булар кишилар маънавий фаолияти маҳсули, билишнинг муракаб жараёни натижаси ўлароқ, билим, ҳаёт, қараш, малакалар самарасидир. Бу қадриятларни таърифлаш оқибат-натижада инсон эҳтиёжлари, манфаатлари ва фаолият турларига боғлиқ бўлади. Маънавийлик бундай ҳолатда моддийликка қарама-қарши қўйилмайди. Маънавият инсон ҳаётининг таркибий қисми, унинг меҳнати ва шароитлар туфайли яратилган қобилияти сифатида намоён бўлади. Ҳақиқий маънавийлик фақат жонли инсоннинг онгида, унинг тафаккуридадир. Бошқа маънавий қадриятлар эса инсон фаолиятининг натижаси бўлиб, маънавийликнинг меҳнат маҳсулотларига, моддий, предметли шаклга кўчгани ҳисобланади.

Масалан, китоб, рассомлик асари — шунчаки оддий предметлар эмас, уларда ёзувчи ва рассомнинг ижодий фаолияти натижалари гавдаланган. Бу нарсаларнинг маънавий жиҳатлари уларнинг моддийлиги билан узвий боғланган. Буларда алоҳида одам — ижодкор онги фаолияти моддийлашади. Бошқа томондан, нарса-ҳодисалар бу одам маънавий фаолиятининг натижаларини ҳам тарғиб этади. Бу ердаги биринчи ҳолат — ижод, иккинчи ҳолат — маънавий қадриятларни истеъмол қилиш бўлиб, инсоннинг маданий дунёси шу билан яратилади. Жамият тараққиёти жараёнида тўпланган бойликлар ўтмиш авлодлар қўлга киритган билим-тажрибаларни, маънавий фаолият маҳсулотларини ташувчилардир.

Кўрамизки, маънавий қадриятлар ўзининг маънавийлик хусусиятига қарамасдан, барибир, моддий предметларда гавдаланган бўлади, онг билан борлиқ (турмуш), тафаккур билан ҳаракат, мақсад билан уни амалга ошириш ўртасидаги абадий қарама-қаршилиқлар ана шундай йўл билан ечила борилади.

Юқорида таъкидланганидек, кишилар ишлаб чиқаришни шунчаки эмас, балки ўз моддий эҳтиёжларини қондириш, истеъмол қилиш учун ташкил қиладилар. Моддий қадрият кишилар эҳтиёжларини қондириб, моддий хоссалари ва моддий шаклига кўра ўз аслини сақлаб қолади. Мана шу моддий шакл йўқолса, маҳсулотнинг ҳаракати тўхтади, яъни фойдасиз бўлиб қолади.

Маънавий ишлаб чиқаришда бошқача манзарани кўрамиз. Бинобарин, маънавий қадриятлардаги асосий нарса — предметлик эмас, балки, моддий шаклга кирган маънавий мазмундир. Масалан, китоб, картина, мусиқа асари ташқи кўриниши билан эмас, балки энг аввало, уларда қандай мазмун ифодаланаётганлиги билан бизни қизиқтиради. Бундай ҳолат маънавий қадриятлар, улардаги инфорацион (ахборотга оид) фазилатлар моҳиятини тушуниб етишни билдиради. Бунга эса белгилар ва образлар тизимини аниқлаш, уларнинг ўзига хос маъно ташувчи хусусиятларини фаҳмлаш орқали эришилади. Масалан, шеъриятдан завқланиш учун уни ўқишнинг ўзи етарли эмас, балки шоирнинг туйғулари, фикрлари, кечинмаларини очиш лозим; тасвирий санъат (рассомлик)ни тушуниш учун санъатдаги шартлиликнинг моҳиятини англаб етиш зарур, бунингсиз рассом кечирган ҳолатни тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқанинг моҳиятини билиш тингловчида мусиқали таълим малакасини тақозо қилади; фан ҳақида гапирадиган бўлсак, илмий категория маъносини англаш, айни пайтда, шулар орқали фикр юриштишнинг ўзига хослигини фаҳмлаш керак бўлади.

Маънавий қадриятларга хос хусусиятлардан яна бири тафаккур ва ҳиссиётнинг энг умумий шаклда намоён бўлишидир. Хоҳ санъатда, хоҳ фанда, хоҳ фалсафада бўлсин, бу нарса ўзига хос моддийлашади. Моддийлаштириш жараёнининг ўзи амалий фаолият бўлиб, малакалар, қобилиятларни гавдалантиришни тақозо қилади, у амалиёт сифатида эса маънавийликни моддий нарсаларга кўчиради.

Маънавий фаолиятнинг яна бир хусусияти шундаки, амалиёт ўз ичига ниҳоятда ранг-баранг меҳнат малакаларини қамраб олади, шу сабабли, маънавий қадриятларни яратишдан кўзланган асосий мақсад — бу моддийликни идеалликка «бўйсундириш»дан иборат бўлади. Масалан, рассом оламни бошқаларга ўхшаб мушоҳада этади, унга ўз муносабатини билдиради. Бироқ «кўргани»ни, кечирганини, кузатишларини ҳамма ҳам моддийлаштира олмайди, бунинг учун, яъни ранглар билан ижод қилиш учун алоҳида қобилият бўлиши лозим. Гипотеза асосида фикрловчи олим ўз фикрларини эксперимент би-



лан мустаҳкамлаши керак, эксперимент эса ўзига хос малакани талаб қилади. Мусиқачи учун қобилиятли бўлишдан ташқари яна ривожланган туйғу, чуқур эшитиш қобилияти ҳам зарур.

Томошабин, ўқувчи, мусиқа ишқибозларида санъат ва фан арбоблари даражасидаги ижодий малака етарли бўлмайди. Шу сабабли, асарнинг сиртқи кўриниши ортида маънавийликнинг энг умумий жиҳатларини кўра олишларида қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Буни бартараф этиш учун улар ижоднинг барча «сир»ларини билиши керак; ижодкор асарининг предметли — сиртқи пардасига барҳам бериб, ижодкор билан маънавий алоқага кира олиши зарур, бироқ бунинг учун маърифатли ва маданиятли киши бўлиши керак; фан, санъат асосларининг моҳиятини тушуниш учун эса унинг қонуниятларини идрок эта олиш қобилияти зарур. Мактабда олиб бориладиган таълим ва тарбиянинг маъноси ҳам маънавий қадриятларни идрок этиш маданиятини тарбиялашга йўналтирилган, билимларнинг асосий соҳалари билан муомала қила олиш малакасини шакллантиришни назарда тутати. Моҳиятан, таълим маънавий қадриятларни ўзлаштириш йўли ҳамдир.

### 3. МАЪНАВИЯТ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Маънавият жамият тараққиётининг муҳим омили бўлар экан, у нафақат бугунги маданий бойликларга, қадриятларга, замонавий тамойилларга, шу билан бирга халқимизнинг кўп асрлик маънавий меросига ҳам таянади.

Мустақиллик маънавияти ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Жамият ривожланишининг ўз қонунлари мавжуд бўлиб, мустақиллик маънавиятининг шаклланиш жараёни ҳам ана шуларга асосланади.

Маълумки, маънавиятнинг субъекти, яъни яратувчиси, ижодкори ҳам, уни истеъмол қилувчиси ҳам инсондир. Маънавиятнинг вужудга келиши ва ривожланишида биз унинг икки муҳим жиҳатига эътибор беришимиз лозим; биринчидан, ҳар қандай маънавиятнинг шаклланиши авваламбор кишиларда, жамиятда унга бўлган эҳтиёж ва талабларни қондириш асосида вужудга келади. Жамиятда шу эҳтиёж, талаблар шаклланмагунча маънавият ҳам, маданият ҳам вужудга келмайди. Демак, маънавият ижтимоий эҳтиёж, талаб, хоҳишни ифодалаб, кишилар, гуруҳлар, умуман жамиятнинг онгли ижодий фаолияти асносида воқеликка айланади.

Иккинчидан, жамиятда вужудга келган эҳтиёж ва талабларни қондириш мақсадида кишилар маданий фаолиятга кири-

шади, бу эса, табиийки, қуруқ, бўш ерда вужудга келмайди. Ҳар қандай маънавият, энг аввало, жамиятда аввал эришилган муайян билимлар, тажрибаларга ҳамда ўтмиш авлодлардан бизгача етиб келган маънавий меросга таянади.

Ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида маънавият соҳасида эришилган билимлар ва тажрибалар ундан кейинги авлод учун тарихий тажриба, хотира бўлиб хизмат қилади. Бу тарихий ворислик деб аталиб, тараққиётнинг турли босқичлари ўртасидаги узлуксизлик ва узвийликни таъминлайди, маънавиятнинг ички ривожланиш қонуни бўлиб юзага чиқади. Ҳар бир муайян тарихий даврда яратилган маънавият бойликлари йиғиндиси эса ана шу тарихий ворисликнинг муайян кўринишлари бўлиб, ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавий меросини ташкил этади.

Маънавиятнинг ривожланиши ана шу тарзда амал қилади. Бу жараён маънавий ҳаётнинг муайян соҳалари ривожланишида намоён бўлади. Бинобарин, Президентимиз И. А Қаримов таъкидлаганидек, «жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди» (Миллий тикланиш, 1998 йил, 27 октябрь).

Маънавий ворислик янги авлод томонидан ўтмиш маънавияти ва унинг намуналаридан ижодий фойдаланишнигина эмас, балки шу билан бирга уларнинг келгуси қадриятлар шаклланишига кўрсатиши мумкин бўлган самарали таъсирини таъминлашни ҳам билдиради. Бу таъсир маънавий тараққиётнинг ички мантиққа ва нисбий мустақилликка эга эканлигини кўрсатади, бусиз кишилиқ тарихида юз берадиган маънавий ва маданий юксалишнинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Тарихий ворисликка хос қонуниятларнинг бузилиши мазкур жараёнга салбий таъсир кўрсатади.

Ўтмишда юз берган маънавий меросга нисбатан мафкура-лашган салбий муносабат, уни камситиш, нигилистик нуқтаи назардан ёндашиш, моҳиятан, маънавиятнинг ички ривожланиш қонунларига зид эканлиги маълум. Собиқ Иттифоқ даврида коммунистик мафкура маънавий меросга муносабат масаласида ўзининг қатъий мезонларини ўрнатиб, соф синфийлик, партиявийлик, курашчан атеизм тамойилларини мутлақлаштирди, унга тўғри келмаган ҳар қандай ғоя, қараш, фикр ман этилди. Шунинг оқибатида ўтмишда халқимиз томонидан яратилган сон-саноқсиз маънавий бойликларимиз қораланиб, йўқ қилиб юборилди.

Шу муносабат билан қадимги юнон афсонасини эслаш ўринлидир. Айтилишича, тоғлар орасидан ўтадиган ягона ғор йўли-

да туриб олиб ҳеч кимни ўтказмаётган ёвуз Прокрустнинг андозали темир каравоти бўлган экан. Прокруст йўловчиларнинг барини ўша каравотга ётқизиб кўриб, кейин ўтказар экан. Бўйи етмаса, чўзиб ўлдирар, агар каравотдан бўйи ошиб кетса, сифмаган қисмини қирқиб ташлар экан.

Коммунистик мафкура ҳам ўтмиш маънавий меросга нисбатан худди шундай тартибни қўллаганлиги сир эмас. Халқимиз тарихида яратилган жуда кўп ноёб маънавий бойликларимиз, диний қадриятларимиз зарарли деб топилди. Маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Умархон, Феруз шоҳ бўлганликлари учун инкор этилдилар. Халқимизнинг миллий мустақиллиги, миллий маданиятимиз равнақи учун курашган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Элбек, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар қораланиб, халқ душманлари деб эълон қилинди.

Ўзбек халқи ўз маънавий мероси билан ҳақли равишда мағрурланса арзийди. Унинг илдизлари жуда чуқур бўлиб, узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Фақат қўлёзма ва тошбосма асарларнинг ўзидан республикамизда неча ўн минглаб асраб қолинган бўлиб, улар Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Қўлёзмалар институти, Диний назорат ва Ўзбекистон Миллий университети (Тошкент Давлат университети) фондларида сақланмоқда. Булар IX—XX асрларда ёзилган ва фаннинг барча муҳим соҳаларига: математика, астрономия, кимё, тиббиёт, минералогия, фикҳ (мусулмон қонунчилиги), фалсафа, тарих, адабиётга оид асарлардир. «Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди» (И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Тошкент, «Шарқ», 1998 йил, 4-бет).

Ўзбекистоннинг бой маънавий мероси шаклланаётган янги маънавиятимизнинг негизини, пойдеворини ташкил қилади. Маънавий меросимизда халқимизнинг асрий орзу-интилишлари, билимлари ва ҳаётий тажрибалари мужассамлашган бўлиб, у ўзлигимизни англаш, миллий тикланиш ва ривожланишимиз учун қудратли таянч бўлиб хизмат қилади. Миллий истиқлол мафкураси ҳам маънавий меросимизга таянган ҳолда шаклланади, айни вақтда унинг янада ривожланишида муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Маънавий мерос халқнинг муқаддас хотираси бўлиб, унинг кишилиқ тарихи ва маънавий тараққиётидаги тутган ўрнини белгилаб беради. «Маънавият жамиятнинг маънавий бойлиги-

да ўз ифодасини топади, — дейди М. Хайруллаев, — у аста-секин тўпланиб уйғунлашиб бориши асосида, ворислик асосида ривожланади» (Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил, 29-бет).

Маънавий меросга илмий муносабатни шакллантиришда, энг аввало, унга аксиологик мезонларга таянган ҳолда ёндашиш тақозо қилинади. Маънавий меросни қадриятлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳар бир муайян қадриятнинг тараққиётдаги ўрнини тўғри баҳолаб, унинг миллий истиқлол маънавиятини шакллантиришда қай даражада хизмат қила олишини белгилашга имкон беради.

Маънавий мерос ва миллий қадриятларга аксиологик ёндашувнинг, бизнингча, тўртта асосий мезони мавжуд бўлиб, улар: инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ва тараққийпарварликдир.

Инсонпарварлик маънавият ва маданият учун универсал мезон бўлиб, у маънавий мероснинг ҳар бир муайян ҳодисаси, қадриятнинг инсон учун, унинг ақлий ва ҳиссий камолоти, эркин яшаши, озодлиги учун қай даражада хизмат қилиши ва қай даражада аҳамиятлилигини аниқлашга имкон беради.

Маънавий мерос жамиятда алоҳида олинган инсон учунгина эмас, балки бутун жамият, халқ учун хизмат қилади. Шунинг учун маънавий меросни баҳолаганда умуммиллий манфаатлардан келиб чиқиш лозим.

Маънавий меросга аксиологик ёндашганда халқпарварлик ва ватанпарварлик мезонлари ҳам асосийлардан бўлиб ҳисобланади.

Халқпарварлик — маънавиятнинг миллатда миллий ғурур, ифтихор туйғусини шакллантиришга, уни миллий номукамаллик, ночорлик, бечоралик туйғусидан халос қилишга, халқ сифатида туб манфаатларини англашга хизмат қиладиган ғоявий мазмундир.

Халқпарварлик ҳақидаги ғоялар ватанпарварлик тамойилига ҳам тааллуқлидир. Бу икки тушунча бир-бирига жудаям яқин, чунки халқ ва ватан манфаатлари бир бутундир. Бироқ, айни пайтда, ватанпарварлик онгли равишда ижтимоий фаолликни, фуқаровий бурчга содиқликни тақозо этади. У ёки бу қадриятларнинг қай даражада Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилишида ватанпарварлик мазмуни маълум бўлади. Ҳақиқий қадрият ватанни севишга, уни ардоқлашга, Ватан равнақи, озодлиги учун жонини фидо қилишга тайёр фуқароларни тарбия қилади. Бинобарин, «Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ» (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 50-бет).

Тараққийпарварлик ҳам инсонпарварлик каби асосий мезондир. Ҳақиқий инсонпарварлик, халқпарварлик ҳеч қачон тараққийпарварликка зид келмайди. Тараққиёт — тараққиёт учун эмас, балки инсон, халқ ва миллат манфаатлари учун хизмат қилмоғи даркор. Тараққиётга эришаман деб, инсонга ёки Ватан манфаатларига зиён етказиши мумкин эмас.

Тараққийпарвар қадриятлар дунёвий билимларга асосланган бўлиб, илм-фан, техника ривож, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий равақати, миллий халқ хўжалигимизни жаҳон хўжалигига мос равишда ривож топтиришда асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади (қаралсин: *А. Эркаев*. Маънавият — миллат нишони, 160—164 бетлар).

Маънавиятнинг ривожланишининг ички ривожланиш қонуни билан бир қаторда унинг тараққиётига таъсир этувчи ташқи омиллар ҳам мавжуддир. Жамият тараққиётининг ҳар бир муайян босқичидаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар маънавият ва маданият тараққиётига ҳар тарафлама салмоқли таъсир кўрсатади. Албатта, инсон маънавият ва маданиятни яратишда ўз ички истаклари таъсирида ҳаракат қилса ҳам, лекин унинг ижодий фаолияти ўзи яшаб турган жамият бағрида маълум ижтимоий шароитларда амалга ошади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, маънавият ва маданият тараққиётини ижтимоий, тарихий жараёндан узиб олиб, ундан ажратилган ҳолда, ижтимоий ҳаётда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, техникавий муаммолар билан боғламасдан туриб тушунтириб бўлмайди. Бинобарин, булардан ташқарида маънавиятнинг яшаши ҳам, ривожланиши ҳам мумкин эмас.

Маънавиятнинг ривожланиши ёки секинлашиши, тараққий этган ёки тушкунликка учраган давлари ҳамма вақт маълум тарихий шарт-шароитлар билан боғлангандир. Бу қуйидагиларда аниқ, яққол кўзга ташланади: Марказий Осиё халқлари IX—XV асрларда юз берган Уйғониш ҳаракати даврида маънавиятнинг турли соҳаларида оламшумул тарихий ютуқларни қўлга киритиб, жаҳон цивилизацияси ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар. Лекин истилочилик урушлари туфайли XIII аср бошларида бу халқлар мўғуллар зулми остида қолди. 150 йил давом этган мўғуллар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё шаҳар ва қишлоқлари харобага келтирилди, маданияти ёндирилди, куйдирилди, вайрон қилинди. Илм-фан ва маданият аҳли ўз ватанини тарк этиб, ўзга юртларга паноҳ излаб кетдилар. Маънавият бу даврда тушкунликка учради, Уйғониш ҳаракати узилиб қолди. Фақат XIV асрнинг 60—70 йилларига келиб Амир Темур Мовароуннаҳрда узоқ давом этган мўғуллар

зулмига барҳам бериб, мустақил, ягона давлатни барпо этгандан сўнг Уйғониш ҳаракатининг иккинчи юксак босқичи бошланиши учун сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маърифий, ғоявий шарт-шароитлар вужудга келди. Марказий Осиё халқлари Уйғониш ҳаракатининг бу даври «Темурийлар даври маданияти» номи билан жаҳон тарихига кирди.

Ташқи омилларнинг маданият ривожланишига таъсирини куйидаги мисолда янада очиқроқ кўрамиз. Маълумки, собиқ Иттифоқ даврида унинг таркибига кирган халқлар маънавий ва маданий қадриятларининг равнақ топишига коммунистик мафкурага асосланган сиёсатнинг олиб борилиши салбий таъсир кўрсатади. Совет халқининг бирлиги, яхлитлиги, халқларнинг бир-бирига яқинлашиб, оқибат-натижада қўшилиб кетиши, интернационал бирлик ҳақидаги ғояларни амалга ошириш учун интилиш, шубҳасиз, ҳар бир халқнинг ўз миллий маънавияти ва қадриятлари ривожланишига тўсқинлик қилди. 70 йил мобайнида бу сиёсат миллий республикалар халқларини ўз маънавияти ва қадриятларидан маҳрум қилишга қаратилган эди. Бундай сиёсат мазлум халқларни асоратда ва қарамликда ушлаб туришнинг энг қулай ва осон йўли ҳисобланар эди.

Маънавият ва маданиятнинг ривожланиш қонунларини тўғри тушунишда тарихни илмий нуқтаи назардан идрок этишнинг аҳамияти каттадир. Албатта, буни мавҳум тарзда эмас, балки макон ва вақтни ҳисобга олган ҳолда фаҳмлаб маънавият шаклларининг у ёки бу турининг ўзига хос хусусиятларига қараб тадбиқ қилиш лозим. Маънавиятнинг ривожланишига халқнинг моддий ҳаёт даражаси, унинг моддий фаровонлиги, тегишли моддий-техника базасининг мавжудлиги ҳам муҳим таъсир кўрсатади.

Маънавиятнинг ривожланишида жамиятнинг интеллектуал (ақлий) имкониятларининг мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Маънавиятнинг ижтимоий жараёнлар билан алоқаси мураккабдир. Республикамизда маънавиятни ривожлантириш масалаларига давлатнинг ўзи ҳомийлик қилиб, бош ислоҳотчилик ролини бажармоқда. Мустақиллик йилларида маънавиятнинг турли соҳаларини ривожлантириш ҳақида Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди. Марказ қошида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилди. «Камолот», «Умид» сингари фаолият йўналиши турлича бўлган жамғармалар маънавият ва маърифат соҳасида самарали ишларни олиб бормоқда. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топ-

тириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий маънавиятимизни шакллантиришда унинг ўзига хослигини тиклаш ва тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу маънавият халқимизнинг узоқ асрлар давомида вужудга келиб ривожланган, ҳаётга сингиб кетган тарихий анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий ўғитлари, бой маданий ва маънавий меросига, қадриятларига асосланиб ривож топмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳеч бир киши республикамиз ҳаётига, жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришларга бепарқ қарамаслиги, уларга нисбатан лоқайд муносабатда бўлмаслиги керак. Ҳар бир фуқаро мустақил давлатимиз билан мағрурланиши, ўз давлатининг мустаҳкамланиши ва гуллаб-яшнаши учун шахсий ҳисса қўшиш ҳисси билан яшаши лозим. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга интилиш эса инсоннинг гурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ватан ва халқ олдидаги бурчни англаш маънавиятнинг муҳим белгисидир. Маънавий баркамол киши ўзи қилган ишлари, ҳаёт ва турмуш тарзи билан бошқаларда ҳавас уйғотади, ҳаётда из қолдиришга интилади.

Мустақиллик йилларида эришилган демократик янгиланишлар натижасида миллий маънавият ва ахлоқнинг тикланиши учун барча шароит яратилди, халқнинг тарихий руҳи уйғонди, миллий гурур, она заминга меҳр-муҳаббат туйғулари камол топмоқда.

И. А. Каримов таъкидлаганидек, мустақилликни мустаҳкамлашнинг энг асосий омилларидан бири халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, бу соҳада республикамизда оламшумул тарихий вазифалар амалга оширилмоқда. Республикамиз Конституциясининг 49-моддасида ёзилганидек, «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир».

#### **4. МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ МАЪНАВИЯТ, УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ**

Ҳар бир халқнинг маънавияти нафақат ўзининг миллий омиллари, шу билан бирга, умуминсоний қадриятларнинг таъсири натижасида ҳам амал қилади. Шу маънода миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг маънавий-ахлоқий негизларидан

бири умуминсоний қадриятларга содиқлик ҳисобланади (И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 78-бет).

Дарҳақиқат, миллий маънавиятимизнинг сарчашмалари бошқа халқларнинг энг юксак қадриятларини ижодий ўзлаштириш анъаналари билан боғланади. Агар маънавиятимиз ва маданиятимиз тарихига шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўзбек миллий санъати, шеърияти, илми ўтмишда араб, форс, ҳатто юнон маданиятидан баҳра олганлигига гувоҳ бўламиз.

Демак, миллий ва умуминсоний маънавият тўғрисида гапириш учун етарли асослар мавжуд. Миллий ва умуминсоний маънавият ўртасидаги муносабат масаласи мазкур муаммони чуқурроқ билишга ёрдам беради.

Бу масала айримлик ва умумийликка хос белгилар ифодаланишининг алоҳида бир соҳаси ҳисобланади. Умумийлик нарса-ҳодисаларнинг энг муҳим, муштарак алоқаларини акс эттиради ва у фақат айримлик орқали намоён бўлади, хусусийлик шаклига киради. Бошқа томондан, ҳар қандай айримлик маълум маънода умумийликдир, бинобарин, алоҳиданинг томони ёки моҳиятидир.

Миллий ва умуминсоний маънавият ҳақида сўз борганда ҳам ана шу жиҳатлар бирлигини кўрамиз. Миллий маънавият муайян элат, халқ ва миллатга дахлдорликдир. Ҳар бир элат ва миллатнинг фақат ўзигагина хос бўлган, унинг миллий руҳияти, яшаш тарзи, тарихий анъаналари ва фикрлаш қобилиятлари табиатини ифодаладиган маънавияти мавжуд. Чунки умумий, абстракт нарса-ҳодиса, шу жумладан, маънавият ҳам йўқдир. Маънавиятнинг миллийлиги масаласи, табиийки, унинг тарихан шаклланганлиги, миллий мазмун, колоритга эгаллигидир.

Ўзбек халқининг миллий маънавиятини характерлайдиган, унинг ўзига хослигини кўрсатадиган хусусиятлар қуйидагилар: юксак инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳмондўстлик, ҳамма миллат ва элат вакиллариغا иззат-ҳурмат кўрсатиш, катталарга иззат-икром, мулоҳазалилик, шарм-ҳаёлилик, ҳамдардлик, маҳалладошлик, болажонлик, ҳалоллик ва ҳ. к. Буларни янада умумлаштирадиган бўлсак, маънавиятнинг хилма-хил жиҳат ва қирралари шаклида намоён бўлади: Ҳаё ва Андиша, Вафо ва Садоқат, Ўктамлик ва Ташаббускорлик, Ҳиммат ва Саховат, Журъат ва Шижоат, Орият ва Ҳокисорлик, Босиқлик ва Ҳилм, Фаросат ва Заковат, Балоғат ва Фасоҳат, Мардоналик ва Масъулият ва бошқалар.

Маънавият миллий онг, ижтимоий онг, мафкура, миллий маданият, эътиқод, имон, миллий ғурур, ифтихор каби тушунчалар билан яқин туради. Бироқ улар ўртасида катта фарқ бор.



Маънавият шахснинг ўз-ўзини, ўз ҳуқуқини англаши ва белгилаши ҳамдир. Миллатнинг маънавий қиёфаси унинг миллий онги ва руҳиятида ифодаланadi. Ҳар бир миллатнинг маънавий қиёфаси жамиятнинг моддий, ижтимоий-тарихий шароитларига қараб бойиб бориши қонуний ҳодисадир.

Маънавиятнинг муҳим унсури бўлган миллий онг нисбий мустақилдир, у жамиятнинг моддий ва маънавий қиёфасини тубдан ўзгартиришга фаол таъсир қилиши мумкин.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш замирида содир бўлади. Миллий онг ва уни англаш ҳар бир одамдан ўзининг қайси миллатга мансублигини, ўз миллий тарихи, маданияти, мероси, урф-одатлари, тилини тўғри, ҳар тарафлама чуқур билишни талаб этади. Агар миллий мансублик ва унинг барча томонлари кишилар тасаввурида илмий асосланган бўлса, миллий ўз-ўзини англаш ҳисобланади. Миллий ўзлигини англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаркат учун қўлланма даражасига кўтарилса, у, шубҳасиз, миллий мафкурага айланади. Миллий мафкура эса миллий маданият, қадрият ва маънавият манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Миллий маънавият миллатчилик билан келиша олмайди. Миллатчилик маънавий қашшоқлик аломати, миллий онгнинг қусуридир. Миллатчилик, ўзга миллатларга, қолаверса, ўз миллатига хиёнат қилишдир. Ўзга миллат манфаатини инкор этиш, уларнинг қадриятини менсимаслик, уларни камситиш бўлиб, ижтимоий адоват туғдирадиган иллатдир. Шу маънода Президентимиз маънавиятимиз ифодаси бўлган «миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашлардан мутлақо холи» бўлишини алоҳида таъкидлайди (*И. А. Каримов. Жамиятнинг мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил, 14—15-бетлар*).

Миллий маънавиятнинг негизини миллий маданият ташкил этади. Миллий маънавият — жамиятнинг моддий ҳаётини акс эттиради. Унинг пайдо бўлиши ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Шу маънода маънавиятнинг пайдо бўлиши кишилик жамиятининг энг қадимий даврларига бориб тақалади. Инсоннинг ҳар бир қадами маданиятнинг ривожини билан боғлиқ. Маданиятнинг ривожланиши маънавий жиҳатдан қанчалик ривож топганлигини билдиради.

Маънавият кишилик жамиятининг ҳар бир ҳаракатида, фаолиятида кўринади. Миллий маънавият — маънавияти юксак,

ватанпарвар, донишманд шахслар фаолияти билан яратилади. Маънавиятни яратишда зиёлилар билан бир қаторда тадбиркорлар, дипломатлар, сиёсий арбоблар, раҳбарлар, олимлар, бастакорлар, шоир ва ёзувчилар, назариётчилар, хуллас, халқ оммаси катта роль ўйнайди. Дунё тафаккури қаймоғи алоҳида шахслар тафаккурида жамланади ва у яна шу шахслар фаолияти орқали тарқалади.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда, унинг манфаат ва эҳтиёжларини равнақ топтириш негизида ривожланади. «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир, — деб ёзади И. А. Каримов. — халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи асраб-авайлаб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир» (И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил, 74-бет).

Миллий ва умуминсоний маънавиятлар ўзаро боғланган. Улар бир-бирига таъсир этиб туради.

Умуминсоний маънавият миллий маънавиятдан ўсиб чиқади, шунга қарамай, у мазмун жиҳатдан чуқур ва бойдир. Умуминсоний маънавият барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва интилишлари бирлигини ва умумийлигини ифодалайди.

Миллатлар миллий маҳдудликда эмас, балки умуминсоний алоқалар асосида ривожланади ва жаҳон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади. Миллий манфаатларни, миллий маънавиятни умуминсоний маънавиятга қарши қўйиш мумкин эмас, миллий манфаатлар баҳонасида миллатпарастликни тарғиб қилиш миллатлараро муносабатларга салбий таъсир ўтказиши.

Умуминсоний маънавият барча халқ ва элатларга хос бўлган, уларнинг инсоний фазилатларини ифодалайдиган анъаналар, урф-одатлар, интилишлар, ғоялар, соғлом фикр, юксак дид билан баҳолаш қобилияти, шу асосда қилинадиган ҳаракат ва фаолият ва ҳ.к. бўлиб, ундан унумли фойдаланиш умумбашарий муаммоларни тўғри ҳал қилишга кўп жиҳатдан ижобий таъсир этади. Инсоннинг омон қолиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, халқларнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги, экологик ва энергетик муаммолар, умуминсоний бой тарихий мерос, умуминсоний фазилатлар, ҳозирги дунёнинг яхлитлиги, ўзаро боғлиқлиги ва бошқалар ана шундай.

Умуминсоний маънавиятларнинг устуворлиги айти вақтда миллий маънавиятнинг мустақамланиб боришига ёрдам беради.

Жаҳон цивилизацияси тараққиётининг ҳозирги босқичида, бир томондан, миллий маънавият, иккинчи томондан, умуминсоний маънавиятнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида миллий муносабатларнинг халқаро муносабатлар даражасига кўтарилиши кузатилмоқда. Бу билан умуминсоний қадриятларнинг роли ҳам ортиб бораётир.

Миллий ва умуминсоний маънавиятнинг ўзаро боғланиб кетганлигини сиёсий ва маънавий соҳалардаги жараёнларда яққол кўриш мумкин. Республикамиз жаҳон иқтисодиёти билан ўзаро яқинлашиш мақсадида бозор муносабатларини танлаб олди ва шу йўлдан ривожланмоқда. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўзининг миллий йўли орқали бораётганлиги диққатга сазовордир.

Бундай иқтисодий сиёсат ҳам республиканинг ҳамда инсониятнинг манфаат ва талабларига мос тушади. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлакатлар бизга хайрихоҳ бўлмоқдалар ва ўз ёрдамлари билан кўмаклашмоқдалар. Ўзбекистон Европа ҳамжамияти, Халқаро валюта фонди ва бошқа иқтисодий ташкилотлар ишида фаол қатнашмоқда. Республикамиз халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТга аъзо бўлди.

Миллий маънавиятимизнинг кўпгина томонлари умумжаҳон маънавиятига айланиб кетганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бунинг ёрқин исботи сифатида 1990 йил Имом ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги, 1996 йил Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Улуғбек, Навоий, Фарғоний, Исмоил Бухорий ва бошқа улуғ зотларнинг юбилейлари ЮНЕСКО раҳнамолиги ва иштирокида нишонланганидир.

Президентимиз Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган маросимда шундай деган эди: «Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди» (Миллий тикланиш, 1998 йил, 27 октябрь). Унинг «Астрономия» китоби XII асрда лотин ва иврит тилларига таржима қилинди, XV асрда Италия, кейинчалик Германия, Франция ва АҚШда нашр этилди. Машҳур сайёҳ Христофор Колумб 800 йил ўтиб Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ер меридиани даражаси ҳақидаги фикрлари тўғрилигини эътироф этди. Ойдаги кратерларнинг иккитаси — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади.

Табиийки, ўзбек халқининг миллий маънавияти жаҳон тамаддунидан четда пайдо бўлган эмас. Маънавиятимиз, аввало, ўз заминида, қолаверса, умуминсоний маънавият ютуқлари таъ-

сирида шаклланди ва камол топди. Айниқса, у Ҳиндистон, Хитой, Қадимги Юнонистон, Рим маданияти ва жаҳондаги бошқа маданиятлар таъсирида яна бойиб борди, улардан маънавий озуқа олди. Ўз навбатида, ўзбек халқи маънавияти бошқа халқлар маънавиятига, шунингдек, умумжаҳон маданияти равнақиға катта ижобий таъсир ўтказди.

Европа олимларининг таъкидлашича, Европа Шарқдан саводхонликни, аниқ фанлар ва уларни эгаллаш усулларини, деҳқончилик ва чорвачилик илмларини, денгизда сузиш ҳунарини, ҳарбий техникани, тасвирий санъат, меъморчилик сирларини, шеърий санъат жозибасини ўрганган.

Шарқлик савдогарлар илк бор Осиё билан Европа ўртасидаги тижорат йўлларини очдилар. Бунга Буюк ипак йўли ёрқин мисол бўла олади.

Шарқликлар алгебрани дунёга келтирдилар, инсон қўлига табиатни очмоқ учун калит тутқаздилар, физиканинг барча бўлимларини шу калит ёрдамида очдилар. Алгебра, алгоритм илми бобокалонимиз ал-Хоразмий ижодий кашфиёти билан боғлиқ эканлигини эсласак, миллий ифтихор туйғуси жўш уради.

Бозор муносабатлари қарор топаётган ҳозирги шароитда ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўзлигини чуқур англаши, бой миллий маънавий меросини эгаллаши, бойишини умуминсоний маънавият билан уйғунлашуви негизида амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади.

## 5. МАЪНАВИЯТ ВА СИЁСАТ, ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ, МАФКУРА, ДИН

Маънавият жамият ҳаётининг барча соҳалари билан узвий боғланган, бошқача айтганда, ижтимоий турмуш, инсон фаолиятининг бирор бир қирраси йўқдирки, у маънавият руҳи билан чулғаб олинмаган бўлсин.

**Маънавият ва сиёсат.** Миллий давлатимизнинг таркиб топиши сиёсат ва маънавият ўртасидаги алоқадорлик масалаларига янгича ёндашиш вазифасини қўйди. Бу, табиийки, қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади: биринчидан, давлатнинг маънавиятга муносабати, жамият тараққиётида маънавий омилнинг ролига; иккинчидан, маънавиятнинг сиёсатга, унинг муваффақиятли амалга оширилишига бўлган муносабати масаласидир.

Сиёсат давлатни бошқариш санъати бўлиб, кенг маънода олиб қаралганда маънавий фаолиятнинг муҳим кўриниши ҳамдир. Сиёсат давлат ишларида иштирок этишни, давлат фаолиятининг турли шакллари тартибга солишни, унинг вазифала-

ри ва мазмунини амалга оширишни назарда тутлади. Сиёсат соҳаси ўз табиатига кўра давлат тузилиши, мамлакатни бошқариш, ижтимоий гуруҳ ва табақаларга раҳбарлик қилиш каби муҳим функцияларни ўз ичига олади. Унда жамиятда яшаётган барча ижтимоий қатламларнинг туб манфаатлари ва ўзаро муносабатлари акс этади. Сиёсат давлатнинг табиати ва моҳиятини ифодалаб, шу асосда унинг фаолиятига таъсир кўрсатади.

Давлат жамият миқёсида сиёсат юргизар экан, ижтимоий соҳаларнинг барчасига нисбатан ўз манфаатлари жиҳатидан ёндашади, давлат олиб бораётган сиёсатнинг асосий тамойиллари эса ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган бўлади. Дарҳақиқат, «Ўзбекистон Республикасида Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томондангина амалга оширилади», — деб ёзилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»нинг 7-моддасида. 14-моддасида қайд этиладики, «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади» (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил, 12—13-бетлар).

Маълумки, давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида республикамиз учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди. И. А. Каримов бу жараёнда янги миллий давлатимизнинг асосий вазифалари тўғрисида тўхталар экан, у «бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак», деб уқтиради (И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Тошкент, «Ўзбекистон» 1995 йил, 10—11-бетлар).

Мустақил давлатимиз жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борадиган сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди ва у Президентимизнинг асарларида, нутқлари ва мақолаларида ўз ифодасини топди. И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида янгиланган жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти соҳасида давлат сиёсатининг асосий вазифалари қуйидагича белгиланади:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлик;
- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;

- қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш;

- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламларининг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш;

- умумий таълим олиш, касб-ҳунар эгаллаш ва тегишли маҳсус тайёргарликдан ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш; янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналарининг сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузулмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

- бир мафқуранинг, бир дунёқарашнинг яққаҳоқимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш;

- ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш, маънавий потенциални жадал ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллиги ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайдиган (*И. А. Каримов*. Юқоридаги асар. 18—22-бетлар).

Юқоридаги вазифаларни умумлаштирадиган бўлсак, миллий давлатимизни янада мустаҳкамлашнинг маънавий-ахлоқий негизларини қуйидагича ифодалаш мумкин бўлади: биринчидан, халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигининг аҳамияти; иккинчидан, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш; учинчидан, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш учун шарт-шароит яратиш; тўртинчидан, миллий мустақилликни мустаҳкамлашда ватанпарварликнинг буюк маънавий омил эканлиги.

Демак, республикамизда давлат ва жамиятни мустаҳкамлашда халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мустақиллик сиёсатининг асосини ташкил этади.

Маънавият ва сиёсат ўртасидаги уйғунликнинг энг муҳим принципларидан бири бу — ҳам ички соҳада, ҳам ташқи муносабатларда адолатпарварлик ғояларига, миллий манфаатларнинг мақсадларига амал қилишда намоён бўлади. Шунини айтиш керакки, миллий манфаатларимиз — воқелигимиздан, унинг ри-

вожланиши учун керак бўлган моддий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий жаҳалардаги эҳтиёж, талаблардан келиб чиқади. Бизнинг чин миллий манфаатларимиз дунёдаги бошқа миллатларнинг манфаатларига асло зид келмайди. Демак, сиёсат миллий маънавиятга таяниши керак, унинг олий, ягона ўлчови — инсон ва инсониятга эрк бериш, шахснинг имкониятлари ва ҳақ-ҳуқуқини мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

**Маънавият ва иқтисод.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим соҳаларидан бири — иқтисод ва маънавиятнинг уйғунлигини таъминлашдир. Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойиллари ҳақида сўз юритганда, «биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишнинг маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз, — дейди у. — Сиёсатимизни шунга асосланиб қурамиз ва уни тўла татбиқ этамиз... Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу» (И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. — Тошкент, 1995 йил, 47-бет).

Дарҳақиқат, маънавият ишларини йўлга қўймасдан туриб, нафақат иқтисодий юксалишларга, балки, умуман жамият тараққиётида юксакликларга эришиб бўлмайди.

Иқтисодий ислохотлар ҳар қандай шароитда, ҳар қандай ижтимоий тузум ёки жамиятда зарурий эҳтиёж ҳисобланади, бироқ бу жараён маънавий ислохотлардан ажратиб олинган ҳолда юз берадиган бўлса, жамият тараққиётини тўла таъминланган деб бўлмайди. «Бозор муносабатларига ўтиш — кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, аввало, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин, — деб таъкидлайди И. А. Каримов. — Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган. Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсақ-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ» (И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 25-бет).

Иқтисодиёт моддий тушунча, ахлоқийлик эса маънавий категория бўлса-да, мана шу иккала ҳолатни уйғунлаштирмай туриб мамлакатимизда янги жамият қуриш мумкин эмаслиги юқоридаги сўзларда ниҳоятда кескин даражада қўйилади. Тарихдан маълумки, иқтисоднинг маънавийдан ажралиб қолиши, поймол этилиши борлиқ билан маънавият, инсон билан олам ўртасида ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, инсонлар ҳар қандай шароитда ҳам, ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ҳатто юрт манфаатларини сотиш эвазига ҳам, бойлик, мол-мулк орттиришга ҳаракат қилади, яшашнинг осон йўллари ахтаради, унинг виждон, иймон, одамгарчиликдан маҳрум воситаларини топишга ружу қўядилар. Демак, иқтисод билан ахлоқ, моддий эҳтиёж билан маънавий зарурат ўртасидаги уйғунлик бузилган жойда жамият таназзули учун замин пайдо бўлади.

Маънавият ва иқтисод ўртасидаги алоқадорлик ҳақида сўз юритиш учун авваломбор «иқтисодиёт» тушунчасининг мазмунини ёритиш тақозо этилади. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, иқтисодиёт фаолиятнинг алоҳида тури сифатида хўжаликни бошқариш деб эътироф этилади.

Дарҳақиқат, инсонлар ҳаёт кечириш учун моддий неъматларга эга бўлиши керак. Бунинг учун уларни яратишга эҳтиёж туғилади. Табиийки, бу жараён, бир томондан, табиат нарсаҳодисалари, бошқа томондан, одамларнинг ўзаро муносабатлари асосида юз беради. Англашиладики, етиштирилган истеъмол маҳсулотларида нафақат уларни етиштирувчилар ўртасидаги моддий муносабат, балки, шу билан бирга маънавий муносабатлар ҳам амал қилади.

Иқтисодиёт тушунчасига мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг ҳолати, унинг жойланиши ва динамикаси (ҳаракати) киради. Иқтисодиёт аввало одамлар фаолиятидир, уларнинг табиатга ва ўзаро таъсири натижасида моддий неъматлар ва хизматларнинг яратилиш жараёнидир. Кенг маънода иқтисодиёт шу неъматлар ва хизматларнинг вужудга келтирилишидир (Қ. Йўлдошев, Қ. Муфтайдинов. Иқтисодий билим асослари. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1997 йил, 16—17-бетлар).

Агар масалага бозор иқтисодиётига ўтиш нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, у суянадиган барча объектив омиллар айна вақтда маънавий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай омилларнинг дастлабкисини моддий шарт-шароитлар билан боғлаб тушунтирсак, унда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтириш, кишиларда хўжайинчилик (мулкка эгалик) ҳиссини таркиб топ-



тириш, соғлом рақобатчилик муҳитини яратиш каби жараёнлар кўзда тутилади. Ўтиш жараёнида ижтимоий ҳимоя омилининг ҳам катта ўрни борлиги ҳаммамизга маълум, бунда бозор муносабатлари шароитида одамларни ижтимоий муҳофаза қилиб бориш, янги иқтисодий тизимга ортиқча азиятсиз, озор чекмасдан ўтиш масаласини ижобий ҳал қилиш зарурати туғилади. Энг муҳими, кишиларимизнинг бозор муносабатларига ўтиш ва бозор шароитида яшашлари учун уларни маънавий жиҳатдан тайёрлаш, эски иқтисодий ҳаёт руҳиятидан, айниқса, боқимандачилик кайфиятидан бутунлай халос этиш керак бўлади. Дарҳақиқат, «кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шакллари мустақил белгилаш имкониятларини бериш керак» (И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил).

Ўз-ўзидан равшанки, янгича иқтисодий тафаккур маънавий жараён бўлиб, инсон ҳаёти ва тақдири, унинг ахлоқий фазилатлари, ички дунёси, характери билан боғлиқ ҳодисадир. Бунинг маъноси, тадқиқотчилар таъкидлаганларидек, биринчидан, кишилар мулксизлик ҳолатидан мулкка эгалик қилиш ҳолатига ўтишлари, мулкни тасарруф қила олишда эркинликка эга бўла олишлари, боқимандачиликка барҳам бериб, ўзларининг иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳволини яхшилашлари учун шахсан масъул эканликларини англашлари, иқтисодий соҳадаги рақобат курашида маънавий жиҳатдан собит бўлишлари, маънавият, ҳалоллик, поклик, ишбилармонлик фазилатларини таркиб топтиришлари тақозо қилинади. Иккинчидан, ҳар бир кишининг фаровонлиги унинг ўзига кўп жиҳатдан боғлиқлиги, шахсий меҳнати, тадбиркорлиги, ўз мулкни омилкорлик билан бошқариши, фан-техника янгиликларини чуқур эгаллаши, иқтисодий маданиятини ошириб боришини кун тартибига кўяди. Учунчидан, ҳар бир киши ўз фаолияти ва меҳнатини қайси соҳа бўйича ривожлантириши, фойда-зарарнинг фарқини била олиши, ҳисоб-китоб қила билиш малакасини ривожлантириб бориши керак. Табиийки, юқоридаги жараёнлар инсон маънавияти, шунингдек, жамиятнинг маънавий ва ахлоқий тамойиллари билан боғлиқ талаблар доирасида амал қилади (қаралсин: Қ. Йўлдошев, Қ. Муфтайдинов. Юқоридаги асар).

Республикамизда маънавий муҳитнинг соғломлиги, ҳар қандай ислохотлар, аввало, одамлар онги ва дунёқарашига, руҳий оламига мослаштириб олиб борилаётганлиги сабабли фуқаролар имконияти, яратувчанлик ва бунёдкорлик имкониятлари тобора кенгаймоқда, уларда Ватан, миллат, гурур тушунчалари чуқур-

лашмоқда. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсат туфайли ҳар қандай моддий манфаатдорлик, ҳар қандай иқтисодий равақ бевосита маънавий баркамоллик туйғулари билан боғлиқ эканлиги, шу асосдагина ҳақиқий ривож топиш мумкинлигига ишонч ортиб бормоқда.

Бу ерда яна бир маънавий омил тўғрисида тўхташ лозим деб ўйлаймиз, у ҳам бўлса, бозор муносабатлари таркиб топиши жараёнида халқимизнинг бой маънавий мероси улкан тарбиявий аҳамият касб этиши масаласидир. Кишиларимиз бозор муносабатлари таркибига ва жараёнига кирар эканлар, авваламбор, ана шу қадимий талаб ва фазилатларга амал қилишлари тақозо этилади. Қуръони Карим, Ҳадислар, шунингдек, алломаларимизнинг савдо-сотик, бозор муносабатларига оид қарашлари алоҳида бир мактаб вазифасини ўтайди, яъни улар одамлар ўртасидаги ўзаро алоқаларда поклик, ҳалоллик, тўғри сўзлик, ёлғон ишлатмаслик, мурувватли бўлиш каби инсоний фазилатларга катта эътибор беришга даъват этади. Шунингдек, улар тўғридан-тўғри хўжалик юритиш билан, иқтисодиёт билан бевосита боғлиқ бўлган категориялар (ижара, солиқ, истеъмол, эҳтиёж, ҳунар, деҳқончилик, пул, тақсимот кабилар)нинг маънавийлик негизига қараб чиққанлар ва бунда инсонийликни биринчи ўринга қўйганлар.

Шундай қилиб, маънавият билан иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ижтимоий тараққиётимизга катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилашни ва тараққий топтириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир» (И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 139—140-бетлар).

**Маънавият ва ҳуқуқ.** Республикамизда демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг эрки, ҳуқуқлари, бурчлари, эркинликлари даражаси жамиятнинг демократлашуви сифатини ифода этади. Бу жараёнлар адолатли жамият фуқароларининг маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий ривожланганликларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий давлатнинг моҳиятини инсонпарварлик ташкил этади, унинг моҳияти шундаки, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ ҳисобланади, бу давлат ўзининг миллат ва элатларига тенг сиёсий ҳуқуқларни, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланиши учун тенг имкониятларни кафолатлайди, мил-

латпарастлик, ирқчилик, шовинизм, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян кураш олиб боради. Шубҳасиз, бу тамойиллар ҳуқуқий давлатнинг маънавий табиатини акс эттиради.

Демократик, адолатпарвар жамият ва фуқаровий давлат қуриш жараёнида ҳуқуқий маданиятнинг роли ортиб боради. Бинобарин, жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-тартиботга, қонунларга нисбатан ҳурмат билан қараш ҳар бир инсоннинг шахсий эътиқодига, маънавий бурчига айланиши керак. Гап шундаки, ҳар бир киши муайян жамиятда ва давлатда яшаб туриб, у ерда амал қиладиган ҳуқуқ-тартиботдан ташқарида фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Мустақил республикамизда ҳуқуқий маданиятга алоҳида ёндашишнинг боиси ҳам ана шунда. Президентимиз И. А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек «Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади» (И. А. Каримов. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил, 48-бет).

Кўринадики, амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, ҳуқуқий талаблар ҳар бир фуқаронинг онгига етиб бориши, эътиқодига айланиши, энг муҳими, кундалик турмушдаги амалий фаолиятининг мезони бўлиши зарур. Бу нафақат сиёсий-ҳуқуқий, айни пайтда, маънавий тараққиёт эҳтиёжининг ифодаси ҳамдир.

Демак, маънавият, унинг ранг-баранг турлари ҳуқуқ, қонунчилик тамойиллари билан узвий боғланган. Дарвоқе, ҳуқуқий давлат тушунчасининг ўзи ҳам маънавий қадриятдир. Ҳуқуқий давлат фаолият кўрсатадиган жамиятда ҳамманинг қонун олдида тенг бўлиши ва қонуннинг устуворлиги таъминланади. Бу устуворлик маънавиятнинг адолатпарварлик тамойили билан асосланади. Бунинг замирида ишонч, эътиқод, маънавий жавобгарлик, кафолат, ташаббускорлик, ижодкорликка интилиш, давлат ва миллат равнақи учун курашда фаол иштирок этиш масъулияти ётади.

Маънавият ва ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг уй-фунлигини таъминлайдиган мезон инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ка-

фолатланишидир. Инсон мана шу асосда ўзининг моҳиятини чуқур ҳис этади, ўзи, жамият олдидаги масъулияти, фуқаролик бурчларини тўла англаб этади, фаолият кўрсатади. Давлат томонидан қабул қилинган ва жамиятдаги кўпчилиكنинг иродасини ифодалайдиган қонунларга ҳурмат, бўйсунуш, ижтимоий ва шахсий фаолият кўрсатиш учун маънавий масъуллиги таркиб топади.

Маънавият ва ҳуқуқ муштараклигининг яна бир жиҳати ҳуқуқий имтиёзлар ва ахлоқий бурчларнинг кафолатланишидир. Кишиларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий онги инсон маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутаети. Ҳуқуқ ҳам, ахлоқ ҳам улар фаолиятини бошқариб туради. Инсоннинг ҳалол, пок, номусли, ўзига талабчан, жамоатчилиكنинг фикрини ҳурмат қилиш каби фазилатлари ҳуқуқий маданиятнинг маънавий негизи саналади. Албатта, инсоннинг аксилмаънавий фаолиятини баҳоланда ахлоқ ҳам, ҳуқуқ ҳам ўзига хос муносабат билдиради.

Маънавият ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари ҳақида гап борганда маънавий фаолият ҳодисаларини ҳуқуқий кафолатлаш масаласи ҳам келиб чиқаети. «Жамиятимизнинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган барча ижодий меҳнат соҳалари ҳам қонун ҳимоясида бўлиши керак. Ҳозирги дунёда ҳамма нарса уйғунлаштирилган. Жамиятнинг бирёқлама, технократик ривожии миллат салоҳиятини пасайтириб юбориши, оғир ижтимоий, маънавий ва сиёсий йўқотишларга олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда ҳам» (И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 184-бет).

Маънавият ва ҳуқуқ ўртасидаги алоқадорлиكنинг ўзига хос синтезини ҳуқуқий маданият тушунчасида кўришимиз мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий давлат қуришдан кўзланган мақсад остида ҳар бир инсоннинг ўзини шахс сифатида ҳис қилиши учун ижтимоий макон ва имконият яратилиши ётади. «Ҳар бир шахс ўз фикрининг шу мамлакатда эътиборга олинишига, унинг фикри маълум масалаларни ҳал қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилиши ҳуқуқий давлат яратадиган имкониятдир» (О. Ҳусанов. Қонунийлик — ҳуқуқий давлатнинг негизи. — //Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил, 18-бет).

Президентимиз И. А. Каримов сиёсий-ҳуқуқий муносабатларда, инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларда инсон манфаатлари устувор бўлишини алоҳида таъкидлайди (И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. 23-бет). Халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳақида тўхталар экан, қуйидагилар-

ни алоҳида таъкидлайди: «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданиятидир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир» (Ўша ерда, 29-бет).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августда тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да ҳам қуйидагилар ёзилади: «Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади».

Дарҳақиқат, ҳуқуқий маданият, унинг моҳияти ва мазмуни маънавиятсиз тушуниш мумкин эмас. Бинобарин, ҳуқуқий маданият асосида миллий одоб, ахлоқ, анъаналар тарғиб этилади, юридик тушунчаларнинг мазмуни очилади, кишиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойили акс этади, тан олинган ҳуқуқ-тартибот қоидаларини онгли равишда бажаришга даъват ётади. Жамият, давлат, оила ҳамда фуқаролар манфаатларининг муштараклиги негизида барча шахсларнинг қонунларга бўйсуниб яшашлари, халқ иродасининг ифодаси бўлган қонунларда белгиланган тартибда фаолият кўрсатишлари, яшашлари ифода этилади.

Ҳуқуқий маданият маънавиятга нисбатан тор тушунчадир, чунки маънавиятда ҳуқуқий тамойиллардан ташқари яна жамият, шахс, миллатнинг ички дунёси, руҳий кечинмалари, ақлий қобилиятлари, идрок ва малакалари мужассам этилади. Тадқиқотчилар ёзганларидек, «ҳуқуқий маданиятли инсон ўз навбатида маърифатли шахс ҳисобланади. Маърифатли фуқаро муайян соҳада маълумотга эга бўлиш билан бир қаторда ҳуқуқий билимга, хулқатворга эга бўлган фуқаролик жамиятининг қонун ва қоидаларига риоя этиб яшайди» (Ш. Рўзиназаров. Ҳуқуқий маданият — фуқаролик жамияти талаби. «Халқ сўзи», 1997 йил, 6 август).

Кўринадики, умумий маданиятнинг таркибий қисмини ташкил этиб, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда тадбиқ эта оладиган кишини таркиб топти-

риши, фақат шундайларгина маданиятли, маърифатли, маънавиятли ҳисобланишини акс эттиради. Шубҳа йўқки, кўпгина қонунлар қабул қилинади, бироқ фуқаролар уларга риоя этишга тайёр бўлмаса, ҳуқуқий давлат ҳам, фуқаролик жамияти ҳам ҳақиқатда амал қилмайди. Шу сабабли фуқаровий жамият ва унинг аъзолари юксак даражада маънавий ва маърифий камол топган бўлмоғи керак, кишилик жамиятида таркиб топган барча қадриятларни билиши, уларни эътироф этиши, риоя этиши зарур. Худди шу маънода қонунларга амал қилиш, бошқача айтганда, ҳуқуқий маданият кўникмаси асосида маънавийлик табиати ўз ифодасини топади. Шунга кўра, янги демократик жамият қурилиши шароитида давлат маънавият ифодачиси тарзида фаолият кўрсатади. Зеро, унинг ҳуқуқий асослари негизда халқ маънавияти ётади.

**Маънавият ва мафкура.** Юқорида маънавият руҳий, ахлоқий қадриятлар йиғиндиси эканлиги айтиб ўтилди. Унинг мафкура билан муносабатини кўриб чиқадиган бўлсак, мафкура кўпроқ жамиятнинг сиёсий соҳасини акс эттириб, шубҳасиз, маънавиятга асосланади. Маънавиятсиз мафкуранинг моҳиятини, руҳи ва табиатини билиш мумкин эмас. Шу маънода, мафкура маънавий фаолият маҳсули, жамият маънавий ҳаёти маҳсули ва, айти пайтда, маънавий ҳаётга ўз таъсирини ўтказадиган ва ўтказиб турадиган ғоявий омилдир.

Хоҳ давлат бўладими, хоҳ жамиятми ёки алоҳида олинган инсонми, мақсадсиз, манфаатларсиз яшамайди ва фаолият кўрсатмайди. Инсон ва жамиятнинг ўз олдига қўйган режалари, манфаатлари фикр билан таркиб топади, низом шаклига киради. Худди шу маънода, Президентимиз таъкидлаганидек, жамият мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этадиган фикрлар ва ғоялар тизимидан иборатдир. Шу маънода, республикамизда таркиб топаётган миллий мафкура тўғрисида гапириш мумкин.

И. А. Каримов ўзининг «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» номли суҳбатида миллий мафкурамизнинг асосий вазифаси «жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиш»дан иборат деб таъкидлайди. Шубҳасиз, миллий мафкура миллий мустақиллигимиз туфайли бунёд этилмоқда. Дарҳақиқат, «миллий мафкура бизнинг эркин, озод, адолатли, маънавиятли, эркин бозор иқтисодиёти шароитларида демократия қонун-қоидаларига асосланган ҳуқуқий амал қиладиган ҳамда жамият барпо этишдан иборат туб миллий мақсадимизга хизмат қилади ва у ана шу мақсадларга эришишимизни таъминлайди. Маънавиятли

жамият қуришга интилаётганимиз миллий мафкурамизнинг ўзига хослигини ифодалайди (*И. Фафуров*. Миллий мафкура ёлқинлари. — «Миллий тикланиш», 1998 йил, 21 июль).

Мафкура дейилганда муайян бир ижтимоий гуруҳ ёки миллатнинг туб манфаатларини назарий жиҳатдан асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, бадий қарашларнинг бир бутун тизими назарда тутилади. Шуни айтиш мумкинки, жамият маънавияти таркибида турлича мафкуралар, тизимлар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамиятдаги бирор-бир мафкуранинг давлат мафкураси даражасига кўтарилиши мумкин эмаслиги алоҳида таъкидланади (2-модда). Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, фикрларнинг хилма-хиллигига асосланади. Бу — демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Ваҳоланки, яқин ўтмишда ўзга бир ижтимоий қатламнинг мафкурасини бошқаларнинг мафкурасига мажбуран қабул қилдиришга ҳаракат қилинди, мафкуранинг миллийлиги инкор қилингани ҳолда, унинг синфий бўлиши кераклиги сиёсат даражасига кўтарилди.

Бунинг натижасида миллатларнинг, хусусан, ўзбек миллатининг миллий онги, дунёқараши, миллий ғурури, ифтихори-дек нозик масалалар сийқалаштирилди ёки бутунлай инкор этилди.

Янгиланаётган маънавият асосида истиқлол ва миллий истиқлол мафкурасини яратиш соҳасида Президентимиз И. А. Каримов катта ташаббускорлик билан фаолият кўрсатмоқда. «Унинг раҳбарлигида янги даврнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, мавжуд ғайриинсоний мафкура — коммунистик мафкурадан воз кечдик. Энди ана шу мафкура ўрнини босадиган қандайдир маслак, ғоя зарур эди. Чунки улкан ақлий бўшлиқда муаллақ ҳаёт кечириш мамлакат ижтимоий-сиёсий муҳитини ҳам, руҳий-маънавий иқлимини ҳам, одамларнинг турмуш тарзини ҳам издан чиқариб юбориши муқаррар. Мамлакат аҳолиси ҳар қандай шароитда ҳам қандайдир ғоя учун курашиши, унинг атрофида жипслашиши, қайси бир мақсаднинг рўёбга чиқиши учун интилиши зарур. Шунинг учун ҳам Президент И. А. Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш ғояси туманли ва рутубатли кунларимизда жонларга рағбат уйғотувчи куч бўлиб майдонга келди» (*Н. Жўраев*. Агар огоҳ сен... 115–116-бетлар).

И. А. Каримов бу масалага алоҳида эътиборни қаратиб ёзган эди: «Яратувчиликнинг биринчи босқичи давомида бир қанча истиқболли шарт-шароитлар вужудга келтирилдики, улар

ислоҳотларнинг янги босқичида мазмун жиҳатидан ўзини янада кўпроқ намоён қилмоғи лозим бўлади. Ҳозир таркиб топаётган умумхалқ миллий мустақиллик мафқурасини кенг кўламли ҳодисалар жумласига киритмоқ лозим» (И. А. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Тошкент, «Ўзбекистон». 1998 йил, 310—311-бетлар).

Демак, мафкура масаласи миллий мустақилликни таъминлашнинг истиқболли шарт-шароити сифатида эътироф этилади. Мафкурага берилган бу баҳо унинг жамият маънавий ҳаётида тутадиган ўрни ҳақидаги юксак фикрлар билан изоҳланади, албатта.

Мафкура атамасини ифодалайдиган «идеология» иборасини ижтимоий фикрлар тарихида биринчи бўлиб XIX аср бошларида француз олими Дестют де Траси ўзининг «Идеология элементлари» асарида ишлатган. Бу сўз орқали у сиёсат, одоб, ҳуқуқ, иқтисод учун мустаҳкам негиз қуришни назарда тутган.

«Мафкура» ибораси эса «фикр» (арабча)дан олинган, шу маънода «тафаккур», «мутафаккир» сўзлари билан маънодош, илмий маънода олинганда мафкура иқтисод, сиёсат, маънавият, умуман, жамият ҳаётининг барча томонига дахлдор бўлган ғоялар тизимини ифода этади, давлат билан жамият, жамият билан одамлар, сиёсат билан иқтисод, иқтисод билан маънавият ҳодисаларини боғлаб, қандай ривожланиш сари боришни ифода этади.

Мафқурасиз маънавият йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Мафкурада «муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий-руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, ғоявий иммунитетни шакллантириш» каби мақсадлар кўзда тутилганлиги боис у, айни пайтда, маънавий ҳаракат дастури вазифасини бажаради (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 20—21 бетлар).

Мафкура янги маънавиятнинг қўлга киритган ютуқларини ифодаловчи назарий қарашлар, билимлар сифатида ижтимоий тараққиёт учун муҳим режа, стратегик аҳамият касб этади. И. А. Каримов «Тафаккур» журнали саволларига берган жавобларида жамиятимиз мафқурасининг асосий мазмуни, ривожланиш истиқболлари, асосий воситалари тўғрисидаги масалани илмий ёритиб берди. Авваламбор, мафқуранинг ижтимоий аҳамияти, сўнгра мафқуравий бўшлиқнинг маънавий зарари тўғрисидаги янгича қарашларни баён этади.

Асарда мафқурани шакллантиришнинг ижтимоий-тарихий асослари тўғрисида сўз борар экан, «мафқурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтми-



ши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисмати ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим» дейилади. Иккинчи шарт миллий тарихимизда ўзларининг ўлмас илмий мероси, фалсафий қарашларини қолдирган буюк алломалар фаолиятини ўрганишдир. Миллий истиқлол мафкураси негизда оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиш муҳим ўрин тутиши керак.

Миллий мафкурамиз халқимизни маънавий жиҳатдан баркамолликка эриштирамоғи учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур: биринчидан, «халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифалар»; иккинчидан, эл-юртни буюк мақсадларга етаклайдиган, халқ ва давлат дахлсизлигини таъминлайдиган ягона ғоя; учинчидан, ҳар қандай миллатчиликдан холи, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши; тўртинчидан, ёш авлоднинг ватанпарварлик, элпарварлик, инсонпарварлик, одамийлик фазилатларини тарбиялашда улкан маънавий омил бўлиши; миллий ва умуминсоний ютуқларга эришмоқ учун йўл очиб берадиган, шунга мунтазам равишда даъват этадиган ғоя бўла олиши (*И. А. Каримов*. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. 13—15-бетлар).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, миллий ғоя сифатида миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади Ўзбекистонда чинакам инсоний жамият қуриш ва комил инсонни тарбиялашдан иборатдир. Бу мафкуранинг иқтисодий заминини мулк шаклларининг хилма-хиллиги, бозор муносабатларининг амал қилиши; ижтимоий асосини ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилиги; сиёсий негизини фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат тизимлари; ҳуқуқий омилини инсон эркининг қонунларда кафолатланиши ва мустақамланиши; маънавий таянчини хур фикрлилик, фикрлар хилма-хиллиги, дахлсизлиги, *миллат ва халқ ҳамжиҳатлигининг* гарови, жаҳон ҳамжамиятида халқимизнинг ҳар жиҳатдан мустақиллиги ва тенглиги ташкил этади.

**Маънавият ва дин.** Маънавият мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг тараққиётига жуда кўп омиллар — сиёсат, иқтисод, фан, ахлоқ, санъат, дин каби ҳодисалар бевосита таъсир этиб туриши ҳақида юқорида гапирилди. Бу тизимда диннинг алоҳида ўрни мавжудлиги ўз-ўзидан равшан. Бунинг боиси аввало шундаки, дин минг йиллар мобайнида инсоният ҳаёти-

нинг барча жиҳатлари билан чамбарчас боғланиб, унинг турмуш тарзига айланиб кетди. Иккинчидан, дин таъсирининг замирида савоб ва гуноҳ ҳақидаги тасаввурлар турадики, одамлар бу маънавий ҳодисаларга ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Бинобарин, савоб ва гуноҳ, шунингдек, савобли иш қилганларнинг тақдирланиши, гуноҳкорларнинг эса жазоланиши тўғрисидаги қарашлар кишилиқ жамияти тараққиётининг илк босқичларида шаклланган, ижтимоий онг таркибида алоҳида ўрин тутган. Учинчидан, диний эътиқодлар билан боғлиқ фазилатлар инсон психологиясига асрлар давомида кучли таъсир кўрсатиб келган.

Инсонда диний эътиқоднинг шаклланиши диний тарбиянинг олиб борилиши, унинг мазмуни ва таъсирчанлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Агар тарбия шахснинг ички ҳиссиётига мувофиқ равишда олиб борилса, муайян мақсадларга қараб йўналтирилса, албатта, у тегишли самара ва натижа бериши табиий.

Эътиқод сифатида эътироф этилган тамойилларга қатъий амал қилиш ва уни кундалиқ турмушда бажариш динда асосий ўрин эгаллайди. Диний талаблар ҳар бир шахсдан қатъийлик, иродалик, сабр-тоқатлик, чидамлик ва ҳақиқий фидойиликни, бир сўз билан айтганда, диндорда хос бўлган эътиқодга амал қилишни тақозо этади.

Шахс дин талабларини тўлиқ ва виждонан бажарса, оқибат-натижада охиратда унга Оллоҳ марҳаматига сазовар бўлишдек олий мукофот насиб этади, ҳар бир эътиқодли инсон бунга эришиш учун имкон қадар ҳаракат қилади.

Умуман олганда, барча динлардаги талаб ва кўрсатмаларнинг туб моҳияти шундаки, ҳар бир инсон уларни бажара бориб, нариги дунёдаги ҳаётида роҳат-фароғатда яшаш учун бу дунёда фақат савобли ишлар билан шуғулланиши зарур.

Ҳар бир мўмин-мусулмон Оллоҳнинг марҳаматига эришиш учун калима келтириши, намоз ўқиши, рўза тутиши, закот бериши ва имконияти бўлса, ҳаж қилиши каби дин рукнларини адо этишлари шарт. Бироқ бу талабларни бажариш учун одамлар ўзлари яшаб турган жамиятда, биринчидан, шарт-шароит, иккинчидан эса, имкониятга эга бўлиши керак.

Тўғри, инқилобга қадар мусулмонлар юқоридаги рукнларни бажариб келганлар, чунки у даврда ҳар қандай диннинг тараққиёти ва амалий фаолияти учун катта шарт-шароитлар мавжуд эди.

Афсуски, ўтган етмиш йил ичидаги шўро замонида одамлар диний фаолиятларини етарлича амалга ошира олмадилар. Са-

баби, социалистик давлат уларнинг шароит ва имкониятларини, Конституцияда расман виждон эркинлиги билан қайд этсада, амалда чеклаб қўйди. Натижада, фуқароларда на коммунистик, на диний эътиқод шаклланди. Коммунистик идеологияни тарғиб қилувчи раҳбарларнинг аксарияти эгаллаб турган обрўли лавозимларни суиистеъмол қилиб, порахўрликка, лаганбардорликка, мансабпарастликка ружу қўйиб, «коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси»да белгиланган, аниқроғи, ўзлари қабул қилган принципларни қўпол равишда буздилар. Уларнинг бу номақбул хатти-ҳаракатлари аслида социалистик жамиятнинг бағрида, кенг халқ оммасининг кўз олдида содир бўлди. Натижада, одамларда бу ғоянинг оддий ақидапарастликдан бошқа нарса эмаслигига ишонч юзага келди.

Иккинчидан, барча халқлар ва миллатларнинг тили, тарихи, дини ва эътиқодини, маънавий меросини менсимасдан, фақат йирик миллатнинг маънавий-маданий «устунлиги»ни буюк ва умумий деб ҳисоблаб, уни турмушга жорий этишди, зўравонликка асосланиб уринган коммунистик мафкура одамларнинг тилига ўрнашди, уларнинг дилидан эса муносиб ўрин топа олмади.

Коммунистик мафкуранинг «жонкуярлари» ташвиқот-тарғибот ишларида миллатларнинг ўз дини, психологияси, маданий ва маънавий мероси, маросимларига бўлган соғлом муносабатларини ҳисобга олмадилар ёки олишни истамадилар. Масалан, вафот этган киши партияга тааллуқли бўлса, унга жаноза ўқиш, комсомол аъзоси бўлса, турмуш қураётганда никоҳ ўқитиш тақиқлаб қўйилди. Ўзини мусулмон деб ҳисобловчи ҳар қандай миллат вакилининг нафсониятига бунинг қаттиқ таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Натижада, бу асрий диний-маънавий тамойиллар яширин равишда амалга ошира бошланди. Америкалик йирик жамоат арбоби Збигнев Бжезинский ёзганидек, коммунистик жамият «инсон турмушининг асосини ташкил этувчи эркинликка интилишини ва руҳий эҳтиёжларини ҳисобга ола билмади (қаранг: *З. Бжезинский*. Коммунизм талвасаси. — Жаҳон адабиёти, 1997 йил, 6-сон, 163-бет).

Республикалар собиқ Иттифоқдан бирин-кетин ажралиб чиқа бошлаган пайтда ислом тарқалган минтақалардаги кишилар бу «ноқулай сиёсат»дан тезроқ қутулиш учун астойдил ҳаракат қилганликларининг боиси ҳам шунда эди.

Мустақиллик туфайли республикаларнинг янги Конституциялари қабул қилинди. Демократик ҳаракатларга кенг йўл очилди, халқ партиялари фаолияти кенгайди. Натижада, улар олиб бораётган сиёсат миллатнинг ҳис-туйғусига, урф-одатига,

маросимларини ҳурмат қилишга, дунёқарашларига мос ва халқ манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган инсонпарварликни ифода этди.

Тўғри, иқтисодий жиҳатдан бирмунча қийинчиликлар бўлишига қарамай, халқлар маънавий жиҳатдан эмин-эркин, ўз динига оид расм-русумларини, ибодатларини ҳеч қандай тазйиқларсиз, қаршиликларсиз бемалол ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ реал имкониятга эга бўлдилар. Мисол тариқасида ҳаж маросимини олиб кўрайлик. Илгари ҳар йили 6—7 киши ҳажга борган бўлса, эндиликда уларнинг сони кескин ортиб кетди. Биргина 1998 йилда 3,5 минг кишидан ортиқ одамлар ҳаж маросимини ўташга муяссар бўлдилар. Бухородаги Мир Араб мадрасасида авваллари 50 та, Тошкентдаги имом Исмоил Бухорий маъҳадида эса 25 та талаба ўқир эди. Ҳозирги пайтда уларда таҳсил олаётганларнинг сони 200 дан ортиқ талабани ташкил этади.

Шунингдек, жумҳуриятимизда ўнга яқин мадраса ва беш мингдан ортиқ мачитлар фаол ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилган Конституциясининг 31-моддасида фуқароларнинг виждон эркинлиги қонуний равишда кафолатланган. Эндиликда кишиларимиз хоҳлаган бирор динга эътиқод қилишлари, қонунни бузмаган ҳолда диний маросим, урф-одатларини ҳеч қандай монеликсиз амалга оширишлари мумкин. Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида давлат билан дин ўртасидаги алоқаларнинг моҳиятини белгилайдиган бешта тамойил асослаб берилди.

Бундан ташқари, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф каби муқаддас китоблар ўзбек тилига таржима қилиниб босиб чиқарилдики, булардаги одоб-ахлоққа оид кўрсатмалар маънавиятимизни бойитиб, тарбиявий ишларимизни олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Президент И. А. Каримов мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан мустақкамлаш жараёнида маънавиятни бойитишнинг алоҳида ўрни мавжудлигини қайта-қайта уқтирмақда. Шунингдек, юртбошимиз ёшлар онгига дунёвий билимларни синдириш билан бирга, минг йиллар мобайнида синалган ва юксак диний тамойиллар билан уйғунлашиб кетган одоб-ахлоқ кўрсатмалари асосида уларни тарбиялаш, камол топтириш ишига ҳам алоҳида эътибор бераётганлиги маълум. Президентимиз Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи очилишига бағишланган нутқида диннинг инсон маънавиятини баркамоллаштиришдаги ро-

лини шундай таърифлаган эди: «Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман» («Миллий тикланиш», 1998 йил, 27 октябрь).

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, маънавият узлуксиз жараён бўлиб, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ўзининг чуқур ифодасини топади. Мустақиллик маънавияти ҳақида фикр юритар экан, Президентимиз И. А. Каримов шундай деган эди: «Маънавият деганда, авваламбор, одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан» («Туркистон», 1999 йил, 2 февраль).



## *Иккинчи боб*

# **БАРКАМОЛ ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ**

### **I. МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН ТУШУНЧАСИ**

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қайд этиладики, «эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олади». Шунинг учун ҳам мамлакатимизда соғлом авлод ҳаракатининг кенг тус олиши, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ана шу улуғвор мақсадларни кўзда тутди. Зеро, комил инсонни тарбиялаш маънавият соҳасида олиб борилаётган ишимизнинг негизини ташкил этади.

Комил инсон тушунчаси ўрта асрларда ишлаб чиқилган бўлиб, мусулмон Шарқида, асосан, исломий нуқтаи назардан таърифлаб келинган. Аслида «комил инсон» тушунчасининг дунёвий мазмуни борлигини ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Унинг фалсафий маъноси умуммиллий аҳамиятга эга ва умуминсоний қадрият сифатида асрлар давомида сайқал топиб ривожланиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини чуқур тушунишни истамаслик кайфиятини танқид қилган эди. Шу нуқтаи назардан тасаввуф фалсафасида комил инсон концепцияси алоҳида диққатга сазовордир.

«Комил инсон» тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Ибн ал-Арабий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Саййид Абдулқодир Гелоний, Азизиддин Насафийларнинг рисолаларини тилга олиб ўтиш мумкин. Ибн ал-Арабий наздида комил инсонни Оллоҳ илоҳий нурдан яратган. Ислом илмининг билимдонлари кўрсатишича, илоҳий нур барча мавжудотлардан, ҳатто ер ва осмондан ҳам аввал яратилгандир.

Арабийнинг фикрига қараганда, тангри таоло илоҳий нурдан ақли аввални яратди ва унинг суврату шаклини «комил инсон» қиёфасида зухур этди. Шу маънода, Оллоҳ одамни раҳ-

мон суратида яратди, деган ҳадис мавжуд (қаралсин: *Н. Комилов*. Тасаввуф. I-китоб. 145-бет).

Ибн Арабийнинг таъкидлашига кўра, комил инсоннинг ердаги тимсоли — ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоллоҳу алайҳи Васалламдир. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» идан олинган қуйидаги байтда Муҳаммад Алайҳиссаломнинг Одам Атодан бурун борлиги айтилган: «Улки, одамдин бурун ул бор эди, Ҳам Наби, ҳам соҳиби асрор эди». Бу ҳикмат замирида Оллоҳнинг одамга бўлган буюк муҳаббати ётади.

Кетма-кетлиги жиҳатидан олам биринчи, одам иккинчи барпо бўлди. Лекин оламини яратишдан мантиқан кўзланган мақсад одам эди. Одам — мақсад, олам — восита эди. Буни Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» рисоласида ҳам кўриш мумкин. У айтадики, «инсон олами сағир (кичик олам), илоҳий ва моддий олам биргаликда олами кабир» (улуғ олам) дир. Улуғ оламдаги жамики нарса ва хусусиятлар кичик оламда мавжуддир, инсон катта оламнинг кичрайтирилган нусхасидир.

Насафий комил инсонга таъриф бериб, «комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар», дейди. Бошқача айтганда, комил инсон шундайки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф.

Демак, олим наздида, комил инсон, биринчидан, реал одам, у яхши сифатларни эгаллаш орқали комиллашади. Иккинчидан, комил инсон мартабаси тариқат ва риёзат йўли билан қўлга киритилади. Комил инсон халққа яхшилик келтиради, кишилар мушкулини осон қилади, оламини эса бало-кулфатлардан сақлайди. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса йўқ.

Тасаввуфда комил инсон, бир томондан, худо билан одамлар ўртасидаги воситачи, илоҳий амр, ғойиби асрорни оддий одамларга етказувчи улуғ зотдир. Иккинчидан, комил инсон истилоҳи пайғамбардан бошқа зотларга нисбатан шартли равишда, ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қўлланилади.

Шу билан бирга, айрим олимлар комил инсон деганда реал инсонга хос белгиларни назарда тутишни маслаҳат берадилар. Масалан, Насафий ўзининг «Комил инсон» асарида уни руҳ тушунчаси билан алоқада олиб текширади. Инсон мартабалари руҳ мартабалари сифатида қаралади. Шу маънода, комил инсон инсонларга хос бўлган фазилатни ҳам ифодалаши мумкин. У — инсонларнинг энг мукаммали, энг ақлли ва энг до-

носи, айни вақтда Оллоҳ билан одамлар орасидаги воситачи, Оллоҳнинг ҳалифаси. Комил инсон инсонлар жамиятидан егишиб чиқадиган мўътабар зотдир. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир.

Ушбу қарашлар, гарчи бир-бирига зид бўлиб кўринса-да, аслида ўзаро яқиндир. Бу ерда, энг муҳими, инсон камолоти, буюклиги эътироф этилишини кўрамиз. Бундай қарашга биноан, инсон ва коинот, инсон ва илоҳ, инсон ва мавжудот ўзаро алоқада, боғланишдадир. Аҳли шариат тушунчасига кўра, инсон камолоти азалдан маълум бўлиб, тақдир азал томонидан белгилаб қўйилган.

Тасаввуф аҳли айтадики, инсонга эркин фаолият учун инонихтиёр берилган, у ҳаракат қилиб комилликка эришуви мумкин. Азизиддин Насафий камолотнинг икки белгиси бор, деб таъкидлайди: биринчиси, яхши ахлоқ, иккинчиси, ўз-ўзини таниш. Комил инсон яхши ахлоқли, ўз-ўзини таниган инсондир.

Биз юқорида комил инсон ғояси шариат ва тасаввуф илмида қандай қўйилганлиги тўғрисида баъзи тафсилотларни баён этдик. Энди комил инсон тушунчасининг илмий-фалсафий жиҳатдан тавсифланишининг баъзи жиҳатларини қараб чиқайлик.

И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарида кўп масалаларни тушунишда «диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир» (Ўша асар, 36-бет), деган эди. Дарҳақиқат, дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам мавжуд. У дин ва диний турмуш тарзи билан ёнма-ён яшаб ривожланиб келган.

Комил инсонни тушунтиришда дунёвий фикрнинг асосида нима ётади? Президентимиз уқтирганидек, одам табиий омилларга кўра, ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни танлай олмайди. Лекин дунёқарашини, ахлоқий маданиятини ҳеч кимнинг тазйиқисиз ва, айниқса, зўравонлигисиз ўзи танлаб олиши мумкин ва лозим. Модомики, шундай экан, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик тамойилларга асосланган давлат, фуқаролик жамияти қуриш сари бораётган эканмиз, қандай дунёқарашга асосланишимиз керак?

Ҳозирги замон одамлари яшаётган ижтимоий муҳитда асосан икки йўналишдаги — илмий-фалсафий ва диний-мистик дунёқараш мавжудлиги ўз-ўзидан аён. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистоннинг асосий қомуси — Конституциясида дунёвий давлат



қуриш назарда тутилганлиги боис боғча, мактаб, олий ўқув юртлари ва бошқа муассасалардаги таълим-тарбия тизими жараёнида илмий-фалсафий дунёқараш шакллантирилади.

Ёшларда дунёқараш илмий-фалсафий йўналишда бўлиши, диний дунёқараш эса республикада дунёвий давлат қуриш манфаатлари доирасида ривожланиши керак. Чунки илмий-фалсафий дунёқарашда диний ва миллий экстремизм йўлига ўзига хос тўсиқ юзага келади. Шу нуқтаи назардан комил инсон масаласини ҳам илмий-фалсафий мазмунда тушуниш, таълим-тарбия ишини ҳам шу асосга қуриш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда айтиш керакки, бу соҳадаги ҳам назарий, ҳам амалий иш комил инсон ҳақидаги барча ижобий фикрлар ва қарашларнинг энг фойдали томонларидан, шу жумладан, ислом қадриятларидан ҳам фойдаланишга асосланади.

Айни вақтда айтиш лозимки, комил инсон тўғрисидаги илмий-фалсафий таълимот ўз моҳияти, ижтимоий вазифаси ва мақсадлари билан диний-тасаввуфий қарашлардан фарқ қилади.

Комил инсон тўғрисидаги назария ва услубият методологик жиҳатдан Ўзбекистон Президенти асарларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Таълим тўғрисида»ги Қонунда, Кадрлар таёрлаш миллий Дастурида ва бошқа ҳужжатларда ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Шуларга мувофиқ равишда, таълим тизимини янги замон талаблари даражасига кўтариш, соғлом, баркамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилган.

Маънавияти бой инсонгина комил инсон бўла олади. Юксак ахлоқий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун бўлган, чуқур ва замонавий билимга, кенг илмий-фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсон комил бўлади.

Юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган комил инсон: нафс хуружини, лаззатларга бўлган мойиллик ожизлигини енга оладиган зотдир; одамни комил инсон ва мукаррам инсон мартабасига кўтариш унинг маънавиятини юксалтириш демакдир. Ҳар бир жамият таянадиган маънавий қадриятлар қанчалик умуминсоний мазмунга эга бўлса, у шунчалик умрбоқийдир. Одам ҳам шундай. Одам қандай хулқ, ахлоқий, маданий сифатга эга бўлса, фаолият тарзини намоён этса, унинг кадр-қиймати ҳам шунчалик юксак бўлади. «Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маънавияти билан кучлидир» (И. А. Каримов). Бу нарса инсон шахсига нисбатан эътибор ҳам, талаб ҳам кучайганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда маънавият шарқ фалсафаси билан узвий боғлиқ, зеро фалсафанинг ўзи маънавият. И. А. Каримов алоҳида таъкидлаганидек, «асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланиб келди».

Маънавият шарқона фалсафага таяниб таърифланиши керак. Шунда у Ўзбекистон танлаган йўлнинг ўзига хослигини ифодалайди. Шарқ фалсафаси ислом фалсафасидан озуқа олади. Ислום фалсафаси муросасозлик фалсафаси эканлиги билан характерланади. У одамларнинг тўқнашуви, ўзаро кураш ва қон тўкишлар, зўрлик, куч ишлатишни қоралайди.

Одамни камол топтириш учун жамиятни ўзгартириш марксизм мафкурасининг тамал тоши эди. Бу тамойил одамларни ур-йиқитларга, ўзаро жанжалларга етаклади. Исломий фалсафа эса жамиятни ўзгартириш учун одамнинг ўзини ўзгартириш керак деб ҳисоблайди. Жамият унинг аъзоларининг камолоти натижасида ва фуқароларнинг баркамоллиги даражасида такомиллашади деб ўргатади. Шарқ фалсафасида инсон омили юксак рутбада туради, у ўз хулқининг ҳам, ўзи яшаётган жамият маънавиятининг ҳам ижодкори ва, айнан шу сабабли, ҳам ўзининг, ҳам замондошларининг маънавий сифатлари учун жавобгар.

Бозор иқтисодиёти шароитида маънавий омиллардан фойдаланиш вазифаси биринчи ўринга чиқади, савдо, тижорат, тadbиркорликда ҳалоллик, меҳр, инсоф, адолат сувдай керак. Куръони Каримда «ўлчов ва тарозини адолат билан тортингиз» (6 суръа, 152 оят), дейилади. Исмоил Бухорий ҳадисларида молудунёси кўп одам эмас, балки нафси тўқ одам бадавлатдир, савдода ҳийла, алдамчилик қилмоқ макруҳдир, деб таъкидланади.

Кўриниб турибдики, маънавияти паст одам тубанлик сари кетади.

Комилликнинг ҳар бир даврга хос мезонлари бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Нодонга нисбатан оқил, лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан саҳий, танбалга нисбатан серғайрат, қўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов вазифасини ҳам ўтаган.

Мамлакатимизда янги жамият барпо этилмоқда, унинг бағрида шаклланиши лозим бўлган комилликнинг моҳияти, шартлари ва низомлари қандай бўлади. Қандай юртдошимизни комил деб атаймиз? Энг аввало, ота-боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўли биз учун намунадир. Бинобарин, комиллик гоёси биз учун ёт нарса эмас. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон инсоний комилликнинг чуқур анъаналарига эга бўлган ўлка. Тад-

қиқотчиларнинг қайд этишларича, «бу анъана турли авлодлар ўртасида руҳий яқинликни мустаҳкамлайди, ёшлар қалбида ворислик туйғусини уйғотади. Демак, комиллик — энг аввало, инсонийлик шарти ва буюк аждодларимизга ворислик тақозоси» (Қ. Йўлдошев. Комилликнинг тўрт жиҳати. — «Тафаккур», 1997 йил, 2-сон).

Комилликнинг бош мезони инсонийлик ҳисобланади. Инсоннинг энг ноёб фазилатларидан бири унинг комилликка интилишидир. Меҳнат, ақл, идрок, одоб-ахлоқ, одамларга яхшилик қилиш — инсоннинг оддий фазилати.

Ҳар бир халқнинг ўз етук алломалари, комил инсон унво-нига мушарраф бўлган аждодлари бор. Уларнинг меҳнати, ме-роси авлодлар кўксини ғурур билан тўлдиради. Хоразмий, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Исмоил Бухорий, Марғиноний, Беруний, Улуғбек, Навоий, Муқимий ва бошқалар инсон қадр-қийматини ҳамма нарсадан устун қўйишга ҳаракат қилганлар.

Форобий инсоннинг яратувчанлик қобилиятига юксак баҳо беради. У инсон биологик мавжудот эмас, балки ақл-заковат соҳиби эканлигини, ўз меҳнати билан ижтимоий моҳият касб этишини уқтиради. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам инсонга ақл бериб қўйилган, шунинг учун ҳам ер юзида ҳар қандай мушкулликни осон енга олади, деган фикрни билдиради. Навоий дунёда инсонга қараганда улуғроқ камолот йўқ, дейди: «Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдир. Агар мен одам ўлсам, ушбу басдир».

Борди-ю камолотнинг энг юксак мезонларига одоб ва юксак маънавиятни киритадиган бўлсак, бунда мукамалликнинг жиҳатлари ақлли, ахлоқий, маданий, жисмоний фаолият билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиздир, буларнинг ҳар бири ҳам, ўз навбатида, бир қанча соҳаларни қамраб олади. Чунончи, жисмоний фаолият касб-ҳунар билан шуғулланишни ўз ичига олади. Инсонни гўзал қиладиган унинг ҳунари, илми ва одоби деб айтиш мумкин. Ҳунар ҳам, илм ҳам одамни юксакликка кўтаради, унга катта обрў ва шуҳрат келтиради. Бироқ шахс яхши ҳунар соҳиби бўлса-ю, одоб ва ахлоқ бобида қусурга йўл қўйса, у, шубҳасиз, обрў топа олмайди. Илм соҳиби ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Замондошларимизнинг чуқур илмий дунёқарашга, замонавий билим ва муайян касб эгаси бўлиши соҳасида уйғунликка эришиши Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури руҳига сингдириб юборилганининг боиси ана шунда.

Инсон камолотида жисмоний гўзаллик муҳим аҳамият касб этади. Жисмонан бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки ижтимоий қадриятдир. И. А. Каримов томонидан ишлаб

чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган «соғлом авлод дастури»нинг мазмуни шу билан белгиланади. Айни вақтда ҳар бир инсон ўзининг саломатлик маданиятини ҳам шакллантирмоғи ва мукамаллаштирмоғи лозим. «Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спорт воситасида ёшлиқдан сингдириб бориш керак» (И. А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 77-бет).

Комилликнинг яна бир жиҳати Ватанга, миллатга, элу юртга садоқат билан хизмат қилишдир. Ватанини севмаган, миллатининг тарихи ва тақдирига лоқайд қарайдиган инсоннинг комиллиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Президентимизнинг «элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак», деган даъвати негизида ана шундай буюк ғоя ётади.

Инсон камолотида оиланинг роли беқиёс катта эканлиги маълум. «Ўзбекларнинг аксарияти, — деб ёзади И. А. Каримов, — ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир» (Юқоридаги асар, 47-бет).

Оила тарбиясида доимий таъсирчан куч оиладаги муносабат, оила муҳити, оила аъзоларининг ўзаро алоқаси, ота-она, ака-ука ва бошқаларнинг хулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва бошқа ҳолатлар бола камолотига таъсир қиладиган асосий омиллардир. Оила қанчалик тартибли, яхши хулқ-атворли, унинг аъзоларининг ўзаро муносабатлари самимий бўлса, оила тарбияси ҳам шунчалик самарали бўлади.

Тарбиянинг анъанавий ва замонавий турлари ва усуллари кўп, шулардан бири шажаравий тарбиядир. Бу тарбия усули маълум бир аждоддан келиб чиққан авлодларнинг қариндошлик даражасини изчиллик билан санаб кўрсатувчи ҳужжатларга асосланган бўлиб, бунда болаларга аждодларининг кимлиги шажараномалар орқали эслатиб борилади. Бу тарбия усули орқали аждодлар билан фахрланиш ҳисси шакллантирилади, уларга муносиб бўлишга даъват этилади.

Исломда ҳам ҳар бир мусулмон ўзининг етти пуштини библиши кераклиги таъкидланади. Шажара тузиш ишини қайта давом эттираётган алломалардан бири файласуф олим Омонулла Файзуллаев дейиш мумкин. Тарихий ҳужжатларга асосланиб у киши Шайх Зайниддин Бобо Тошкандий ибн Шайх Шаҳобид-

дин Абу Умар Сухравардий шажарасини тузди. Омонулла Файзуллаев Шайх Зайниддин Бобонинг 45-авлоди эканлиги маълум бўлди.

Маънавий етукликнинг шартларидан бири инсоний сифатларнинг уйғунлиги масаласидир. Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқилона сўзи билан амалий фаолияти, тили билан дили бирдай бўлиши етуклик мезони ва шарт-шароитидир. Бундай уйғунликка эришган одам бахтиёр бўлади. Бир ҳақимдан бахтиёр ким? деб сўрадилар. У «уч нарсанинг уч нарса билан, яъни фикрни тўғрилиқ билан, сўзни ростлик билан, феълни саховат билан беаган киши бахтиёр», деб жавоб беради.

Улкан юнон файласуфи Суқрот ўз насиҳатларидан бирида шундай дейди: Уч нарсани барбод қилмаслик учун уч нарсани эҳтиёт қилинг: бошдан айрилмаслик учун тилингни сақла, намоздан айрилмаслик учун таҳоратни сақла, юракдан айрилмаслик учун газабланишдан эҳтиёт бўл.

Баркамолликнинг қирралари кўп эканлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Ҳар бир шахсни илк ёшлигидан бошлаб мантиқий фикрлашга ўргатиш ҳаёт талабидир. Шунга кўра, унга ҳар доим мантиқий тафаккур юритиш тамойилларини сингдириб бориш лозим.

Ёшларни соғлом фикрлашга, айниқса, мустақил фикр юритишга ўргатиш зарур. Баъзи болалар ёшлигидан бошлаб «мен» ёки «ўзим» деб фикр юритади. Шарқона тарбияда ўзининг гапини, фикрини ўтказишга интилиш ёки манманлик ҳамма вақт ҳам қўллаб-қувватланмайди. Кўпинча, катталар ўз фикрларини ўтказишга интиладилар, шунга қарамай мустақил фикри бор одам одатда «фикрли одам» дейилади.

Мустақиллик шароитида тўғри маънодаги мустақил фикрлаш ҳар бир ёшнинг қобилияти, оламга фаол муносабатини, малакасини таркиб топтиришда муҳим маънавий омил эканлиги таъкидланади. Президентимиз «Тафаккур» журнали муҳаррири билан қилган суҳбатида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадрқимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламыз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур инсон бўлиб яшайди» (И. А. Каримов. Жамиятимиз

мафкуриси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. 21—22-бетлар).

Фикр тафаккурни келтириб чиқаради ва у ўйлаш, муҳокама юритиш маъноларини билдиради. Мутафаккир сўзининг ўзаги ҳам «фикр»дир. Лекин ҳар қандай фикрлайдиган кишини мутафаккир деб бўлмайди. Бундай фазилатга эга бўлган киши «ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикри-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади» (И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 6-бет).

Баркамол инсон тушунчасига кирадиган муҳим талаблар шарқ тафаккурида алоҳида тизимни ташкил қилади. Улар шахснинг босиқлиги, вазминлиги, бағри кенглиги, камтарлиги, одамохунлиги, умуминсонийлик руҳининг кучлилиги, серфарзандлиги, кекса ва ёшларга меҳр-шафқатлилиги кабилар билан характерланади. Булар сирасига кишининг бошқа эътиқоддаги ёки диндаги инсонларга нисбатан сабр-тоқатлилиги, хурмати, табиатни севиш, бутун жонли табиатга муҳаббат билан қараш каби фазилатларни ҳам киритиш мумкин. Республикамизда истиқлол туфайли шаклланаётган ва тобора кишилар эътиқодига айланаётган мустақиллик тафаккури мазмунини ташкил этадиган бундай тушунчалар тобора ҳаётимизда кенг ўрин эгалламоқда.

Комил инсонни таркиб топтириш тушунчаси янги инсонни тарбиялаш билан узвий боғланган ва унинг асосий талабларидан келиб чиқади. Бунда ёшларимизда миллий ифтихор туйғусини таркиб топтириш ва чуқурлаштириш аҳамияти фавқулодда катта аҳамият касб этади. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллатининг бой тарихи, маданияти ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғурурланиш ҳиссиётидир. Бу ҳақда кейинги мавзуларни ёритишда батафсил тўхтаб ўтаемиз.

Президентимиз И. А. Каримов асарларида комил инсон тушунчаси ва уни тарбиялашнинг йўл-йўриқлари, моҳияти, тамойиллари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Унинг халқнинг ўтмиши ва келажаги, шон-шухрати ҳақидаги ҳар бир фикрида комил инсон ғояси, уни вояга етказишга қаратилган мулоҳазалари чуқур маъно топади. Комил инсон тарбияси мустақилликка эришган мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилинган.

Демак, Президентимизнинг сўзлари билан айтганда **«Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».** (И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. 6-бет).

## 2. ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК — ШАХС МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ МЕЗОНИ

Ҳозирги давр мустақил давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши моддий омиллар билан бирга маънавий омилларнинг роли ортиб бораётганлиги, илмий-техникавий тараққиётнинг тезлашуви билан характерланади.

Мустақил давлатнинг вужудга келиши, халқларнинг миллий истиқлолга эришуви халқнинг миллий-ватанпарварлик ҳиссиётини, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини янада жўш урдириб юборди. Мустақил давлатларда, хусусан, Ўзбекистонда фуқароларнинг сифат жиҳатдан янги ватанпарварлиги қарор топди. Бу — ватанпарварлик билан инсонпарварликнинг омухта бўлиб кетганлиги билан характерланади.

Ўзини билмаган, буюк давлатчилик руҳи билан суғорилган айрим кимсалар жамият ҳаётидаги бу жараёнларни миллатчилик галабаси деб талқин қилишга уринмоқдалар. Президентимиз И. А. Каримов бу хусусда шундай деди: «Ўтган мустақил ривожланиш йиллари давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда, деб айтиш учун асос бўла олади. Бу таҳдид буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шиорларда, билдирилаётган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда аниқ намоён бўлмоқда» (И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 51-бет).

Буюк давлатчилик шовинизми нима? Унинг ҳозирги кўри-нишлари нималардан иборат? «Тарихий тажрибага асосланиб, бу ҳодисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан бўладиган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтақавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин» (Ўша асар, 52-бет). Буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Унинг ифодачилари ҳарбий империялардир (Ўша асар, 53-бет).

Ватанпарварлик ва миллатчилик ҳақидаги назария ва манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, унинг мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрамиз.

Бу муаммони ҳатто буюк мутафаккирлар ҳам ҳал қилолмаганлар. Масалан, немис файласуфлари Фихте ва Гегель ҳам ватанпарварликнинг жозиба кучини, ҳаётийлигини унчалик англаб етмаганлар. Шунга қарамасдан, улар ватанпарварлик мамлакатни бирлаштиради, деб ҳисоблаганлар. Фихте «Ватанпарварлик ва унинг акси» деган мақоласида ватанпарварликни фан тараққиёти билан боғлаган, фан билан омухта бўлган ва-

танпарварлик ўша даврдаги тарқоқ Германияни бирлаштиришга ёрдам беради, деган эди. Шу билан бирга у фақат немисларгина ватанни севишга қобилиятли деб, миллатчиликка йўл қўяди. Демак, Фихте ватанпарварлик билан миллатчиликни бир-биридан фарқ қила олмаган.

Гегель ҳам ватанпарварлик моҳиятини тўла тушуниб етмади. Шунга қарамай, бу соҳада унинг хизмати катта эканлигини таъкидлаш керак. Гегель ватанпарварлик — шахснинг Ватани бўлиши кераклиги тўғрисида ирода-хоҳиши деб таъриф беради. Айни вақтда, Гегель ватанпарварликни озодликни бўғувчи мутлақ давлатни тан олиш билан боғлаб тушунтиради.

Ватанпарварлик — фуқароларнинг Ватан олдидаги бурчларини англашнинг табиий ҳолати. Миллатчилик — воқеликнинг меъёр доирасига тўғри келмайдиган, алоҳида ғайритабиий ҳолати, ўз миллатига оид қадриятларга нотанқидий, номуносиб муносабатдир, бошқа миллат қадриятларини инкор этишдир.

Ватанпарварлик табиатининг илмий талқини унга умумдемократик ва умуминсоний қадриятлар сифатида қарашдан иборат. Ҳар бир чин маънодаги ватанпарварлик умуминсоний мазмунга эга: Ота юртига муҳаббат, ерни эъозлаш, она тилини ҳурматлаш, миллатнинг илғор маданий анъаналарини эҳтиёт қилиб, кўз қорачиғидек сақлашга интилиш ва ҳоказо. Бу нарса ватанпарварликнинг миллий-этник жиҳатини ташкил этади. Бундай ҳурмат ва эъоз турли ижтимоий гуруҳларда турлича намоён бўлсада, уларда қандайдир муштараклик мавжуд. Барча миллий-этник жиҳатлар умумдемократик мазмунга эга. Фуқароларнинг ватанпарварлик ҳиссиёти ва орзу-истаклари демократия билан боғланган. Уларни ҳимоя қилиш чин маънодаги ватанпарварликнинг ифодасидир. Шу маънода, ватанпарварлик миллий негизда турли социал гуруҳларни бирлаштириш хусусиятига эга.

Ватанпарварлик тушунчаси давр ўтиши билан шаклан ва мазмунан ўзгариб борган: майда буржуазия ва пролетар ватанпарварлиги тарихан мавжуд бўлганлиги сир эмас. Пролетар ватанпарварлиги умумхалқ ватанпарварлиги сифатида бирёқлама талқин қилиб келинган. Ватанпарварликнинг миллий-озодлик давридаги, ўтишлар давридаги шакллари ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши тамомила янги ҳодиса — истиқлол ватанпарварлиги онгини келтириб чиқаради. Миллий онгнинг уйғониши, мамлакат бойликлари ўз эгасини топиши, янги мулкдор синфларнинг вужудга келиши билан «шу ватан меники», «ер ва сувлар меники», «чексиз сарҳадлар меники», «чорва моллари», «ўтлоқлар меники» деган хўжайинлик ҳиссиёти шакллана бошлади.



Кишиларга муносиб турмушнинг яратилиши, жамиятнинг ижтимоий муҳофазага дахлдор қисмини — ногиронлар, болалар, фахрийлар, уруш қатнашчилари, ветеранлар, талабаларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши кишиларда мисли кўрилмаган фаоллик, ватан равнақи, ҳимояси учун жон фидо қилишга тайёр бўлган улуғ бир кўтаринкилик, истиқлолга, юртга, юртбошига нисбатан чуқур меҳру оқибатни вужудга келтирдик, бу ватанпарварликнинг янги шакли, истиқлол ватанпарварлигидир.

Ватанпарварлик замида она-Ватан ётиши ҳаммага маълум. Ватан атамаси арабчадан олинган бўлиб, она юрт маъносини билдиради. Одам туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ, шаҳар ўзига хос ватандир. Бирор-бир халқ азалдан яшаб келаётган ҳудуд ҳам Ватандир. Уларнинг бири иккинчисини тўлдиради. Бошпана ҳам Ватан маъносида ишлатилади.

Ватан тушунчаси тарих давомида доимо ўзгариб, ривожланиб борган. Масалан, ибтидоий жамоа тузумида Ватан муайян қабила яшаган жой, қабиланинг макони ҳисобланган. Сўнг элат пайдо бўлди. Элат қондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқи бўлиб, элатдошлар Ватани ўша элат яшаган ҳудуд ҳисобланган. Аста-секин халқ ва миллат пайдо бўлди. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида энг ривож топган ижтимоий гуруҳларнинг жуда ривож топган бирлиги миллатдир.

Ватан бир ёки бир неча миллатлар ўзаро биргаликда яшаётган ҳудуддан ташкил топади. Ватан тушунчасига ер, тупроқ, ўрмон, тоғу тош, сувлар, дарёлар, денгиз ва океанлар киради. Шу билан бирга у ҳудуддаги барча бойликларни ҳам ўз ичига олади. Бойликлар деганда маънавий мерос ҳам тушунилади.

Инсон кучи ва меҳнатини, тажрибасини она заминга, ерга, она-Ватанга бахшида этади. Тирикчилик учун зарур ноз-неъматларни етиштиради. Ватанпарварлик айни вақтда одамга масъулият юклайди, уни ижод ва бунёдкорликка, шижоат ва ғайратга рағбатлантиради. Ўз ватанини севиш у билан фахрланиш, унинг бахт-саодат йўлида, ниятида актив фаолият кўрсатиш демакдир. Инсон ўз Ватанини севмаса, унга садоқат билан фарзандлик бурчини адо этмаса, у ҳақиқий инсон бўлиши мумкин эмас. Ватанпарварлик инсоннинг энг улуғ, энг олижаноб ва энг муҳим фазилати, одамийликнинг том маънодаги ифодасидир. Биз ўз юрт-ватанимизни қандай севсак, она тилимизни, миллий маданиятимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимизни ҳам шундай севамиз, ҳурмат қиламиз.

Аждодларимизнинг жаҳонни лол қолдирган ишлари ва қаҳрамонликлари билан фахрланамиз, уларнинг меҳнати билан бунёд этилган қадимги ёдгорликларни кўз қорачиғидек эҳтиёт қилиб

сақлаймиз. Уларни янги мазмун билан бойитамиз. Бинобарин, И. А. Каримов таъкидлаганидек, «ўзликни англаш тарихни би-лишдан бошланади».

Ўз халқининг ўтмиши билан бир қаторда ўзга халқлар ўтми-шини ҳурмат қилиш, қадрлаш ҳам ватанпарварлик ифодаси ҳисобланади. Аждодлар яратган ва бизга қолдирган бойлик-ларни авайлаб, асраб келгуси авлодга узатиш ҳам ватанпарвар-ликдир. Ота-боболар меҳнатини қадрлаш, ундан фахрланиш ҳиссини ёш авлодга сингдириб бориш бугунги авлоднинг му-қаддас бурчидир.

Она-Ватан одамларга ҳар доим куч-қудрат ато этган. Ҳар бир халқнинг чинакам фарзандлари Ватан учун жон фидо қилишни ўзлари учун катта шараф деб билганлар. Маълум са-бабларга кўра, Ватанидан узоққа бориб қолган кишилар бир умр она ерини қўмсаб ўтганлар. Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда шоҳ бўлишига қарамай, бутун умри давомида она юртини со-ғиниб яшаган, Андижоннинг табиати, одамлари, боғу-роғлари, узум-анжирлари, тилни ёрар қовунлари бир умр унга армон бўлиб қолганлиги маълум.

Ўзбек халқининг чинакам ватанпарварлиги она юртини чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилишда ёрқин намоён бўлган, бунга халқимиз тарихи жонли гувоҳ.

Истиқлол туфайли ватанпарварликнинг янги қирралари очилмоқда, Ватан Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларга тегишли эканлиги, улар билан биргаликда дўст-иноқ бўлиб яшашда, ўзаро ҳамкорлик ва ижодда кўринмоқда. Маса-лан, Тошкентдаги самолётсозлик заводида турли миллат вакил-лари ишлайди. Асакадаги ЎЗДЭУ энгил автомобиль заводи ҳам корейслар билан ҳамкорликда бунёд этилди. Ҳамкорлик ва дўстликни бундай қадрлаш ҳам ватанпарварлик руҳи билан суғорилган.

Ўзбекистонда вужудга келаётган қўшма корхоналар билан фахр-ланиш керак. 1992 йилда олтин қазиб олиш бўйича «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил этил-ди. Қиммати 220 миллион АҚШ долларига тенг бўлган завод қурилиши 1993 йил октябрида бошланиб, 1995 йилнинг май ойида тугатилди. 1995 йил қўшма корхона олтинининг биринчи турку-ми ишлаб чиқарилди. 1994 йилда «Омонтов Голдфилдс» Ўзбе-кистон-Британия қўшма корхонаси ташкил этилди.

Ҳақиқий ватанпарвар инсон атрофда юз бераётган воқеа-ларга лоқайд қарамайди, камчиликлар ва нуқсонларга чидаб тура олмайди. Халқ учун, Ватан учун доимий қайғуриш, таш-вишланиш, ўзининг фидокорона меҳнати билан ўрناق кўрса-

тиш, намуна бўлиш, ҳамма соҳада фаол бўлиш одамнинг ўзига ҳам катта наф келтиради.

Истиқлол билан туғилган ватанпарварлик бугунги кунда Ўзбекистондаги барча халқларнинг, барча фуқароларнинг ватанпарварлиги бўлиб қолаётир. Бу ватанпарварлик аجدодлар қолдирган маданият анъаналарига садоқат руҳи билан суғорилган. Юксак ғоявийлик, халқимизга хос фидоийлик, мустақиллик қадрига етиш ҳозирги ватанпарварликнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Истиқлолнинг мақсади ҳар бир фуқарога муносиб шароит, эркинлик, тенглик, биродарлик муҳитини яратиб беришдан иборат. Биз учун истиқлол давлатимизни мустақкамлаш, буюк келажагимиз пойдеворини қуриш, миллий онгимизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамятида муносиб ўрнимизни эгаллашга қаратилган. «Шу мақсадларга эришиш учун, — дейди И. А. Каримов, — юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртимиз деб билиши, ўз тақдирини Ватан тақдири билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор».

Ватанпарварликнинг анъанавий жиҳатларидан бири мамлакат мудофаасини мустақкамлашдир.

Ҳарбий қурилиш соҳасидаги мақсад профессионал армияни, ўз таркибида яхши тайёрланган ва таълим олган, ўз халқига, она заминга садоқатли бўлган, ўз Ватанининг шаъни ва қадр-қимматини охиригача ҳимоя қила оладиган жангчиларга эга бўлган армияни босқичма-босқич вужудга келтиришдан иборатдир.

Ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ватан ҳимоячилари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар, суҳбатлар, кинофильмлар намойиш этиш катта наф келтиради. Бу ишда хотира учун қўйилган мемориал ёдгорликларнинг ҳам роли катта. Президентимизнинг таклифи билан 1999 йилдан бошлаб, 9 май Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди. Тошкентда урушда иштирок этганлар хотирасини эслатувчи вилоят, шаҳарлар ҳамда жангчиларнинг исми-шарифи акс эттирилган тарихий ёдгорлик ансамблини яратиш ҳақида фикрлар билдирилди. Фахрийларимиз бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон ватанпарварлигининг ҳал қилувчи белгиси халқлар дўстлиги, байналмилалчилик билан мустақкам боғлиқлигидир. Миллатчилик ва диний экстремистик фикрловчи одамлар ватанпарварликни бир ёқлама тушунадилар. Айниқса, ақидапарастлар барқарорликни, миллий-фуқаролараро тотувликни бузишга интиладилар.

Шундай қилиб, халқимизнинг туб манфаатларига, миллий ғоянинг ҳаётий кучга айланиши учун кураш айна ватанпарвар-

лик намунасидир, чунки «ватаннинг равнақига хизмат қилмайдиган гоё ҳеч қачон миллий гоё бўла олмайди, у Ватан равнақини белгилаб берадиган тамойилларни ўзида акс эттирсагина куч-қудрат манбаига айланади» (Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. 52-бет).

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастурида ХХI асрга таъриф берилиб, инсонпарварлик тантанаси асри, миллий, ирқий, диний ва бошқа муносабатларда инсонпарварликни намоён этадиган янги даврнинг бошланиш асри деб таъкидланган. Таълим-тарбия тизимини инсонпарварлик йўналишида ўзгартириш ва ривожлантириш ҳақида гап боради.

Хўш, инсонпарварлик нима? Инсонпарварлик (юнонча — гуманизм) кенг маънода шахснинг қадр-қиммати, эрки, камолотини ифодалайди.

Ўзбекистонда мустақиллик ўрнатилиши муносабати билан инсонпарварлик янги мазмунга эга бўлди.

Инсонпарварлик Ўзбекистон истиқлоли шароитида реал ижтимоий муносабатлар заминига қўйилди. Истиқлолнинг мақсади инсоннинг иззат-ҳурматини жой-жойига қўйишдан, ундан бегоналашган моҳиятни инсонга қайтаришдан иборат.

Инсонпарварликни одатда, инсонийлик билан тенглаштирадилар. Бу етарли эмас. Инсонпарварлик фуқароларнинг туб манфаатлари билан боғлиқ. У инсон ҳақидаги фалсафий, диний, сиёсий, гоёвий, эстетик, демократик, экологик қарашлар ҳамда жамиятда ўрин олган реал муносабатдир. Инсонпарварлик шунчаки шиор эмас. У инсон манфаатлари ва мақсадлари билан боғлиқ. У инсоннинг қадр-қиммати, одоби, ахлоқи, билими, касби-кори, жамиятдаги ўрни демакдир.

Истиқлолнинг ҳар бир қадамида ўтказилаётган ислоҳотлар инсон учун, инсон манфаати учун хизмат қилади. Ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслагидан қатъий назар, шахс сифатида ўзини намоён этиши, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий бойроқ қилиш имкониятига эга бўладиган зарур шароитларни яратишдан иборат. Бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан борилди. Бу эса буюк инсонийлик намунаси эди.

Инсонийлик ва ватанпарварлик тушунчалари бир-бирини тўлдиради. Ватанпарварлик жаҳондаги барча халқларнинг вакилларига тегишли умуминсоний қадриятдир. Ватанни севмаган одам инсоний фазилатлардан йироқ бўлади. Инсоний фазилатлардан, ота-онага, Ватанга, эл-юртга хизмат қилишдан қочадиган одамда инсонийлик бўлмайди.

Шундай қилиб, кишилар маънавияти такомилида ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларининг ривожланиши мустақил Ўзбекистон келажакининг муҳим кафолати бўлиб қолиши муқаррар.

Мазкур мавзуни Президентимиз И. А. Каримовнинг куйидаги сўзлари билан яқунласак: «Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-боболаримиз ҳоқи ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради» (И. А. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 91-бет).

### **3. МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА МИЛЛАТГА САДОҚАТ — ЮКСАК МАЪНАВИЙ БУРЧ**

Миллий ўз-ўзини англаш нима? Миллий ғурур-чи? Миллатга садоқатлик нима?

Миллий ўз-ўзини англаш бевосита миллат тушунчаси билан боғлиқ. Миллат нима? Миллат деб, муайян ҳудудий бирлиги, тил бирлиги, маданиятда кўринадиган руҳият бирлиги, умумиқтисодий турмуш уйғунлиги ва муштараклигига эга бўлган кишиларнинг тарихан ташкил топган бирлигига айтилади. Бу белгилар бирданига ташкил топган эмас. Дастлаб уларнинг бир ва бир неча шакллари келиб чиқади ва ривожланади. Қабилавий бирлик келиб чиққан вақтда ҳудудий, тил, руҳий ва онгий бирликлар шаклланган бўлади.

Элат ва халқ каби бирликларда бу белгилар янада ривож топади. Миллатнинг келиб чиқиши ва ривожланишида иқтисодий ҳаёт бирлиги катта роль ўйнайди.

Миллатнинг яна бир ажралмас хусусияти унинг давлат билан ўзаро боғлиқлигидадир. Давлат миллатга нисбатан анча аввал келиб чиққан. Дастлабки давлатлар қулдорлик муносабатлари даврида пайдо бўлган. Миллат ижтимоий тараққиётнинг кейинги даврига мансуб бўлган бирликдир. Миллат давлат ташкилоти билан мустаҳкам боғланган. Давлат қудратли бўлса, миллат ҳам қудратли бўлган.

Миллат ва давлат ривожиди тарихий шахсларнинг роли катта. Жаҳон тарихи Александр Македонский, Амир Темур, Заҳририддин Бобур каби ажойиб саркардаларни яхши билади. Миллат ўз йўлбошчисига эга бўлса, шу миллат тақдири кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлган. Шахснинг тарихдаги роли масаласида турли-туман қарашлар мавжуд бўлса-да, тарихий шахслар мил-

лат ва халқ ҳаётида етакчи ролни ўйнаб келганлар. Миллат тақдирида йўлбошчининг роли ва ўрни катта. XIV асрда Амир Темурнинг саркардалик ва давлат раҳбари сифатидаги донолиги туфайли темурийлар давлати барпо бўлди.

Миллат ҳаётида тилнинг роли катта. Туркий тил энг қадимги тиллардан бири. У миллат ва давлат келиб чиққунга қадар ҳам мавжуд бўлган. Давлат ва миллат пайдо бўлгач, тил янада равнақ топган.

Истиқлол туфайли ўзбек тили давлат тилига айланди. Шу билан бирга, бошқа миллат ва элат тиллари, уларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Ҳозир мамлакатимизда юздан зиёд миллатлар ва элатлар истиқомат қилади. Шу жиҳатдан миллий ўз-ўзини англаш масаласини фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир миллатнинг онги ва психологияси унинг маънавий қиёфасини ташкил этади. Шу маънода миллат маънавият бирлигидир. Маънавий қиёфа маънавий жиҳатдан жамиятнинг моддий, ижтимоий-тарихий шароити таъсирида шаклланади ва ижтимоий онг ифодаси сифатида намоён бўлади. Маънавий қиёфа, ижтимоий онг шакллари ўзгариб туради. Бу ўзгариш ижобий ёки салбий тусда бўлиши мумкин. Ижтимоий онгнинг ўзгариши миллатнинг миллий ўз-ўзини англаш жараёнига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Миллий онг ва унинг шаклланиши, энг аввало, миллий уйғониш негизда рўй бериши мумкин. Миллий ўз-ўзини англаш нима? Миллий ўз-ўзини англаш кишиларнинг муайян миллатга мансублиги, миллий тарихи, маданияти ва мероси, урф-одатлари, миллий моҳияти, руҳияти, иқтисодиётини билиш демакдир. Миллий ўз-ўзини англаш илмий-сиёсий тус олса ва ижтимоий ҳаракат учун қўлланма даражасига кўтарилса, у миллий мафкурага айланади. Миллий мафкура миллий сиёсатнинг етакчи омили бўлиб хизмат қилади.

Миллий уйғониш мафкураси миллатнинг яшаш ҳуқуқи, ажодларнинг урф-одатлари, миллий мансублик, фуқаролик ҳуқуқи, анъаналарини эъозлаш ҳуқуқи, тарихий миллий ёзувни тиклаш, ўз тилини давлат тилига айлантириш, ўз миллатини ва жаҳон маданияти ютуқларини эгаллаш ҳуқуқи, миллий иқтисодий мустақилликка эришиш ҳуқуқи каби муҳим ҳаётий масалалар мажмуасидан иборат.

Миллий онглилик миллатнинг туб манфаатлари моҳиятидан иборат. Уни тушунмаслик ва инкор этиш миллатчиликни келтириб чиқаради. Миллатчилик ўзга миллатларга ва ўз миллатига мунофиқлик ва худбинлик билан қарашдир. Миллатчи-

лик деб ўз миллатининг манфаатларини мутлақлаштириш, ўзга миллатларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаслик, уларнинг қадриятларини ерга уриш, камситиш ва адолатсизликка йўл қўйиш ҳолатига айтилади. Миллатчилик бирор-бир миллатнинг манфаатини ҳимоя этиб, бошқа миллатларнинг эҳтиёжларини писанд қилмасдан, ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйишга қаратилган ҳаракатдир.

Миллатчилик миллий туйғудан фарқ қилади. Бу масалаларда бир қатор тушунчаларни бир-биридан фарқ қилиш керак. Масалан, миллий туйғу, миллий ифтихор, миллий характер, миллий руҳият (психология), миллий маҳдудлик, миллий худбинлик, миллий ўзликни англаш ва ҳ.к.

Миллий туйғу — ўз миллатининг миллий руҳи ва характери, миллий ҳис-туйғулари, психикаси (руҳияти), темпераменти (мижози) ва феъл-атворлари каби маънавий ҳодисаларнинг инсон ҳаётий фаолиятида намоён бўлишидир.

Миллий ғурур ифтихор, фахр сўзларига яқин туради, бироқ улар бир-биридан фарқ қилади.

Миллий ғурур миллатнинг ўз қавми ютуқларидан мамнуният ҳиссидир. Ўз миллий давлати, ўз Конституцияси, Давлат мадҳияси, Давлат герби, байроғи учун ич-ичидан севиниши, кўнглининг тўлиши, мамнун бўлишидир. Бу миллатнинг қадр-қимматини билиш демақдир. Ўта ғурурланиш ёки ўз миллатини ўта камситиш ҳам яхшиликка олиб келмайди. Ўзига ортиқча баҳо қўйиш, гердайиш, кеккайиш сингари қусурлар миллатга зиён келтиради, холос. Ҳадисларда айтилишича, Оллоҳ энг ёмон кўрган нарсалардан бири такаббурликдир. Ҳаттоки масжидга гердайиб кирган одамнинг намози қабул бўлмас экан (қаралсин: Ватан туйғуси, 29-бет).

Миллий ифтихор — миллат ўзининг яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис этишидир. Миллий ифтихор миллат вакилларининг қалбидаги бирлик, қон-қардошлик, тил, маданият, маънавият, иқтисодиёт ва истиқбол учун қониқиш ҳиссиёти, кучли руҳий ҳолатдир.

«Ватан туйғуси» китоби муаллифлари ёзганларидек, миллий бирдамлик туйғуси миллий онгнинг асосини ташкил қилади. Миллий бирдамлик етук ва мукаммал маънавий фазилат сифатида, миллий онги ривожланган мамлакатлардаги миллатларда тўлароқ намоён бўлади. Маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик миллий бардамлик ҳиссиётининг кучсизланишига олиб келади. Президентимиз таъкидлайдики, «умумий ишимизга халақит берадиган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ҳолатларига фаол чек қўйиш лозимлигини» англаб етиш зарур (*И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 103-бет*).

Миллий маънавий баркамолликнинг ранг-баранг қирралари, бой маънавий мерос ва бугунги қадриятлар миллий ифтихор тушунчасида мужассам бўлади. Миллий характер, миллий туйғу, миллий руҳият, миллий психология бир тартибдаги, бир маъноли тушунчалар ҳисобланади. Бироқ улар маълум даражада бир-биридан фарқ қилади. Миллий характер — миллат қатъияти, азму қарори бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради.

Миллий туйғу тез ўзгарувчан маънавий ҳодисалар туркумига киради.

Миллий онгда миллий туйғу, миллий психология, мафкура ва турли ижтимоий ҳодисаларга берилган баҳолар мужассамлашади.

Миллий туйғулар миллатнинг туб манфаатларини тўла ифодаламайди. Миллий онгда, мафкурада миллатнинг туб манфаатлари акс этади. Миллий туйғуга асир бўлиб қолиш хатоликларга олиб келиши ҳам мумкин, лекин уни эътибордан четда қолдириб ҳам бўлмайди. Миллий туйғуларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ахлоқий омилларга суяниб, умуминсоний манфаатлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

**Миллий қадр-қиммат** — ўзаро ҳурмат бўлиб, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда, халқаро муносабатларда кўринади. Ҳатто сўзда ҳам миллатнинг қадр-қимматини камситиб бўлмайди. Миллий қадр-қиммат миллатнинг мавжудлиги, моддий ва маънавий бойликлари, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, унинг шаъни, ор-номуси, ҳамжиҳатлигидир.

**Миллий маҳдудлик** — миллатнинг ўз қобигида қолиши ва соф миллий анъаналардан бошқа ҳар қандай ақидани инкор қилишига асосланади, миллатлараро ўзаро ёрдам ва ҳамкорликка ишонмайди.

**Миллий худбинлик** — маҳдудликдан ҳам ёмон, ўзга миллатларни камситишга қаратилган, ўз миллатини алоҳида мумтоз устунликларга эга деб билишдир.

Ўзбекистон истиқлолининг энг катта ютуқларидан бири турли миллат ва элатлар орасида ўзаро ҳамфикрлик ва тотувликнинг таъмин этилиши бўлди. Барча фуқароларда ягона оила — Ўзбекистон тақдири учун масъулият ҳисси ошди. Уларнинг тили, маданияти ва анъаналарининг ривожланиши қонун билан кафолатланди.

Шундай қилиб, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ифтихор Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларни юксак даражада олиб бориш соҳасида улкан маънавий омил ролини ўтайди. Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI бўсағасида» асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатганидек, «ўзбек халқи



руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир. Ўзбекистонда яшаётган халқлар, ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга, хулқ-атвор фалсафасига эга бўлмоқдалар. Бу эса мустақиллик йиллари мобайнида миллатлараро тотувлик манбаи бўлиб келган ягона маънавий-руҳий негизни вужудга келтирди» (Ўша асар, 143-бет).

Ўзбекистон мустақиллигининг энг катта ютуқларидан бири шуки, кўп миллатли мамлакатда миллатлараро тотувлик тўла таъмин этилди. Барча фуқароларда ягона оила, бутун мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ошди. Энди одамлар қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, Ўзбекистон фуқароси эканлиги билан фахрланади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, тили ва маданиятини ривожлантириш қонуний кафолатланганлиги истиқлолнинг катта ютуғи бўлди. Мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистон истиқболи, мустақиллик учун масъуллик бурчини англашга имкон бермоқда.

Қонун устуворлигига асосланган демократик жамиятнинг ривожланишидан манфаатдор бўлган турли миллат вакиллари, Ўзбекистон фуқаролари, мустақилликнинг қадрига етиб, уни мустаҳкамлаш зарурлигини чуқур англамоқдалар. Уларнинг яратувчанлик фаолияти барча жабҳаларда кенг намоён бўлмоқда. Масалан, давлатни бошқариш ишларида ҳам уларнинг ташаббускорлиги кўзга яққол ташланмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат наслдан наслга ўтадиган ҳокими мутлақ иродаси билан эмас, балки фуқароларнинг вакиллари, халқ ноиблари, ишбилармонлар, халқ ичидан чиққан раҳбарлар томонидан бошқарилмоқда. Ўз-ўзини бошқариш жамият ҳаётининг барча соҳаларида: моддий бойликлар ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат етиштириш мустақиллигини қўлга киритиш, галла мустақиллигига эришиш, ёнилғи фондларини яратиш каби соҳаларда намоён бўлаётир.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган ҳар бир миллий маданиятдаги ютуқлар, ижобий томонларни қунт билан ўрганиш, улардан фойдаланиш миллий маданиятларни ўзаро бойитиш, ватан тақдири учун биргаликда қайғуриш, кишиларда умумий мақсад учун курашга тайёр бўлиш ҳиссини тарбиялайди.

Ҳозир Республикада 80 дан ортиқ миллий маданият марказлари ишлаб турибди. Улар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий-маданий, маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараёнида ижобий роль ўйнамоқда. Халқнинг бирлиги, жипслиги ва осойишталиги ҳақида гапирар эканмиз, бу бизнинг бебаҳо бойлигимиз, дейди Президентимиз.

#### 4. ИЙМОН, МЕХР-ШАФҚАТ, ПОКЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК — ШАХСНИНГ ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРИ

Маънавиятимизга бевосита дахлдор бўлган иймон ва эътиқод, диёнат, ишонч каби тушунчалар кундалик турмушимизда кўплаб учраб туради. Истиқлол туфайли бу тушунчалар янада чуқурроқ маъно касб этиб, кенг халқ оммасининг маънавий дунёсини акс эттиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

«Иймон» сўзи маъмурий-буйруқбозлик ва мафкуравий зўравонлик шароитида фақат диний тушунча сифатида ишлатилиб келинганлиги маълум. Очиғини айтганда, оммавий атеизм қарор топди деб юритилган ўша даврларда кишиларни иймонсизлик дардига мубтало қилишга алоҳида эътибор берилган эди. Натижада, иймоннинг диний мазмуни ҳам, дунёвий маъноси ҳам унутилди.

«Иймон» арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси «ишонч» демакдир. Иймон инсоннинг бирор нарса-ҳодисага қаттиқ ишончи, деган маънони билдиради.

Иймон одамнинг инсонийлиги, юксак эътиқоди. Одамларни ана шу фазилатларни гавдалантиришларига қараб иймонли ва иймонсизга ажратиш мумкин. Иймонли одам эътиқодли, ўзининг аниқ маслагига эга бўлган, ҳамиятлилик, ориятлилик, шарм-ҳаёлилик, виждонлилик, андишалилик, инсофлилик сингари фазилатлар соҳибидир. Иймонсиз одам энг хавfli шахсдир. У биологик жонзот, мавжудот холос, унда ижтимоий фазилатлар, ахлоқий тамойиллар етарли бўлмайди. Иймонсиз одам ўз манфаати йўлида Оллоҳдан ҳам, эл-юрти, ота-онасидан ҳам қўрқмайди. Бир сўз билан айтганда, иймони йўқ одамда на ахлоқ, на одоб гавдаланади. Минг афсуски, ҳаётимизда иймонсиз одамлар учраб туради.

Юқорида қайд этганимиздек, «иймон»нинг диний ҳамда дунёвий мазмуни бор. Куйида шу ҳақда фикр юритамиз.

Ислом динида иймон ҳақида гап борганда, унинг куйидаги шартлари тилга олинади: Биринчидан, Оллоҳга, охиратга, фаришталар, муқаддас китоблар (Қуръони Карим) илоҳийлигига, пайгамбарнинг ҳақлигига ишониш; иккинчидан, саҳий ва мурувватли бўлиш; учинчидан, намозни тўла ўқиш; тўртинчидан, закот бериш; бешинчидан, аҳду-паймонга, сўзига содиқ қолиш; олтинчидан, сабр-тоқатли бўлиш, бардошли бўлиш. Ана шундай талаб ва шартларни адо этган кишини иймонли деб аташади (қаралсин: *И. А. Каримов*. Иймон ва инсон. — Тошкент, 1991 йил, 38-бет).

Олимларнинг ёзишларича, иймон уч нарсанинг бир бутунлигидан ҳосил бўлади. Булар: **эътиқод**, **иқро**р ва **амал**. Эътиқод — ич-ичидан чуқур ишониш; иқрор — сўзда буни тан олиш;

амал — яхши ишлар билан олдинги икки ҳолатни исботлаш демакдир. Ислом динида иймон тушунчаси амалиёт билан бевосита боғлаб тушунтирилади. Бинобарин, ҳадисларда «иймон билан амал бир-бирига жуда яқиндир, улар бири-бирисиз дуруст эмас» — деб ёзилган.

Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, иймонни фақат диний маънода тушуниш билан чегараланиб қолмаслик лозим. Одам фақатгина дин ёрдамида иймонли, инсофли, диёнатли бўлади деб айтиш масаланинг бир томони, холос. Тарихдан маълумки, динлар ҳукмрон мафкура бўлган чоғларда ҳам иймонсиз, инсофсиз, диёнатсиз одамлар бўлган. «Савоб ишлар» соясида жуда катта хунрезликлар, ноинсоний муносабатлар содир бўлган, ҳозирги пайтда Афғонистондаги рўй бераётган ҳодисалар ҳам шундан гувоҳлик беради. Шундай экан, иймоннинг дунёвий мазмуни ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидламоқ зарурдир. Иймоннинг дунёвий-илмий маъноси юксак инсоний ахлоқий қоидаларни ўз ичига олади: Ватанни севиш, бир сўз билан айтганда, инсонийлик қоидаларини ифода этиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, иймон нафақат якка-ёлғиз инсонга, балки бутун бир жамият, миллатга хос бўлган жиҳатларни ҳам ифода этади. Иймон индивид онгига хос бўлиб қолмасдан, у давр руҳи, ижтимоий онг ва ижтимоий психология шаклида ҳам мавжуд бўлади, якка одамнинг онги ва фаолияти шуларнинг бевосита таъсирида шаклланади.

Бу ўринда иймон ва эътиқод тушунчаларининг ўзаро алоқадорлигини таъкидлаб ўтиш керак. Иймонни эътиқод ва ишонч тушунчалари билан бир хилда қўллаш одат тусига кирган. Ҳолбуки, улар ўртасида муайян тафовутлар мавжуд.

Иймон эътиқоднинг олий шаклидир. Бошқача айтганда, эътиқод фақат шахс томонидан уни ихтиёрий, эркин танлаб олиб қабул қилингандагина чинакам иймон даражасига кўтарилади. Инсон кўп нарсага эътиқод қилиши мумкин: яхшиликка, ҳалолликка, тўғрилиқка, айни вақтда, ёмонлик, ҳаромхаришлик, эгри йўллар билан кун кўришга ҳам эътиқод қўйиши эҳтимолдан йироқ эмас. Иймон эса якка-ягонадир, яъни инсон фақатгина бир ғояга, таълимотга, динга, ахлоққа амал қилиб содиқ қолишидир. Тилда ёки дилда бир неча таълимотларни тан олиш, уларга амал қилиш иккиюзламачилиқдан бошқа нарса эмас (*И. А. Каримов. Ўша асар, 46-бет*).

Иймон инсонлардаги, жамиятдаги энг эзгу ниятларни амалга оширишга, адолат ва ҳаққониятнинг тантанасига ишонишдир; жамиятда одамлар орасида энг олижаноб муносабатларнинг қарор топишига, инсоннинг қадр-қиммати, ота-она, оила, Ва-

таннинг муқаддаслигига мустаҳкам ишонч ва эътиқоддир. Иймон киши онги, руҳи ва қалбига сингиб кетган, жон — «она сути билан кирган» ахлоқий тушунчалар, идеаллар, ахлоқ-одоб қоидалари йиғиндисидир. Шу маънода иймонлилик инсонийликнинг бош белгиси деб эътироф этилиши зарур. Иймон-эътиқод инсоннинг маънавий қудрати, турли ҳаёт қийинчиликларига дуч келганда ҳам ўз инсонлигини сақлаб қолишга, қийинчиларни енгишга куч бахшида этади, руҳий тушкунликдан сақлайди. Шу маънода иймон-эътиқод инсоннинг энг юксак қадриятидир (қаралсин: *Ў. Тоштемуров, Ҳ. Сапохонов, Р. Холматов, Л. Зоҳидов*. Ахлоқий қадриятлар. — Кўқон, 1993 йил, 18—19 бетлар).

Иймоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, у фидойиликни, мақсадни амалга ошириш йўлида фаолликни тақозо этади. Бинобарин, инсон ўзи ишонган нарсанинг дилда мустаҳкамланиб қолиши билан чекланмаслиги, аксинча, унинг рўёбга чиқиши учун кескин курашга бел боғлаши талаб қилинади. Иймон инсон онги ва ҳис-туйғусига ғоя эканлигининг боиси ҳам ана шунда. Шунинг учун у қудратли ва ҳаракатлантирувчи маънавий куч ҳисобланади. Бинобарин, ҳар қандай ғоя инсон иймони, унинг маслағига айлангандагина фаоллик касб этади.

Маслак муайян гуруҳ, шахс ва касб эгаларининг бир хилдаги ақидаси, ўзгармас қонун-қоидаларидир. Ўз ақидаларидан тезда ва шароит тақозоси билан воз кечадиган инсонни маслаксиз дейлади. Унинг хусусияти шундаки, у ўз аҳдида мустаҳкам тура олмайди. Шунинг учун маслағида мустаҳкам одамларни халқимиз севиб иймонли-эътиқодли деб баҳолайди. Буюк Алишер Навоий айтганидек, вафосизда ҳаё, ҳаёсизда вафо бўлмайди. Ҳар бир кишида бу икки нарса бўлмаса, ундан иймонни кутиш керак эмас.

Халқимиз тилида кенг қўлланиладиган диёнат тушунчаси ҳам иймон, эътиқод тушунчаларига маъно жиҳатидан яқин туради. Диёнат — инсоннинг ўз сўзида, қарашларида, аҳду паймонида мустаҳкам туришини англатади. Бу жиҳатдан у маслак тушунчасига жуда ҳам яқиндир. Лафзида мустаҳкам турадиган одам ҳам диёнатли бўлади. «Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари»да ёзилишича, «диёнат инсон яхши амалларининг ўзига хос мезони сифатида намоён бўлади» (Ўша асар, Тошкент, 1990 йил, 48-бет).

Шундай қилиб, иймон, эътиқод, диёнат инсон маънавий фазилатларининг муҳим қирраларидан бўлиб, ўзида комил инсонийликни ифода этади. Шундай экан, «замондошимиз бўлмиш иймонли одамни қисқача шундай тавсифлаш мумкин: эътиқодли, ўзининг аниқ маслағига эга, тақводор, ҳамиятли,

ориятли, ор-номусли, шарм-ҳаёли, виждонли, андишали, инсофли ва шу каби фазилатлар соҳиби» (Ватан туйғуси, 24-бет).

Инсоннинг маънавий қиёфасини тавсифлайдиган фазилатлардан бири — меҳр-шафқатлилик ҳисобланади.

Меҳр тушунчаси кенг маъноли бўлиб, у шахснинг ота-онага, Ватанга, фарзандларига, ижтимоий ҳодисаларга, бир сўз билан айтганда, инсонни улуғловчи барча нарса-ҳодисаларга нисбатан муҳаббати ва саҳоватининг ифодасидир.

Меҳр-шафқат кишиларнинг бир-бирига бўлган ҳурмати, муҳаббати, ўзаро ёрдами, ҳамдардлиги, меҳрибонлигини ифодалайди. Халқимизда «меҳр — кўзда» деган ажойиб ибора бор. Одамлар ўзаро муносабатларида, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнида ўзига ўхшаш минглаб инсонлар билан учрашади, кўзи-кўзига тушади, самимияти намоён бўлади, ўзаро фикр алмашади, завқини улашади, дардини ўртоқлашади. Мана шундай жараёнда эса улар ўртасида меҳр-оқибат деган бир маънавий муҳит юза келади.

Халқимизнинг меҳр-шафқати истиқлол туфайли янгича маъно касб этди, десак муболаға бўлмас. Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсати, Президентимизнинг серқирра фаолияти ўз халқига, фуқароларига меҳр-шафқат кўрсатишнинг намунасидан иборатдир. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳияти ҳам меҳр-шафқат руҳи билан суғорилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қайд этилганидек, республикамизда яшаётган ҳар бир фуқаро — миллати, эътиқоди, миллати, касби-коридан қатъий назар — ўз шахсий фазилатларини намоён эта олиш, ўз ҳаётини муносиб равишда қура олиш, маънавий жиҳатдан ривожланиш имкониятлари ва шарт-шароитларига ҳуқуқий кафолатланган тарзда эгадир. Бу ғамхўрлик, меҳр-шафқат ижтимоий ҳимояга муҳтож кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ишсизларни, даромади чекланган шахсларни, ўқувчи ёшларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу ишларни амалга оширишда нафақат давлат, балки нодавлат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, хайрия жамғармалари жонбозлик қилмоқда. Президентимиз И. А. Каримов ёздики, «эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қадрига етиш — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир» («Мулоқот», 1998 йил, 4-сон, 10-бет).

Республикамизда тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ривожланган тизими мавжуддирки, у инсонларга меҳр-шафқат кўрсатишда амалий ишларни олиб бормоқда. Республикада

1,3 мингдан ортиқ касалхона, 3 мингдан зиёд врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси ишлаб турибди. Барча соҳалар бўйича 76 мингдан ортиқ мутахассис-шифокорлар малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Бир шифокорга ўрта ҳисобда 298 киши тўғри келади. Бу жаҳонда энг юқори кўрсаткичдир (И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. 267-бет).

Ҳадисларда таъкидланишича, меҳр-шафқатли кишилар энг яхши инсонлардир. Ҳалол йўл билан тўпланган бойликларидан эҳсон қилувчи, ифбатли, «мискин ва бечораларга раҳму шафқат қиладиган одамларга кўп яхшилик бўлур».

Инсоннинг улуғ фазилатлари орасида поклик ва ҳалоллик алоҳида ўрин тутаети.

Поклик ва ҳалоллик тушунчаларини ҳам юқорида кўрганимиздек, диний ва дунёвий руҳда қараб чиқиш мумкин. Дили пок, ўзи пок инсон — камолот мезони. Поклик ҳам жисмоний, ҳам маънавий софликни, тоза, озода юришни билдиради. «Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари»да ёзилишича, пок одам доимо тоза юради, ўз баданининг поклиги ҳақида ғамхўрлик қилади. Маънавий нуқтаи назардан поклик ҳалолни ҳаромдан фарқ қилишидир. Касби-кори меҳнат қилиб тирикчилик қиладиган одам пок одам ҳисобланади.

«Ҳалол» сўзи арабча — рухсат этилган, тоза деган маънони англатади. «Ҳаром» сўзи эса тақиқланган, ифлос, нопок нарса демакдир. Ҳалол ва ҳаром тушунчалари ижтимоий мазмунга эга. Ҳалоллик жамиятнинг ахлоқий нормалар — меъёрларга онгли равишда ва ихтиёрий амал қиладиган фаолиятидир. Жамият номақбул деб ҳукм чиқарган нарсалар ҳаром бўлади.

Ҳалол ва ҳаром тушунчалари ижтимоий ривожланишнинг турли босқичларида ўзгариб борганлигини таъкидлаш лозим. Айни вақтда улар нисбий маънога эгадир. Бунинг маъноси шуки, ҳалол ва ҳаромни ҳар бир жамиятда унинг мақсад ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда турлича талқин қилганлар. Тасаввуф таълимотининг ҳукм чиқаришича, ҳукмдорларнинг бойлиги ҳалоллик тушунчасига тескари маънога эгадир.

Кўринадики, молу давлат пешона тери билан, меҳнат билан топилса ҳалолдир. Алдамчилик, фирибгарлик билан топилса ҳаромдир. Бундай ҳолда у ўғрилик, порахўрлик, ёлғончилик, таъмагирликни билдиради. Улуғ Алишер Навоий «Ҳотамтой ҳикояси»да ёзганки, «Бир дирҳам топмоқ чекибон даст ранж, Яхшироқ андинки, биров берса ганж».

Ҳалоллик ростгўйлик, тўғрилик, поклик, самимийлик каби инсоний фазилатлар мажмуидан иборат. Инсон тўғри сўз, ҳақгўй бўлиб ўсса, унинг бахт-саодати таъминланади. Алишер Навоий

«Садди Искандарий» достонида бир ҳикоя келтириб, унда тўғрилик инсонни бахтиёр қилишини тасвирлаган эди. Мамлакат подшосига сарой қурдириш учун текис ўсган устун керак бўлиб қолади. Буни бир кампирнинг ҳовлисидан топадилар. Катта олтин эвазига кампирнинг розилиги билан уни саройга олиб кетадилар, бино қурилиши тезлашади. Саройни очиш тантанасига кампирни ҳам таклиф қиладилар, кампир ҳовлисидан кесиб келтирилган дарахт — устун олтин билан қопланган эди, буни кўрган кампир шундай хулосага келади: Сен тўғри ўсганинг учун фақат ўзингни эмас, мени ҳам зарга кўмдинг. Албатта, бу мажозий мазмунга эга бўлган хулосадир.

Чин маънодаги ҳалоллик ваъдага вафо қилиш, сўз билан ишнинг бирлиги демакдир. Сўзининг устидан чиқмаган одам бевурд, белафз одам ҳисобланади.

Ҳалоллик — ҳаромнинг душмани. Дунёда ҳаром иллатлар ҳам оз эмас: ёлғончилик, гумонсираш, хусумат, мунофиқлик, иккиюзламачилик, миннат, порахўрлик, мунофиқлик, омонатга хиёнат, етимлар ва аёллар ҳақини ейиш, судхўрлик, хирс назари билан қараш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, қасамхўрлик. Булар, айни вақтда, олдинги бобда айтилганидек, аксилмаънавият ҳодисаларидир.

Ҳалол амалларга қуйидаги фазилатлар киради: касб — меҳнат билан тирикчилик қилиш, ҳалол ризқ топиш, яхшиликка тенг яхшилик, омонат ва қарзларни ўз вақтида қайтариш, етимларни кафилликка олиш, вафодорлик, гуноҳни савоб ишлар билан ювиш, эҳсон ва садақа, муҳтожларга қарз бериш, ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.

Ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида диёнат, поклик, ҳалоллик каби хислатлар вояга етаётган шахснинг ахлоқий фазилатлари ва камолотининг мезонидир. Бу жараёнда кишиларнинг амалий ташаббускорлигини авж олдириш, уларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини янада такомиллаштиришда бундай маънавий фазилатларнинг аҳамияти янада ошиб бормоқда.

Президентимиз И. А. Каримовнинг нутқлари, мақолалари, асарларида юксак инсоний фазилатлар сирасига кирувчи ҳалоллик, поклик сингари ахлоқий тамойилларни юксалтириш алоҳида таъкидланмоқда. Юртбошимизнинг таъкидлашича, бу тамойиллар, биринчи галда, мансабдор шахслар фаолиятида бош омил бўлиши керак. «Ишимизда икки йўналиш баб-баравар — бақамти бориши керак, — дейди давлатимиз раҳбари, — Биринчиси, янги давлат, янги тузумнинг шакли, андозасини яратиш бўлса, иккинчиси, ана шунга муносиб, мақсадни тўғри анг-

лайдиган, ишни удалайдиган одамларни танлаш, жой-жойига қўйишдан иборат». И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 февралда сўзлаган нутқида иккинчи масалага ҳам алоҳида тўхтаб айтган эдики, «кишиларимизнинг фаолиятидаги асосий тамойил ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик бўлиши керак». Шу муносабат билан мустақиллигимизнинг дастлабки давридаги маънавий ҳодисаларни таҳлил этиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Оддий одамлар ҳамма нарсани кўриб турибди. Нопок, нафси ҳаром, ўзининг манфаатини устун қўядиган баъзи бир раҳбарларни ҳам кўраяпти... Ҳозир жамиятимиздаги кадрларни уч тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифа — иймонсиз, виждонсиз шахслар, фурсатдан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлайдиган кимсалар... Улар фақат ўз чўнтагини ўйлайди... Иккинчи тоифага иродасиз, мўрт, бўшанг одамлар кириди. Бундайлар шамол қаёқдан эсишини пойлаб туради. Учинчи тоифадагилар — юрагида ўти бор, сергайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватанпарварлар» (И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1994 йил, 85-бет). «Қинғир одамнинг қилиғини ўзи билдирмаса, боласи билдиради, — дея таъкидлайди Президентимиз. — Боласи билдирмаса, хотини билдиради. Хотини билдирмаса, ёнидаги малайлари билдиради» (Ўша жойда, 76-бет).

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш керакки, юксак маънавий фазилатларга эга бўлмаган, аксилмаънавий фаолият билан шуғулланадиган ҳар қандай инсоннинг қиёфаси мустақиллигимиз ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

## 5. ОТА-ОНАГА ИЗЗАТ-ҲУРМАТ, ОИЛАГА САДОҚАТ ВА ҒАМХЎРЛИК — ШАҲС МАЪНАВИЯТИНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Фарзандларнинг ота-онага ҳурмати Шарқда ҳамма вақт жуда юқори бўлган. Фарзандлар ёшлигиданоқ отасига суяниб, онасининг алласини тинглаб, уларнинг меҳрига қониб вояга етганлар. Улар кўнглига меҳр она сути билан кирган, Ҳазрат Навоий айтганларидек, онани ой, отани куёш деб билганлар. Ота-онага бўлган бундай иззат-ҳурмат оилада шакланган.

Оилага бундай жиддий эътибор берилиши бежиз эмас. Оила ва жамият ўзаро боғланган. Оила — жамиятнинг таркибий қисми. Жамиятнинг барча ютуқ ва камчиликлари, зиддиятлари оилада ўз аксини топади. Оила — инсоннинг ўзини ишлаб чиқарувчи муқаддас макон. У инсон зотини, унинг авлодини давом эттириш манбаи. Ота-она, оила болаларни тарбиялаш ва



уларни жисмонан ҳамда ақлан камолотга эришуви учун масъулдирлар.

Бизнинг ҳуқуқий-демократик давлатимизнинг равнақи оила фаровонлиги билан боғлиқ. Бинобарин, «Оила — бизнинг ҳалқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган гоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир» (И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, 253-бет).

Ўзбекистонда оиланинг ўзига хос томонларидан бири уни ташкил этадиган аъзоларининг кўп сонли эканлигидир. Уларда турли авлод вакиллари бирга яшайди. Шундай оилалар борки, ўз таркибига 7—8 та, ҳатто 10 дан ортиқ фарзандларни олади. Унинг бағрида бир неча кичик оилалар истиқомат қилади, яшайди. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний маънавий қадриятлар, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди шундай оилаларда болалар ёшликданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим ва ҳунар эгаллашни ўрганади.

Оила ва жамият муносабатлари тизимида никоҳ муҳим ўрин тутади. Никоҳ — эркак ва аёл орасидаги табиий муносабатларнинг ижтимоий зарурий, барқарор шаклидир.

Жамият никоҳ воситаси билан жинслар орасидаги муносабатларни тартибга келтиради, янги авлодни бунёдга келтириш ва тарбиялашни бошқариб боради.

Никоҳ эр ва аёлнинг табиий муносабатларига ягоналик ва барқарорлик тусини беради. Никоҳ икки жинснинг табиий интилишларини қонун воситаси билан жиловлайди, табиий иродасига ахлоқий гўзаллик бахш этади.

Оила шахсийлик ва ижтимоийлик бирлигидан иборат. Унинг шахсийлиги, нисбий мустақиллиги ҳар бир оиланинг ўз мақоми борлиги билан характерланади. У ўз ҳўжалигини юргизишда мустақил. Ўз тақдирини ўзи белгилайди, унга биров ташқаридан зўрлик билан аралаша олмайди. Шу билан бирга у жамиятнинг кичик бўлаги бўлганлиги учун ҳам жамиятдан холи, алоҳида яшай олмайди. Шу маънода, оила ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга ижтимоий институт, ижтимоий гуруҳ деб қараш мумкин. Унинг манфаатлари жамият манфаатлари билан мос тушади. Оила ижтимоий фойдали функцияларни бажаради, ўз аъзоларининг жисмоний ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилади.

Оиланинг ижтимоий аҳамиятини англаб етмаслик, уни мутлақо шахсий иш деб қараш жамият манфаатларига зарар еткази, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида юксак инсоний фазилатларнинг қарор топишига халақит беради.

Маҳаллий ҳокимият ва жамоатчилик оилани унутган ерда турли кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин. 1998 йили Наманган вилоятидаги айрим ёшларнинг адашиб, баъзи экстремистик кайфиятдаги одамлар таъсирига тушиб қолиши бунга мисол бўлади.

Оила ва жамият манфаатлари бир-бири билан мос тушсагина, оила равнақи ҳақида гапириш мумкин. Оила ҳаётининг ижтимоий ва шахсий томонлари уйғун бўлгандагина, у ахлоқий жиҳатдан мустаҳкам бўлади. Бу эса оила аъзоларининг маънавиятига боғлиқ. Одамлар қанчалик онгли бўлсалар, жамият ривожини ҳам шунчалик ривож топади.

Ота-она ва фарзандлар орасидаги алоқалар оилавий муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир. Чунки, фарзандлар бўлгандагина оила тўла социал ва шахсий маъно касб этади. Ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабатларнинг ахлоқий ва педагогик жиҳатлари орасида фарқ борлигини таъкидлаш керак. Биринчи жиҳати: ота-она ва фарзандлар орасидаги муомала, иккинчи жиҳати — ота-онанинг болани тарбиялашдаги тамойиллари, услуб ва воситалари мажмуаси; биринчисини этика, иккинчисини педагогика ўрганади. Биринчи жиҳат болалар тарбиясининг ғоявий асоси ҳисобланади.

Истиқлол шарофати билан оилавий муносабатларда юз берган муайян ўзгаришларни кузатиш мумкин. Бу ўзгаришларнинг замини жамият ва оиланинг иқтисодий асоси тубдан ўзгарганлиги, ижтимоий мулк ўрнини хусусий мулк эгаллай бошлаганлиги билан боғлиқ. Бу ўринда мулкка эгаллик ҳиссиётининг тикланганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Оила аъзолари ва фарзандлари оила мулкни кўпайтиришдан, оиланинг бой ва фаровон бўлишидан манфаатдор бўлиб қолди. Илгари мулк ижтимоий бўлган даврларда фарзандлар кўпроқ ота-онага қарам эдилар. Уларнинг фуқаролик етуклиги ҳам чўзилиб, узоқ давом этарди. Ҳозирги ёшлар, айниқса, шаҳар жойларида бизнес билан шуғулланишдан, ўз иқтисодий билимини оширишдан манфаатдор бўлсалар, қишлоқ ёшлари мулкнинг турли шакллари тасарруф қилиш, фермерлик, ишбилармонлик йўллари изламоқда. Бу ҳолат оиланинг иқтисодий қувватини мустаҳкамлашга имкон бераётир. Оилада қизларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериш имконияти вужудга келаётир. Пенсия, нафақа, ижтимоий ёрдам, тиббий шароитнинг яхшиланиши, оналар ҳақидаги ғамхўрлик, уларнинг бўш вақтининг кўпайиши, иқтисодий аҳволнинг яхшиланиши фарзандлар тарбиясига кўпроқ эътибор беришга имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Конституциясида ота-онанинг фарзандлар олдигаги бурчи аниқ қилиб ёзилган. Ота-оналар ўз фарзандлари-

ни улар вояга етгунга қадар боқишлари ва тарбиялашлари керак (64-модда). Балоғатга етган ва меҳнат қобилиятини йўқотмаган болалар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар (66-модда).

Ота-оналарнинг фарзанд олдидаги бурчи ҳақида шарқона тарбиянинг ёзилмаган қонунлари ишлаб чиқилган. Бунга кўра, ота-она фарзанд тарбияси бобида кечикмаслиги, чақалоқ туғилган вақтдан бошлаб унинг тарбияси билан шуғулланиши керак. Бунинг маъносини тушунишда қуйидаги мисол ёрдам беради. Республикада ва ундан ташқарида ҳам кенг шуҳрат топган ўзбек созандаси Турғун Алиматов қизиқ бир фикрни билдиради. Унинг айтишича, бола тарбияси йўрғакдан бошланади. Бола йўрғакда йиғлаган вақтда унинг ёнида мусиқа асбоби-ни чалиб, унинг диққатини жалб қилиш керак. Мусиқа овозини эшитганда бола йиғидан тўхтаса, унда мусиқавий қобилият борлиги билинади. Бу қобилиятни камол топтириш ота-онанинг вазифасидир. Она алласи ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Бинобарин, тарбия оналар алласидан бошланади.

Шарқона тарбия талабларидан бири — ота-она фарзандига чиройли исм қўйиши, унга бирор касб-кор ўргатиши, вояга етказиб тарбиялаши, балоғатга етгач, муносиб жуфтини топиб уйлаши, бошини иккита қилишидан иборат.

Фарзандларнинг бурчи ота-она қаригач, уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам қилишдан иборат. Ота билан онанинг тарбия бобида гапининг бир жойдан чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Оиладаги соғлом муҳит, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ота-онанинг ҳаёт тажрибаси, билими, иймон-этиқоди, маънавияти бола тарбиясида зарурий омил ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистонда 23 миллиондан ортиқ аҳоли яшаса, шундан 10 миллион 800 минг нафари эркаклар, ўн икки миллиондан ортиғи аёллар. Аёллар — оиланинг ҳаёт томирида оқаётган қони. Аёлларсиз оила бўлмайди. Миллатнинг давомийлиги аёл зотига боғлиқ. Фарзандлар ўз онасини «волидаи мукаррама», «қиблагоҳим», «қиблаи каъбам» деб эъзозлайдилар. Оналар ана шундай ҳурматга лойиқ. Афсуски, она номига нолойиқ, маънавий қашшоқ оналар оз бўлса-да, учраб туради.

Оилада бола тарбиясида отанинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди. Шунинг учун донишмандлар битта ота юзта ўқитувчидан устун бўлиши мумкинлигини таъкидлаганлар. Яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди. Ота меҳри она меҳридан кам эмас. Оилада «отанинг ўрни бошқа» деган гап бежиз айтилмаган. Ўғил отадан эркаклик характерини ўрганади. Ўз отасига тақлид қилади. Боладаги эр йигитга хос фазилатларни ота тарбиялайди.

Ота ўғил олдида масъул эканлигини унутмаслик керак. Отанинг шахсий намунаси, меҳнатсеварлиги, ахлоқий фазилатлари болага аста-секин ўтади, албатта. Ота ўз фарзандини инсонийликка ўргатиши керак. Меҳнат қилмай, текинхўрлик билан ҳаёт кечиришга ўрганган кишиларнинг болалари ҳам ялқов бўладилар. Бундай болалар охир-оқибатда жиноятга қўл урадилар. Энг яхши ибрат ва обрў ҳалол меҳнатдир.

Ота-онанинг маҳаллада, иш жойида, дўстлар даврасидаги нуфузи, салмоғи фарзандлар эътиборидан четда қолмайди. Оилада иноқлик бўлмаса, носоғлом муҳит мавжуд бўлса, бундай оиладан қут-барака кўтарилади, болалар ўз ота-оналарини ҳурмат қилмай қўядилар.

Бозор иқтисоди тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда оила аъзолари ўртасида меҳр-оқибатни сақлаб қолиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунда, албатта, оиланинг маънавий ва ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлишини таъминлаш чоратадбирларини кўриш керак.

Ўзбекистонда оилавий муносабатлар, ахлоқий нормаларнинг асоси — оилада эр-хотин тенглигидир. Бу тенглик умуман оилада янги ахлоқий нормаларнинг қарор топишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ахлоқий тенглик уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий тенглиги заминидан ривожланади.

Оилавий тенгликнинг қарор топишида, шунингдек, субъектив омиллар — яъни эр-хотиннинг ахлоқий эътиқодлари, ўзаро руҳий, ҳиссий тажрибалари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Оилавий тенглик нима дегани? Бу эр-хотиннинг оилани моддий жиҳатдан таъминлаши, болалар тарбиясида, рўзгор юмушларида тенг иштирок этишидир. Бу тенглик, ўз навбатида, эр-хотиннинг оиладаги маънавий-ахлоқий тенглигини шакллантиради.

Эр-хотиннинг ахлоқий тенглиги, уларнинг оиладаги тенг ахлоқий мавқеи, обрўси оила турмушини, оилавий масалаларни ташкил этишда эр-хотин ҳуқуқ ва масъулиятларининг тенглигидир.

Эр-хотин тенглиги — маънавий эҳтиёжларнинг яқинлиги билан узвий алоқадор. Эр-хотин маънавий эҳтиёжларининг муштараклиги улар орасидаги ахлоқий бирликнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишининг муҳим шартидир.

Оилавий муносабатларнинг ижтимоий характерда эканлигини таъкидлаш керак. Бу нарса оилавий бурчни келтириб чиқаради. Оилавий бурч нима?

Оилавий ўзаро бурч — шахснинг жамият томонидан никоҳ-оилавий муносабатларга қўйилган талабларига эътиқод билан амал қилишидир. Оилавий ўзаро бурч: эр-хотинлик бурчи, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи демакдир.

Оилани мустаҳкамлашда ҳуқуқий билимларни эгаллаш, уларга қатъий амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда «Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Декларация», «Оила ҳақида Кодекс», инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Олий Мажлисида қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатларни ўрганишнинг роли катта. Мустақилликнинг буюк неъматларидан бири никоҳ ўқитиш учун кенг йўл очилганлигидир. Никоҳда келин-куёв олдига катта масъулиятли талаблар, эр-хотинлик бурчлари ва мажбуриятлари юклатиладики, бу нарса умрбод улар учун маънавий дастур бўлиб қолади.

Оилавий муносабатларда эр-хотин, қиз-ўғил тарбиясида маънавиятимизнинг муқаддас ёдгорлиги Қуръони Карим ва Ҳадисларга амал қилинса, айни муддао. Уларда оилани мустаҳкамлаш, оила одоби, ота-бола, фарзанд бурчи, қариндош-уруғларга ғамхўрлик тўғрисида чуқур маъноли йўл-йўриқлар кўрсатилган.

Айтилганлардан маълумки, оилада эр-хотин иноқлиги, фарзандларга ғамхўрлиги, соғлом муҳит бахт-саодатни яратишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бугина эмас, балки оиладаги соғлом муҳит бутун жамиятнинг маънавий баркамоллигини таъминлайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Бу соҳада қуйидагича тадбирийд чоралар амалга оширилди: биринчидан, оилавий муносабатларнинг қонуний асослари такомиллаштирилмоқда, оила манфаатларини қонуний муҳофаза қилиш, оналик ва болалик ҳуқуқини таъминлаш; иккинчидан, оиланинг ижтимоий манфаатларини мустаҳкамлаш, соғлиғини муҳофаза қилиш, оила аъзоларининг маълумот даражасини юксалтириш; учинчидан, оиланинг иқтисодий манфаатларини, бандлик даражасини таъминлаш, уй меҳнати ва турмуш шароитини яхшилаш; тўртинчидан, оиланинг маънавий, ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий манфаатларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш (қаралсин: *И. А. Каримов*. Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил).



## Илова

### МАЪНАВИЯТИМИЗ ТАРИХИНИНГ БУЮК НАМОЯНДАЛАРИ

*Жамиятимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва тараққий эттиришда халқимизнинг бой маданий тарихини чуқур ўзлаштириш, жаҳон маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллаган алломаларимизнинг меросини ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.*

*Маданият ютуқлари маънавий жараёнда вояга етган ва уни ўз фаолиятида гавдалантирган, асарларида моддийлаштирган донишмандлар, олимлар, адиблар, дин ва маърифат арбоблари қолдирган тарихий мероснинг мазмунини ташкил этади. Шу сабабли улар яратган қадриятлар, улкан асарлар ҳақида муайян билимга эга бўлиш ўзлгимизни англашда, миллий истиқлол ғоясининг тарихий асосларини эгаллашда муҳим маънавий омил бўлиб хизмат қилади. Қуйида мавжуд адабиётлардан фойдаланган ҳолда Ватанимиз маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк сиймолар ҳақида қисқача ҳикоя қилинади. Ўйлаймизки, бу маълумотлар билан танишиш талабалар томонидан маданиятшунослик илмидан олинган назарий билимларни чуқурлаштиришда фойдадан холи бўлмайди.*

**Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий** (783—850). Хоразмлик буюк олим бошланғич таълимни ўз юртида хусусий муаллимлардан олади, сўнгра Марвдаги мадрасада ўқийди, кейинчалик Бағдоддаги «Байт-ул ҳикма» («Донишмандлар уйи»)га таклиф қилинади. Бу илм масканида ўрта осиелик Аҳмад ал-Фарғоний, Ҳамид ибн Абдумалик Марваррудий, Аббос Жавҳарий кабилар билан ҳамкорликда ишлайди.

**Асарлари:** «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб». «Ал-жабр»дан бизга маълум бўлган «алгебра», «алгоритм» каби атамалар келиб чиққан. «Ҳинд ҳисоби бўйича китоб». «Астрономик зиж». Асарда астрономияга оид муаммолар ҳақида сўз юритилади. Ойлар, шамсий ва қамарий ҳижрий ҳисоблар тавсифи, сайёраларнинг ҳаракатлари, ой кенгламаси ва унинг ҳаракати, синусни ёйга кўра аниқлаш, тескари синуслар жадвали, соялар жадвали берилади. «Ер сурати ҳақида ки-

тоб». Бу ерда 2400 та шаҳар, денгиз, орол ва бошқа объектларнинг жойланиши, координатлари ва ҳолатлари ҳақида маълумот берилади. Нил дарёси, Азов, Каспий ва Орол денгизларининг жуғрофий хариталари манзаралари чизиб берилган. «Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», «Куёш соатлари ҳақида китоб», «Яҳудийлар эралари ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола», «Китоб ат-тарих», «Китоб ар-руҳнома».

\* \* \*

**Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний** (тахминан 797—865 йилларда яшаган). Манбаларда айтилишича, у бошланғич таълимни олгач, ўша даврнинг маъмурий маркази ва йирик илм даргоҳи Марв шаҳрига борган. Халифа ал-Маъмун Бағдодда тахтга ўтирганда, Марвда ташкил этилган илмий жамоани ҳам ўзи билан бирга ўша ерга олиб кетган. Аҳмад ал-Фарғоний Бағдодда ташкил этилган «Байт ул-ҳикма»да фаолият кўрсатган. Тадқиқотчилар унинг саккизта асарини қайд этадилар.

**Асарлари:** «Китоб фий ҳаракат ас-самовийа ва жавомий илм ан-нужум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий астрономия китоби»), «Китоб ал-комил фий санъа ал-астурлоб» («Астурлоб яшаш ҳақида китоб»), «Китоб амал бил астурлоб» («Астурлоб билан ишлаш китоби»), «Жадвал ал-Фарғоний» («Ал-Фарғоний жадваллари»), «Рисола фий маърифа ал-авқот аллатий якун алқамар фийҳо фавқ ал-арз ав тахтҳо» («Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола»), «Ҳисоб ал-ақолим ас-сабъа» («Етти иқлимни ҳисоблаш»), «Китоб амал ар-руҳомат» («Куёш соатини яшаш китоби»), «Таълил ли зиж ал-Хоразмий» (Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш).

\* \* \*

Ал-Фарғоний ўз кашфиётларида гелиоцентризмга ўтиш учун илмий замин яратди; Экватор ва эклиптика текисликларидаги доимий бурчакни 23 даража-ю 35 минут деб аниқ ўлчади; сфералар радиусини биринчи марта белгилаб берди; Ой ва Куёш тутилишларини тадқиқ этди; Ер ёйининг қайси узунлиги 1° га тўғри келишини ўлчаб, бу миқдорни аниқлади, уни 360 га кўпайтириб, 40800 км. ни ҳосил қилишини қайд этган. Ер шари меридианининг узунлигини айтиб берди; Нил дарёси гидрометеорологик табиатини аниқлайдиган асбоб — «Миқёси Нил»ни ясади. Сув учун тўланадиган солиқ шунга асосланди, халқ уни «адолат тарозиси» деб атади; инсон яшайди-

ган майдонни етти иқлимга бўлди; вақт ўлчамини; осмоннинг келажак манзарасини ифодалайдиган устурлоб назариясини яратди ва ҳ. к.

\* \* \*

**Имом ал-Бухорий** (810—870). Асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ёшлигиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини севиб ўрганган, уларни ёд олган. 16 ёшида Имом Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отланади. Унинг хотираси ҳар қандай китобни бир марта мутолаа қилишда ёд олиш қобилиятига эга бўлган. У юз минг саҳиҳ ва икки юз минг файри саҳиҳ ҳадисни ёддан билган.

**Асарлари:** «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), «Ат-Тарих ал-кабир» («Катта тарих»), «Ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Ат-тарихал-авсот» («Ўртача тарих»), «Ал-Жомеъ ал-кабир» («Катта ҳадислар тўплами»), «Китоб ал-илал» («Нуқсонли ҳадислар китоби»), «Барр — ал-волидайн» («Отанани ҳурмат қилиш»), «Китоб ал-ашриба» («Ичимликлар китоби»), «Китоб аз-зуҳфо» («Заифлар китоби»), «Асомиус-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «Китоб ал-Куна» («Ҳадис ровийларининг тахаллуслари ҳақида»).

Имом Бухорий Хартанг қишлоғи (Ҳозирги Челак тумани) да 870 йили вафот этган. Бу ерда унга атаб меъморий мажмуа қурилган (1998).

\* \* \*

**Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий** (824—892). Жаҳон эътироф этган буюк аллома, машҳур муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий Термизда оламга келган. Кўп йиллар дунёнинг турли шаҳарларида бўлиб, ўз билимини оширган. У ҳадис илмини чуқур ўрганган, кўплаб шогирдлар етиштирган. 892 йили Термиз яқинидаги Буг қишлоғида вафот этган.

**Асарлари:** «Ал-жомиъ» («Жамловчи»), «Аш-шамоил ан-на-савиа» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фил-ҳадийс» («Ҳадислардаги оғишишлар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»); «Ат-Тарих» («Тарих»), «Китоб ул-асмо ва-л-куна» («Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб»).

Ат-Термизий асарлари ичида энг машҳури «Ал-жомиъ» бўлиб, у пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим ва ишонарли манбалардан бири ҳисобланади.

\* \* \*



**Абу Наср Форобий.** (873—950). Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуф Форобий Сирдарё бўйидаги Фороб-Ўтрор деган жойда дунёга келган. У Тошкент, Самарқанд ва Бухоро, шунингдек, Бағдод шаҳарларида ўз билимини оширган. Форобий умрининг сўнгги йилларини Ҳалаб, Дамашқ шаҳарларида ўтказган. У 160 га яқин асар ёзган.

**Асарлари:** «Ихсо ал-улум», «Ҳикмат асослари», «Аристотель логикасига талқинлар», «Катта музика китоби», «Гражданлик сиёсати», «Фозил шаҳар аҳолиларининг райлари», «Мантиққа кириш», «Вакуум ҳақида», «Метафизика тезислари» ва бошқалар.

Форобий дунёқарашининг асосини пантеистик ғоя ташкил этади. Унинг фикрича, мавжудот эманация ёрдамида ибтидодан босқичма-босқич пайдо бўлган. Форобий ўзининг ижтимоий қарашларида маънавий ҳаётга оид кўпгина қимматли фикрларни олға сурган. У инсоният жамияти вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий сабабларини кўрсатиб берган. Жамият ахлоқининг вужудга келиши, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатини текширган. Шунингдек, у инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон муаммосини ўртага қўйган ва уларни назарий жиҳатдан асослаб берган.

\* \* \*

**Абубакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий (943).** Бухоро вилоятига қарашли Наршах мавзесида таваллуд топган. Ёшлигидан қадимги тарих, география, араб тилини пухта ўрганган.

**Асарлари:** «Бухоро тарихи». Бу асар турли тарихий манбаларда «Тарихи Наршахий», «Ахбори Бухоро», «Тарихи Бухоро», «Бухоро вилоятининг тадқиқи» каби номлар билан аталиб келинган. Асарда қадимги Бухоро аҳолисининг тарихий касб-корлари (овчилик, балиқчилик, деҳқончилик каби), Афшона, Ромитон, Варахша каби қадимий масканларнинг барпо этилиши, Марказий Осиё ҳудудларида араб ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Ислоннинг тарқалиши, Муқанна қўзғолони, сосонийлар давлати, Бухородаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт, ер-сув муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Асар нафақат Бухоро, балки бутун Марказий Осиё тарихини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади. Китоб 1966—1991 йилларда чоп этилган.

\* \* \*

**Абу Мансур ал-Мотуридий (вафоти — 945).** Асли исми Абу Мансур ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий-ас-Самарқандий бўлиб, сунний мазҳабига тегишли мотуридия оқимининг асосчисидир. У Самарқанднинг Мотурид (Жомбой)

қишлоғида туғилган. Бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олгач, ўқишни Самарқандда давом эттирган. Манбаларда қайд этишлари-ча, Мотуридий фикҳ ва калом билимларини чуқур эгаллаган, ҳанафий мазҳаби мударрисларидан сабоқ олиб, ўз тасаввурларини чуқурлаштирган. Кейинчалик шу эътиқодни илмий асослаб берган.

**Асарлари:** «Китаби Тавҳид», «Китаб Мақомат», «Китаб Таъвилот ал-Қуръон», «Ма ҳази аш-шариъа» («Шариат асослари сараси»), «Китаб ал-жадал» («Диалектика ҳақида китоб»), «Китаб ал-усул» («Диний таълим усули китоби»). Унинг энг нодир ҳисобланган «Китаби Тавҳид» асари ҳозиргача сақланиб қолган. Ал-Мотуридий ислом оламида «Имом ал-Худа» ва «Имом ал-мутакаллимин» («Ҳидоят йўли имоми ва мутакаллимлар имоми») номи билан машҳур бўлган.

\* \* \*

**Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий** (вафоти — 997). Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг ёшлиги Хоразмнинг Хива, Замахшар ва Қиёт шаҳарларида ўтган. Олим ҳаётининг муайян даври Хуросонда кечган.

**Асарлари:** «Мафотиҳ ал-улум» («Илмлар калитлари»). Бу қомусий асар фалсафа, мантиқ, тиб, илми нужум, мусиқа ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

Абу Абдуллоҳ Хоразмий илмлар таснифини яратди. У қуйидагилардан иборат:

«Шариат» илмлари: Фикҳ — яъни ислом ҳуқуқшунослиги, Калом — яъни ислом асослари; Грамматика (Сарф ва наҳв), Иш юритиш; Шеърият ва аруз; Тарих.

Назарий фалсафа: Табиёт илмлари ва физика (тиб, об-ҳаво ни аниқлаш, минералогия, кимё, механика кабилар); Илоҳиёт, яъни метафизика-олий илм; Мантиқ.

Амалий фалсафа: Этика (инсоннинг ўзини-ўзи бошқариши); Уйни бошқариш; Сиёсат — шаҳар-давлатни бошқариш.

\* \* \*

**Абу Али ибн Сино** (980—1037). Ибн Сино асл исми Ҳусаин, отасининг исми Абдуллоҳ — машҳур қомусий олим: табиатшунос, файласуф, астроном, математик, мусиқашунос, ҳуқуқшунос, тилшунос, ёзувчи ва шоир Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида дунёга келган. Ибн Сино «Шайх-ур-раис» («Олимлар бошлиғи») деб ном қозонган. У 450 дан ортиқ асар ёзиб қолдирди. Шулардан 190 га яқини фалсафа, мантиқ, руҳшунослик, ахлоқшунослик ва ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган Ибн Сино асарларининг 100 таси бизгача етиб келган.

**Асарлари:** «Ал-қонун фит тибб» («Тиб илмлари қонуни»), «Китоб аш-шифо». У мантиқ, физика, математика, метафизикани ўз ичига олади, «Китоб ул-инсоф» (20 томлик), «Китоб лисон ул-араб» (10 жилдан иборат «Араб тили бўйича китоб»), «До-нишнома» (4 қисмдан иборат), «Рисола ат-Тайр» («Куш тили»), «Саломон ва Ибсол», «Ҳай ибн Яксон», «Китоб ал ишорат», «Юсуф қиссаси», «Уржузалар — тиббий дostonлар» ва ҳ.к.

Ибн Сино ўз асарларида ижтимоий фалсафий, маърифий, маънавий масалаларга, таълим-тарбияга катта эътибор берган. Тарбияни ақлий тарбия; жисмоний тарбия; ахлоқий тарбия; нафосат тарбияси; ёшларга ҳунар ўргатиш билан боғлиқ бўлган тарбиядан иборат, деб ҳисоблаган.

\* \* \*

**Абу Райҳон Беруний** (973—1048). Абу Райҳон Беруний Хоразмнинг қадимий пойтахти Кат шаҳрида дунёга келган, Ғазнада вафот этган.

**Асарлари:** «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Масъуд қонуни», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана».

Беруний маънавият ва маданият соҳасида қуйидаги фикрларни илгари суради: Фаннинг софлиги; Дунёни деистик тушунади: худо дунёни яратиб, унинг ишларига аралашмайди деган диний-фалсафий йўналишга мойил бўлса-да, дунё яратганлигини тан олса-да, табиатни мустақил деб ҳисоблайди; Ибн Сино билан қилган илмий мунозарада ўзига хос атомистик назарияни ҳимоя қилади; геоцентрик ва гелиоцентрик назариялар тенглиги ҳақидаги фаразларни илгари суради; инсон ҳайвондан ўз ақли билан фарқ қилишини таъкидлайди.

Халқнинг ранг ва тил фарқлари, урф-одатларидаги тафовут географик муҳитга боғлиқ, деб ҳисоблайди; жамият юзага келишида кишиларнинг моддий эҳтиёжига алоҳида эътибор беради; инсон бошқа одамларнинг бахт-саодати ҳақида доим ғамхўрлик қилиши, ўйлаши керак, деган қонидани олға суради; инсоннинг қадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришида, деб ҳисоблайди; унинг эътироф этишича, мамлакат равнақи фан тараққиётида, инсоннинг энг катта бахти эса билишдадир.

\* \* \*

**Носир Хисрав** (1004—1088). Носир Хисрав Қабодиён (Тожикистон)да таваллуд топган. У кўплаб адабий, илмий, фалсафий асарлар ва рисоалар муаллифидир.

**Асарлари:** «Рушноинома»; «Саодатнома» (маснавийлари); «Зод ул мусофирин»; «Хон-ул-ихвон»; «Дин важҳи»; «Бўстон

ул-уқул»; «Жомеъ ул-ҳикматаин»; «Сафарнома» (насрий рисола).

Носир Хисрав ўзининг маънавий ҳаёти, диний-фалсафий дунёқараши жиҳатидан ботиния ва исмоилия мазҳабининг издоши ва асосчиларидан ҳисобланади.

Носир Хисрав инсоннинг покланиш жараёнига алоҳида этибор қаратади. Бунинг учун ғайри инсоний ҳаракат, ёмон хулқ-атвордан сақланишга, ғариблар дилига озор бермасликка чақиради. Ахлоқий тарбия ролига юксак баҳо беради. У молу мулкка берилмасликка, адолат ва инсофга даъват этади.

«Маънавий жиҳатдан улғаймоқчи бўлсанг, мартабангни юқори кўтаришни истасанг, жаҳоннинг улуғларига яқинлашишни хоҳласанг, илм ўрган, ақлу идрокингни такомиллаштир», — дейди Носир Хисрав.

Улуғ заҳматкаш шоир ўз асарларида одамларни юксак одамийлик сифати ва фазилатларини эгаллашга чақиради.

Унинг фикрича, аҳиллик, адлу инсоф, меҳру оқибат, ўзаро иттифоқ устувор бўлган юртда зулм мағлуб бўлади, инсон шарафи ғолиб келади, ўзаро низолар барҳам топади.

\* \* \*

**Исмоил Журжоний** (1042—1136). Зайниддин Абул Фазойил Исмоил ибн Ҳусайн ал-Журжоний ал-Хоразмий улуғ олим ва энг машҳур табиб ҳисобланган. Исмоил Журжон шаҳри (Эрон шимоли)да туғилган бўлса ҳам умрининг кўп қисмини Хоразмда ўтказган ва ал-Журжоний ал-Хоразмий тахаллуси билан машҳур бўлган.

Журжоний Хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммад ибн Ануштагин (1097 — 1127) ва унинг ўғли Алоуддавла Отсиз (1127—1156) саройида хизмат қилган.

**Асарлари:** «Ал-Хуффайи ал-аълоий» («Пояларнинг юқори қисми»), «Ат-Тибб ал-мулукий», «Китоб аз-заҳирайе Хоразмшоҳий», «Китоб ал-аҳрод» («Ҳасад туфайли келиб чиқадиган касалликлар»), «Китоб ёдгор» («Эсдалик китоби»), «Китоб фи рад алал-фалосафа» («Файласуфларга қарши раддия китоби»), «Китоб васиятнома» ва бошқалар.

Журжоний фикрича, ҳақиқий лаззат тўкин-сочин ҳаёт кечиришда эмас, балки ақлий ва маънавий камолотга эришувдадир.

\* \* \*

**Абул Қосим аз-Замахшарий** (1075—1144). Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган. У дастлабки маълумотни ўқимишли отасидан олган,

17 ёшга тўлганда Бухорога борган, шунингдек, билимини ошириш йўлида дунёнинг кўпгина шаҳарларида бўлган.

У Шош, Бағдод, Ҳижозда, икки марта Макка шаҳрида бўлиб, беш йилча яшаб Жоруллоҳ («Оллоҳнинг қўшниси») деган шарафли номга эга бўлган. У грамматика, луғатшунослик, аруз илми, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид элликдан ортиқ асарлар ёзди. Аз-Замахшарий ўз илмий ва ижодий фаолиятида араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган, ўз асарларини фақат араб тилида яратган.

**Асарлари:** «Ал-Муфассал» (араб тили грамматикасига оид асар), «Муқаддимат ул-адаб» (Адаб илмига муқаддима), «Асос ул-балоғат» («Нотиқлик асослари» — луғатшуносликка бағишланган, араб тили фасоҳати ва мукаммаллиги ҳақида фикр юритади), «Рабийъул-аброр ва нусус ахйар» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни» — асарда адабиёт ва тарихга оид латифалар берилади), «Ал-Қустос фи-л-аруз» («Арузда ўлчов»), «Ал-Кашшоф» (асар Қуръон ҳақиқатларига бағишланган), «Мақомат» («Мақомлар» асари эллик мақомдан иборат). Унга «Хоразм фаҳри», «Араб устози» каби унвонлар берилган.

\* \* \*

**Бурҳониддин Ал-Марғиноний** (1123—1197). Жаҳон тан олган фақиҳ Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний Қуръон, ҳадис илмларини мукамал эгаллаб, фикҳ — ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлган мутафаккирдир. У Бурҳон уд-дин ва-л-милла (Ислом далили) ва Бурҳониддин ал-Марғиноний номлари билан машҳур бўлган.

Олим бошланғич таълимни Марғилонда олган, кейин Самарқандга кўчиб борган ва бутун умрини шу ерда ўтказган, 1149 йили олим ҳаж сафарига йўл олган.

**Асарлари:** «Бидоят ал-мунтаҳий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-мунтаҳий» («Яқунловчилар учун тугал таълим»), «Нашр ул-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ул-мазид» («Илмни зиёда қилувчи китоб»), «Маносик ул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Мажма ул-навозил» («Нозил бўлган нарсалар тўплами»), «Китоб ул-фароиз» («Фарзлар китоби»), «Ҳидоя».

«Ҳидоя» юқоридаги асарларининг энг ихчам, изчил ва мукамал шаклидир. У ҳанафия мазҳабидаги асосий қўлланмадир.

«Ҳидоя» тўрт жуздан иборат: биринчи жузга ибодат масалалари киритилган, булар — намоз, рўза, закот ва ҳаж китобларидир. Иккинчи жуздан никоҳ, эмизиш, талоқ, кулларни озод қилиш, топиб олинган боланинг насабини аниқлаш, топиб

олинган нарса, қочиб кетган қуллар, бедарак йўқолганлар, шерикчилик, вақф мулки сингари масалалар ўрин олган.

Учинчи жужда эса олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, пулни бировга ўтказиш, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳликка қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулҳ, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, ҳомийлик, қуллар ва босқинчилик масалаларига оид муаммолар ҳақида сўз боради.

Тўртинчи жужда шафоат, мерос тақсимлаш, деҳқончилик ҳамда боғдорчилик хусусида, шартнома, қурбонлик қилиш ҳақида, тақиқланган ичимликлар ҳақида, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хун ҳақи тўлаш, васият каби масалалар ҳақида фикр юритилади.

«Ҳидоя» бир неча асрлардан буён Шарқда, шу жумладан, Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма бўлиб келмоқда.

\* \* \*

**Умар Хайём** (1040—1123). Фиёсиддин Абдулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопур шаҳрида туғилган, газнавийлар ҳокимияти емирилиб, салжуқийлар давлати ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этган. У Форобий, Беруний ва Ибн Синонинг илмий, фалсафий-маънавий меросини янада ривожлантирган. У олим сифатида фалсафа, риёзиёт, фалакиёт ва физикага оид бир қанча асарлар ёзган. Унинг рубоийлари кенг шуҳрат қозонган («Рубоиёт»).

**Асарлари:** «Борлиқ ва бурчланмоқ тўғрисида рисола», «Уч саволга жавоб», «Ақл олами бутун умумий фаннинг предмети тўғрисида», «Борлиқ тўғрисида рисола», «Талаб бўйича китоб» (Ҳамма мавжудот тўғрисида), «Рубоиёт», «Жалолиддин тақвими», «Наврўзнома» ва ҳ. к.

Умар Хайём фикрича, нарсаларда «умумий ақл» саховат ва ҳиммат кўрсатувчи, «ижодчи ақл» мавжуд. Ундан «умумий жон», «умумий буюм» келиб чиқади. «Яратувчи ақл»дан пайдо бўлган олам ҳаракат ва ўсиш жараёнини бошидан кечириб туради.

«Умумий буюмлар» табиатга бўйсунди. Табиат тўрт унсур: ҳаво, сув, ўт, ер (тупроқ)дан ташкил топган.

Инсон ҳайвонлардан ўзининг сўзлашиш қобилияти билан фарқ қилади, олам объектив қонунлар билан ривожланади. «Сен, мендан олдин ҳам тун-кун бор эди», деган қоидага асосланади Умар Хайём.

\* \* \*

**Ҳожа Аҳмад Яссавий** (1041—1167). Аҳмад Яссавий Сайрамда Шайх Иброҳим оиласида дунёга келган. У Бухорода таълим олган. «Яссавия» тариқатининг қоидалари Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» деган асарида баён этилган. Бу талабларга кўра, инсон меҳр-шафқат, ҳалол-пок, ўз қўл кучи, ҳалол меҳнати билан кун кечириш орқали Оллоҳ висолига етиши мумкин.

Аҳмад Яссавий ўз шеърларида машҳур мутасаввуф олим Мансур Ҳаллож (858 — 922) номини чуқур ҳурмат билан тилга олади.

Яссавий молу дунё тўплашга ҳаракат қилмаган, бечораҳол умргузаронлик қилган. У мол-дунё ва давлат орттиришга муккасидан кетган, хасис ва охиратни ўйламайдиган кишиларни огоҳлантириб, шундай деб ёзган эди:

*Бешак билинг, бу дунё барча халқдан ўтаро,  
Ишонмағил молинга, бир кун қўлдан кетаро,  
Ота, она, қариндош, қаён кетди, фикр қил,  
Тўрт оёқли чўбин от бир кун санго етаро.*

Аҳмад Яссавий бутун туркийзабон халқларнинг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган буюк мутасаввуф олим, донишманд уламо ва устоз сифатида шуҳрат қозонган.

\* \* \*

**Маҳмуд Қошғарий** (XI аср). Маҳмуд Қошғарий Марказий Осиёда илк ўрта аср маданиятининг буюк намояндаларидан биридир. У туркий тилларни ўрганиш соҳасида кенг шуҳрат топган. У XI асрда Мовароуннаҳрда сомонийлар ўрнини қоракхонийлар сулоласи эгаллаган, туркий адабий тил кенг урф бўла бошлаган даврда яшаган. Маҳмуд Қошғарий Қашғарда туғилиб ўсган бўлса-да, туркий ўлкаларнинг кўпгина шаҳарларида бўлиб, тил соҳасида бой материал тўплади.

**Асари:** «Девони луғатит турк». «Девон»да 7500 дан ошиқ туркий сўз ва иборалар изоҳланган. Қошғарий кишиларни илм ўрганишга даъват этган, жаҳолат, кибру ҳавони, молу дунёга ҳирс қўйиш, баҳиллик ва очкўзликни қоралаган. Саховат ва ҳиммат кўрсатишни, ота-онани ҳурмат қилишни улуғлаган.

Маҳмуд Қошғарийнинг — маънавий мероси жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан юксак қадрланган ва у қийёсий тилшуносликнинг асосчиси деб тан олинган. Олимлар ёзишича, «Девон»да дунё харитаси доира шаклида чизиб кўрсатилган. Унинг марказида Марказий Осиё жойлашган.

\* \* \*

**Юсуф Хос Ҳожиб** (XI аср). Юсуф Хос Ҳожиб XI асрнинг кўзга кўринган шоири ва мутаффакири, у Болосўғун (Қирғизистондаги Тўқмоқ) шаҳри яқинида туғилган.

**Асари:** «Кутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билим»). Достон Қашқар ҳокими Сулаймон Арслон Қорахонга бағишланган (1069). Унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг махсус маслаҳатчиси деган унвон берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб инсон камолоти йўллариини излайди. Унинг фикрича, инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан ўзаро мулоқотда, ижтимоий-фойдали меҳнатда чинакам камолотга етишади. «Инсонга фойда келтирмайдиган инсон — ўликдир», деб ҳисоблайди.

Хос Ҳожиб ҳокимларга давлатни бошқаришда адолатли бўлишни маслаҳат берган, уларни қонунсизликка йўл қўймасликка чақирган, акс ҳолда зулм кучайиши, норозилик келиб чиқиши мумкин, деган фикрни берган. Ҳоким доно бўлса, бошқарувнинг негизини ақл ва адолат ташкил қилади. Бу эса ялпи бахт-саодатга ва фаровонликка олиб келади.

Одам кимлигидан қатъий назар, инсон бўлиши лозим, чунки дунёда фақат инсонийликкина абадул-абад қолади. Шунга кўра, инсон фақат яхшилик қилиши керак.

Юсуф Хос Ҳожиб инсон камолоти устида қайғурар экан, унга яхшилик ва илм орқали эришиш мумкин, дейди. Юсуф Хос Ҳожиб илм-фан, маърифат орқали жамиятнинг ахлоқий муҳитини соғломлаштириш ғоясини тарғиб қилган.

\* \* \*

**Абдулҳолиқ ибн Абдужамил Ғиждувоний** (1103—1179) Бухоро яқинидаги Ғиждувон қишлоғида туғилган. Ғиждувоний ўз устози Ҳожа Юсуф Ҳамадонийга бағишлаб кўплаб асарлар ёзган.

**Асарлари:** «Мақомоти Ҳожа Юсуф Ҳамадоний» («Ҳожа Юсуф Ҳамадоний фазилатлари»), «Рисолаи шайх уш-шуюк ҳазрати Ҳожа Абу Юсуф Ҳамадоний».

Абдулҳолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг Бухородаги тўртинчи шогирди (ҳалифаси) ҳисобланган. Ғиждувоний XIV асрда пайдо бўлган «Нақшбандия» тариқатининг маънавий отаси ва асосчисидир. Ғиждувоний Яссавийдан сўнг Ҳамадоний ўрнига ўтириб, кўплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирган. Ғиждувоний ўз тариқатининг қонун-қоидалари мезонини ишлаб чиққан. Бу қоидалар «Рашхалар», яъни қатра («томчи») лар деб аталади.

\* \* \*



**Аҳмад Югнакий** (XII аср охири — XIII аср бошлари). Маҳмуд ўғли Аҳмад Югнакий Самарқанд яқинидаги Югнак шаҳрида дунёга келган.

**Асари:** Унинг туркий тилда ёзилган «Ҳибат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар туфҳаси»). Асар ахлоқий-дидактик йўналишга эга бўлиб, кишиларга «яхшилик уруғини сепиш» учун яшашни маслаҳат беради. Дунё бевафо, ўткинчи, роҳат-фароғатга интилиш бефойда. Шунинг учун яхшилик ҳақида ўйлаш керак. Инсон тақдири яратувчига боғлиқ. Лекин Оллоҳ дунёвий ҳаётнинг маъноси ва гўзаллигини инкор этмайди. Иззат ва ҳурмат меҳнат, билим ва ақл ёрдамида қўлга киритилади. Камтарлик инсонни улуғлайди, калондимоғлик уни ерга уради.

Югнакий кишиларни саховат ва меҳрибонлик кўрсатишга, сабр-тоқатли бўлишга, дўстни эҳтиёт қилишга ундаган.

\* \* \*

**Нажмиддин Кубро** (1145—1221). Аҳмад ибн Умар Абул Жанноб Нажмиддин ал-Кубро ал-Хивақий ал-Хоразмий Хивақ шаҳрида дунёга келган. У ёшлик пайтидаёқ илм истаб Мисрга борган.

Мусулмонлар шарқида кенг шуҳрат топган мутафаккир ва мутасаввуф олимлардан бири — Мажиддин Бағдодий (Фаридиддин Атторнинг отаси) ва Баҳовиддин Валад (Жалолиддин Румийнинг отаси) каби йирик мутасаввуф олимлар Нажмиддин Кубронинг шогирдларидандир. Шайх Нажмиддин Кубро мўғул лашкарларига қарши Урганч қалъасини ҳимоя қилишда бошқош бўлган. 1221 йили у мўғул босқинчилари томонидан ваҳшиёна ўлдирилади.

Кубровия тариқати мусулмон шарқида кенг тарқалган. Ундан куйидаги кичик тариқатлар келиб чиққан: Фирдавсия (Ҳиндистон); Нурия тариқати (Бағдод); Рукния тариқати (Хуросон); Ҳамадония тариқати (Кашмир); Иғтишошия тариқати (Хуросон); Нурбахшия (Хуросон); Неъматуллоя (Эрон, Фарба ва АҚШда ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда).

\* \* \*

**Маҳмуд Чағминий** (XII—XIII). Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий Хоразмда туғилган.

Чағминий ўқишни давом эттириш мақсадида Самарқандга келган. Чағминий Абу Райҳон Берунидан кейинги Хоразм илмий мактабининг энг йирик олими деб тан олинган. У астрономия, риёзиёт, табобат, жўғрофия ва бошқа соҳаларда ҳам шуғулланган. Шунинг учун уни қомус тузган аллома деб таниганлар.

**Асарлари:** «Мулаххас фи-л-хайъа», «Сайланма», «Тўққиз сонининг риёзиётдаги ўрни ҳақида рисола», «Меросни бўлиш масалаларида риёзиёт усулларига шарҳ» ва бошқалар.

Чағминий айтадики, «Қуёшни ўзидан нур тарқатувчи сайёраларнинг маркази деб ҳисоблаш мумкин». «Ой ўз нурига эга бўлмасдан уни қуёшдан олади». Унинг табиатга берган таърифи диққатга сазовор: «Табиат ҳар қандай ҳаракат ва сокинликнинг манбаи».

Чағминий ўша давр астрономиясини янги поғонага кўтарди.

\* \* \*

**Баҳовуддин Нақшбанд** (1318—1389). Марказий Осиёда XIV асрда вужудга келган тасаввуф тариқатларидан бири «Нақшбандия» Ҳожа Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбанд номи билан боғланган. Нақшбанд Бухоро ёнидаги Қасри Орифон қишлоғида туғилган.

Нақшбанд Муҳаммад Бобои Самоси кўлида тарбия топган, кейинчалик унга Сайид Мир Кулол раҳнамолик қилган. Бу инсон атоқли мутасаввуф олим бўлиб, Баҳовуддинни ҳар томонлама камол топтиради.

Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги фақирлик ва «Дил — ба ёр-у, даст — ба қор» деган ғоя ётади.

Нақшбандия тариқатининг поклик, тўғрилиқ, адлу инсоф, меҳру шафқат, имондорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий тамойиллари алоҳида аҳамиятга эга.

\* \* \*

**Тафтазоний** (1322—1392). Саъдуддин Тафтазоний Ашхабод шаҳри яқинидаги Тафтазон қишлоғида туғилган. У ислом фалсафаси, калом, мантиқ, ҳандаса, шеърят ва араб тили грамматикасига оид кўплаб асарлар ёзган.

**Асарлари:** «Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), «Мақосид фи илм ал-калом» ёки «Мақосид ат-толибин фи усил ад-дин» («Дин асосларини изловчиларнинг мақсадлари»), «Ас-Саъдия» (Котибийнинг мантиққа оид «Аш-шамсия» рисоласига ёзилган шарҳ), «Ал-мутававал» («Кенг талқин»), «Мухтасар ал-маоний» («Қисқача маънолар»), «Ал иршод ал-ходий» («Йўл бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Толиби илмларнинг мақсадлари»), «Рисола фи завое ал-мусаллас» («Учбурчакнинг бурчаклари ҳақида рисола») ва бошқалар.

Тафтазоний қирқдан ортиқ асар муаллифидир. Олимнинг этиқодига кўра, худо инсонларга хайрли ишлар қилишни буюрган, гайришаърий ишлари учун эса инсоннинг ўзи жавобгар бўлади.

У ислом фалсафаси — каломга мантиқий хулосалар татбиқ этиб, уни бойитди ва илоҳиёт фани ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

\* \* \*

**Мир Саид Шариф Журжоний** (1339—1413). Тўлиқ исми Али бинни Муҳаммад бинни Али Хусайни Журжоний Астробод шаҳри яқинидаги Тоғу қишлоғида дунёга келган. Темур томонидан Шероз фатҳ этилгач, бошқа олимлар қатори Самарқандга келган.

У ўз замонасининг йирик алломаси бўлиб, ўша давр фанларининг барча соҳаларида фаолият кўрсатган: ислом фалсафаси — Калом, мантиқ, тил, табиатшунослик, ҳуқуқ ва фалсафага оид рисоалар, шунингдек, кўплаб олимларнинг асарларига шарҳлар ёзган.

**Асарлари:** «Авсат дар мантиқ» («Мантиқда ўрта хулоса»), «Дунёни акс эттирувчи кўзгу» (рисола).

Журжоний Самарқандда 20 йилдан кўпроқ самарали ижод этган, Амир Темур вафотидан кейин Шерозга қайтиб кетади.

\* \* \*

**Ҳожа Муҳаммад Порсо** (1348—1420). Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (Ҳожа Порсо) Бухорода таваллуд топган. У нақшбандия мактабининг энг кўзга кўринган олимларидан бири. Ҳожа Порсо Куръон, ҳадис, калом каби турли диний илмларни чуқур ўрганган донишманд («Порсо»-диндор) эди. Порсо Нақшбанднинг иккинчи халифаси бўлган.

**Асарлари:** «Рисолаи қудсия («Ҳожа Баҳовуддиннинг қудсий калималари ҳақида рисола»), «Аз анфози қудсияи машойихи тариқат» («Тариқат машойихларининг қудсий калималаридан»), «Эътиқодот» («Эътиқод ҳақида рисола»), «Таҳқиқот» («Тасаввуф истилоҳлари ҳақида рисола»), «Тафсири Куръон» («Куръон тафсири»), «Ал-ҳадис ул-арбаъуна» («Қирқ ҳадис»), «Рисола дар одоби мурид» («Мурид одоблари ҳақида рисола»), «Шарҳи «Фикҳи Кайдоний» («Фикҳи Кайдоний» асарининг шарҳи), «Фасл ул-хитоб би-вусули-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишишда оқ ила қорани ажратувчи китоб»), «Мухтасари таърихи Макка» («Макка шаҳрининг қисқача тарихи»), «Мақомоти Ҳожа Алоуддин Аттор» («Алоуддин Аттор мақомати»), «Мақомоти Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд» («Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд мақомати»).

Порсонинг шариат ва тариқат масалаларига бағишланган ва унга катта шухрат келтирган асари — «Фасл ул-хитоб би-вусули-л-аҳбоб» («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоби») рисоласидир.

**Қозизода Румий** (XIV аср охири — XV аср боши). Марказий Осиё маданиятига катта ижодий таъсир кўрсатган аллома Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Қозизода Румий ҳозирги Туркиянинг Бурса деган жойида туғилган. Отаси Ҳожи Афанди Бурсанинг қозиси бўлган. Салоҳиддиннинг туғилган йили маълум эмас. Таваллуди 1354—1364 йиллар орасида деган тахминлар бор. У Самарқанд шаҳрига илм олиш мақсадида келган. Кейинчалик Амир Темур уламолари қаторидан муносиб ўрин эгаллайди. Темурнинг сарой астрономи Мавлоно Аҳмаддан астрономия ва математикадан таҳсил олган. Отасининг қозилик лавозими ва рум (Кичик Осиё)лик эканлигига ишора қилиб у «Қозизода Румий» номи билан шуҳрат қозонган.

Темур вафотидан сўнг у Улуғбек билан биргаликда Ҳиротга боради, астрономия, математика соҳасида унга устозлик қилган, бир неча вақт Самарқандда — Улуғбек мадрасасида ишлайди. Журжоний билан илмий мулоқот ва мунозаралар олиб борган.

Улуғбек расадхонасини қуришда Қозизода ва Жамшид Коший фаол иштирок этганлар. Бу ерда илмий текширишларга Қозизода Румий бошчилик қилган. Унинг вафотидан сўнг Али Қушчи бу ишни давом эттирган.

**Асарлари:** «Рисола фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола»), «Шарҳи мулаххис фи-л-хайъа» («Астрономия ҳақида қисқача рисоланинг шарҳи»), «Шарҳи ашкол ат-таъсис» («Асосланган жумлаларга шарҳ»), «Рисола ал-жайб» («Синус ҳақида рисола»), «Дастур ал-амал ва тасҳиқ ал-жадвал» («Амал дастури ва жадвалларини тузиш»), «Рисола фи илм ал-хайъа» («Астрономия илми ҳақида рисола»), «Рисола фи рубъ ал-мужайаб» («Синус квадрат ҳақида рисола») ва бошқалар.

**Улуғбек** (1394—1449). Улуғбек Эроннинг ғарбида жойлашган Султония шаҳрида бобоси Темурнинг ҳарбий юриши пайтида туғилган. У Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғли, унга Муҳаммад Тарағай исми берилган.

Шоҳруҳ тўнғич ўғли Улуғбекни 1411 йили Мовароуннаҳр ва Туркистоннинг ҳокими этиб тайинлайди.

Улуғбекнинг устозлари Мавлоно Аҳмад ва Қозизода Румийлар бўлган. Улар Улуғбекка астрономия ва математикадан таълим берганлар. 1420 йили Самарқандда Улуғбек мадрасаси очилади. Унда Қозизода, Улуғбек, Коший ва Али Қушчилар таълим берганлар.

**Асарлари:** «Зижи Улуғбек», «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола», «Рисолайи Улуғбек», «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи»). 1994 йилда Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда ва чет элларда катта тантаналар бўлиб ўтди.

\* \* \*

**Шарафиддин Али Яздий** (вафоти — 1454 йил). Шарафиддин Али Яздий Эроннинг Язд шаҳрига қарашли Тафт мавзеида тахминан XIV асрнинг охириги чорагида туғилган.

Али Яздий «Зафарнома» деган машҳур асарнинг муаллифи. У шеърлар ҳам битган. Ундан қолган илмий-маданий мерос адабиёт ва тил услуби, шеърят назарияси, илми нужум, фалсафа, тасаввуфнинг назарий масалаларига оиддир. У Ҳирот, Самарқанд шаҳарларида яшаган.

**Асарлари:** «Хулал-и муттаъаз дар муаммо ва луғаз» («Муаммо ва топишмоқлар борасида безакли жома»), «Мавотин ё манозир дар муаммо» («Муаммо фанида турар жой ва манзаралар»), «Китоб фи илм-и устурлоб» («Устурлоб илми бўйича китоб»), «Девони Шарафи Яздий» («Шарафи Яздийнинг шеърлар тўплами»), «Шарҳи Асамои Аллоҳ» («Аллоҳ исмларининг шарҳи»), «Тухфат ул-фақир ва ҳадяат ул-ҳақир» («Фақирнинг тухфаси-ю, ҳақирнинг ҳадяси»), «Муншаот» («Хатлар тўплами»), Амир Темур тарихининг шеърӣ баёни «Зафарнома» («Фатҳномаи Соҳибқирон»).

\* \* \*

**Ғиёсуддин ал-Коший** (Вафоти — 1429 йил). Жамшид ибн Маъсуд ибн Маҳмуд Ғиёсуддин ал-Коший XIV—XV асрларда яшаган энг машҳур сиймолардан биридир. Унинг бобоси Маҳмуд ибн Яҳё ибн ал-Ҳасан ал-Коший зиёли одам бўлиб, риёзиёт ва астрологияга оид рисолалар ёзган.

Қозизода Румийнинг маслаҳати билан Улуғбек 1416 йили ал-Кошийни Самарқандга таклиф этган.

Коший «Мифтиҳ ал-ҳисоб» («Ҳисоб калити») асари билан машҳур бўлган. Бу асар риёзиёт қомуси деб тан олинган. Бунда ўнли касрлар тўғрисида фикр юритилади.

**Асарлари:** «Жизи Ҳоқоний», «Мифтоҳ ал-ҳисоб» («Ҳисоб калити»), «Рисола ал-муҳития», «Суллам ас-самовот» («Осмонлар нарвони»), «Нузҳад ал-ҳадойиқ» («Боғлар сайри»).

\* \* \*

**Али Қушчи** (вафоти — 1474 йил). Алоуддин Али ибн Муҳаммад ал-Қушчи «ўз даврининг Батлимуси» бўлиб танилган. Кейинчалик отасидан етим қолгач, уни Улуғбек ўз тарбиясига ол-

ган. Али Кушчи Улуғбек расадхонасида ишлаган, кейинчалик унга раҳбарлик қилган.

Али Кушчининг тарғиботчилик фаолияти туфайли Марказий Осиё олимлари, хусусан, Улуғбекнинг илмий ижоди Европага кенг тарқалади.

**Асарлари:** «Рисола фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида рисола»), «Рисолаи қусур» («Қасрлар рисоласи»), «Рисола ал-фатҳия» («Ғалаба рисоласи»), «Рисола ал-Муҳаммадийа фи-л-ҳисоб» («Ҳисоб ҳақида»), «Рисола фи ҳалла аш-шакл ал-ҳилол» («Ҳилолсимон шаклларни ўлчаш ҳақида рисола»), «Рисола дар илми ҳайъат» («Астрономия илми ҳақида рисола»), «Шарҳи Зижи Улуғбек» («Улуғбек «Зижи»га шарҳ») форс тилида ёзилган, «Хитойнома», «Рисолаи мантиқ», «Рисола ал-Муфрадийа».

Али Кушчи Марказий Осиё маданияти ва фани тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутади.

\* \* \*

**Ҳожа Аҳрор** (1404—1490). Ҳазрат Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Шош — Тошкент вилояти музофотларидан Боғистонда туғилган. 1490 йилда Самарқандда вафот этган.

Дастлабки маълумотни Тошкентда олган бўлажак мутасаввуф тасаввуф илми асосларини донишманд 1428—1431 йилларда Ҳиротда ўрганган. Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанднинг шоғирди бўлган Яъқуб Чархийга қўл бериб, ундан таълим олган.

1431—1432 йиллар орасида Ҳожа Аҳрор Тошкентга қайтиб, нақшбандия тариқатини янада ривожлантиради. У деҳқончилик ва тижорат ишлари билан фаол шуғулланган.

**Асарлари:** «Фақарот ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар»), «Волидия» (Тариқат йўлига кирганларнинг ахлоқ одоби), «Ҳавройя» (машҳур мутасаввуф шоир Абу Саъид Абдулхайрнинг (XI аср) «Ҳавро» (хурлар) сўзи билан бошланган рубойисига шарҳлар.

\* \* \*

**Абдурахмон Жомий** (1414—1492). Абдурахмон Жомий Нишопур яқинидаги Жом шаҳрида руҳоний оиласида таваллуд топган. У ўз умрини асосан Ҳиротда ўтказган.

Жомий бошланғич маълумотини отасидан олади. Ҳиротда йирик олимлар томонидан ўз билимини оширади. Сўнгра у Самарқандга бориб, Улуғбек мадрасасида Улуғбек, Қозизода Румий, Али Кушчи каби алломаларнинг маърузаларини эшитган.

Жомий Шайх Саъиддин Қошғарийдан тасаввуф илмидан дарс олган. Тез орада унга қўл беради, сўнгра ўз пирининг қизига

уйланади. Алишер Навоий Жомийни ўзига пир ва устоз деб ҳисоблаган.

**Асарлари:** «Нафаҳот ул-унс», «Лужжат ул-асрор», «Ашиат ул-ламаот», «Рисолаи мусиқий», «Рисолаи муаммо», «Ҳафт авранг», («Силсилат уз-заҳаб», «Тухфат ул-асрор», «Сухбат ул-асрор», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол», «Хирадномаи Искандарий»).

Булардан ташқари кўплаб шеърӣ девонлар тузган.

Жомий асарларининг бир қисми диний ва фалсафӣ мазмунга эга. У тасаввуфнинг энг йирик арбоби бўлиб, ўз қарашларини қуйидаги асарларида баён қилган: «Нақши фусус» («Маънолар нақши»), «Шавоҳиди нубувва» («Пайғамбарликка далиллар»), «Нақшбандия таълимоти ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола» ва ҳ.к.

Жомий шеърӣят назариясига оид кўплаб асарлар ёзган: «Рисолаи аруз», «Шарҳи байт», «Маснавий», «Шарҳи рубоӣёт», «Рисолаи қофия», «Рисолаи муаммойи манзум» ва бошқалар. Мусиқага оид «Рисолаи мусиқий» асари шуҳрат топган.

Шайх Саъдий йўлидан бориб Абдурахмон Жомий «Баҳористон» деб номланган асар ҳам яратган.

\* \* \*

**Алишер Навоий** (1441—1501). Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий Ҳирот шаҳрида таваллуд топган. 1466—1468 йилларда у Самарқандда яшаган, 1469 йили Ҳусайн Бойқаро илтимосига кўра Ҳиротга қайтган.

1472 йилда Бойқаро Навоийни вазирлик лавозимига тайинлайди.

Ҳазрат Навоий ўз замонасининг етук мутафаккири, шоири, давлат арбоби эканлиги тарихдан маълум.

**Асарлари:** «Бадойеъ ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»), «Вақфия» (1481 йил), «Хамса». Бу асар 3 йилда — 1483—1486 йилларда ёзиб тугалланган. У бешта дostonни ўз ичига олади: «Ҳайратул аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саъбаи сайёр» («Етти сайёра»), «Садди Искандарий» («Искандар девори»), «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи»), «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Хамсат ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат»), «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови»), «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»). «Чор девон» номи билан маълум бўлган бу буюк мажмуа 45 минг мисрага яқин шеърларни ўз ичига олади. Унинг таркибига қуйидаги асарлар

кирган: «Фаройиб ус-сиғар» («Болалик ажойиботлари»), «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик даври нодирликлари»), «Бадойеъ ул-васат» («Ўрта ёш кашфиётлари»), «Фавойид ул-кибор» («Кексаликдаги фойдали мулоҳазалар»).

«Муфрадот» рисоласи, «Ситтаи зарурия», «Фусули арбаа» туркум қиссалари форс тилида ёзилди. Улар 12 мингдан ошиқ шеърлар ва муаммолардан иборат.

«Фоний» тахаллуси билан алоҳида девон тузди.

«Лисон ут-тайр» (1499 йил); «Муҳокамат ул-луғатайн» (1499 йил); «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани»).

\* \* \*

**Давлатшоҳ Самарқандий** (1435—1495 йиллар). Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Ғозий ас-Самарқандий тахминан 1435 йилда йирик ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. У Шохруҳ ва Хусайн Бойқаронинг ҳарбий юришларида иштирок этган.

**Асари:** «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси»). Бу асар ғоят машҳур бўлиб, уни яратишда муаллиф ўнлаб манбалардан фойдаланган. Тазкирада VII—XV асрларда яшаб ижод этган 155 дан ортиқ шоир ҳақида қисқача маълумот берилган.

\* \* \*

**Камолиддин Беҳзод** (1455—1537). Бутун мусулмон Шарқи санъати тарихида чуқур из қолдирган буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод Ҳиротда таваллуд топади. Ҳиротнинг машҳур мусаввири Амир Руҳилло уни ўз тарбиясига олади.

Беҳзоднинг буюк мусаввир, наққош бўлиб етишишида Алишер Навоийнинг роли катта.

**Асарлари:** Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган миниатюралар, Хусайн Бойқаронинг мажлислари тасвирланган мураққадаги 40 дан ортиқ гўзал миниатюра, Абдурахмон Жомийнинг «Саломон ва Абсол» асарига ишланган расмлар, Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сига ишланган 33 та миниатюра, Саъдийнинг «Бўстон» асарига ишланган расмлар, Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»ига чизилган миниатюралар, Абдуллоҳ Хотифийнинг «Темурнома» асарига чизилган расмлар, Саъдийнинг «Гулистон» асарига чизилган миниатюралар, Абдурахмон Жомий тасвири, Хусайн Бойқаро тасвири, Шайбонийхон тасвири, Шоҳ Тахмас тасвири, Шоир Абдуллоҳ Хотифий тасвири, Туялар жанги, Рақси дарвиш (Дарвишлар рақси, Самарқандда мадраса қурилиши ва бошқалар.

\* \* \*



**Хондамир** (1473—1534). Фиёсиддин Муҳаммад ибн Ҳожа Ҳумомуддин ибн Ҳожа Жалолуддин Муҳаммад ибн Бурҳонуддин Хондамир Ҳиротда туғилган.

У илм-фаннинг кўпгина соҳаларини пухта эгаллаб ўз даврининг таниқли тарихчи олими бўлиб етишган.

Хондамирнинг олим бўлиб шаклланишида Алишер Навоий катта роль ўйнаган. У Навоий кутубхонасида ходим, кейинроқ эса мудир бўлиб ишлаган.

**Асарлари:** «Маъосир ул-мулук» («Ҳамаср подшоҳларнинг тарихи»). Бу асарда улуғ сиймоларнинг нақллари келтирилган; «Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-аҳёр» («Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси»), «Мақорим ул-ахлоқ» («Олижаноб хулқлар»), «Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун қўлланма»), «Номаи номи» («Атоқли номалар»), «Ҳабиб ус-сияр» («Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржимаи ҳоли»), «Ҳумоюн-нома». Хондамир «Нақий» тахаллуси билан шеърлар ёзган.

\* \* \*

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур** (1483—1530). Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижонда, Фарғона улусининг ҳокими Умар Шайх Мирзо оиласида туғилган.

Бобур адиб, шоир, олим, айни вақтда, йирик давлат арбоби бўлиб, Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солган.

**Асарлари:** «Бобурнома», «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий», «Ҳарб иши», Аруз ҳақидаги рисолалари, «Мубайн», «Муфассал».

\* \* \*

**Маҳдуми Аъзам** (1463—1542). Маҳдуми Аъзамнинг тўлиқ исми — Саййид Аҳмад Ҳожаги ибн Саййид Жалолиддин Косоний Даҳбедий бўлиб, у Фарғона водийсининг Косон шаҳрида туғилган.

У йирик диний ва сиёсий арбоб, нақшбандия тариқатининг раҳнамоси ва назариётчиси эди.

Маҳдуми Аъзамни кўпгина султонлар ўзларининг пири деб эълон қилганлар.

У тасаввуф назарияси, амалиёти, хусусан, нақшбандия таълимотини ривожлантириб, 30 дан ортиқ китоблар ёзди.

**Асарлари:** «Асрор ун-никоҳ» («Никоҳ сирлари»), «Ганжно-ма», «Рисолат ун-самъиййатун» («Само рисоласи»), «Баёни зикр» (Зикр баёни), «Рисолаи силсилаи Хўжагон», «Шарҳи ғазали Убайдий», «Рисолаи Нақшбандиййа», «Рисолат ун-вужудиййатун» ва бошқалар.

\* \* \*

**Абулғозихон** (1605—1664). Абулғозихон Урганчда туғилган. У киши тарихнавис олим. У Хива хони Араб Муҳаммадхоннинг ўғли бўлиб, йигирма йил давомида Хивада ҳукмронлик қилган. Тиб илмини ҳам яхши ўрганган, махсус тиббий асар ҳам ёзиб қолдирган.

Абулғозихон яхши ҳунар эгаси, шеърятни яхши билган, турли тилларни эгаллаган, ўтган подшоҳлар, уларнинг фаолиятларидан яхши хабардор, билимдон, ажойиб муаррих бўлган.

**Асарлари:** «Шажараи турк», «Шажараи тарокима» («Туркманлар тарихи»), «Манофез ул-инсон». Бу асар тиб илмига бағишланган.

\* \* \*

**Муҳаммад Шариф Бухорий** (XVII аср). Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Хусайний ал-Алавий ал-Бухорий (вафоти 1697 йил) Моваруннахрнинг йирик мутафаккирларидан бири, фалсафа, тарих, шеърят, ҳуқуқ, тилшунослик каби соҳаларни чуқур эгаллаган олим бўлган.

**Асарлари:** «Ар-рисола ад-давриййа» («Даврийлик ҳақида рисола»), «Такаммуле ат-татиме» («Такмилнинг тўлдирилиши»), «Таҳзиб», «Китоби фавоиди ҳоқониййа» («Ҳоқонга фойдали маслаҳатлар китоби»). Унинг шеърий «Девон»и ҳам бўлган.

\* \* \*

**Турди Фароғий** (XVII аср). Турди Фароғий Жиззах ҳудудидаги Фароғ қишлоғида туғилган. Турдининг ҳаёти ва ижоди ҳақида тарихий манбаларда етарли даражада маълумотлар қолмаган. У «Фароғий» тахаллуси билан ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган.

Турдининг адабий мероси 18 шеърдан иборат бўлиб, улардан 12 таси ғазал, 5 таси мухаммас ва биттаси фард турига оиддир. Турди шеърларининг аксарият қисмини Субҳонқулихон тўғрисидаги машхур ҳажвиялар ташкил қилади.

\* \* \*

**Бобораҳим Машраб** (1640—1711). Бобораҳим Мулла Вали ўғли Машраб Наманганда бўзчи-косиб Валибобо оиласида дунёга келган. Машраб дин асослари ва фалсафадан кучли билим соҳиби бўлган.

Унинг асарлари тасаввуфий-ахлоқий йўналишда битилган. Уларда пир-муршидлар номини ҳурмат билан тилга олади. Шу

билан бирга ҳаётий ишқ-муҳаббат мавзуи ҳам Машраб ижодида ғазал, мустаҳзод, мураббаъ ва мухаммасларда акс этган.

**Асарлари:** «Мабдаи нур», «Кимё», шунингдек, шеърӣ мажмуалар.

\* \* \*

**Сўфи Оллоёр** (1644—1724). Сўфи Оллоёр Каттақўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида таваллуд топган. Сўфи Оллоёр дастлаб Шайхлар қишлоғидаги диний мактабда, сўнг Бухородаги мадрасаларда таълим олган. Сўфи Оллоёр тасаввуфни пухта ўрганиш натижасида шайхлик мартабасига кўтарилган.

**Асарлари:** «Маслак ул-муттақийин», «Сабот ул-ојизин», «Мурод ул-орифин», «Сирож ул-ојизин», «Маҳзан ул-мутиън», «Нажот ул-толибин» каби асарлар яратган.

Сўфи Оллоёр тасаввуф ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг асарлари ўзбек тилида ёзилган бўлиб, тил тарихини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

\* \* \*

**Махтумқули** (1733—1793). Машҳур туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули 1733 йилда дунёга келган. Ўз илмини ошириш учун Хива, Бухоро ва Андижон мадрасаларида таҳсил олган.

Махтумқули тарқоқ туркман қабилаларини бирлаштиришни, ягона бир давлат барпо қилишни орзу қилган.

Махтумқули пандномаларида инсон ўз моҳияти ва қадрини билишга, авлодларнинг яхши хислатларини эгаллашга даъват этилади, такаббурлик, дилозорлик, мол-давлатга ҳирс қўйиш каби салбий хислатлар қораланади. Унинг асарлари асосан ахлоқий-дидактик йўналишга эга бўлиб, кишиларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялайди.

Махтумқули Аҳмад Яссавий, Ҳазрат Навоий ижодига катта ҳавас билан қарайди.

\* \* \*

**Увайсий** (1779—1845). Жаҳон отин — Увайсий Марғилон шаҳрининг Чилдухтарон маҳалласида дунёга келган. Жаҳон отин ўқимишли оилада ўсиб вояга етган. Унинг отаси тўқувчи, козилик қилган, ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзган, онаси Чиннибиби эса ўз даврининг донишманд аёлларидан бўлиб, мактабдорлик билан шуғулланган. Жаҳон отин хат-саводни оилада ўрганган, сўнг онасининг ёнида мактабдорлик ишларига кўмаклашиб тажриба орттирган.

Шоиранинг ҳаёти Марғилон ва Қўқон адабий муҳитида, истеъдодли адиб ва шоирлар даврасида ўтган. Увайсий Моҳлар-ойим — Нодира билан ижодий ҳамкорликда бадиий асарлар яратган, саройда шеърят илмидан дарс бериб, устозлик қилган.

1842 йили Бухоро амири Насруллоҳон Қўқонни эгаллагач, у Марғилонга қайтиб умрининг охиригача шу ерда яшаган. Шоиранинг 4 та девон тузганлиги маълум.

Шоира ўз шеърларида одамийликни, вафодор ёрни, муҳаббатни, висолни куйлайди.

**Асарлари:** «Девон», «Шаҳзода Ҳасан», «Шаҳзода Ҳусан» лирик-эпик асарлари; «Воқеоти Муҳаммад Алихон» (тарихий дoston).

\* \* \*

**Маҳмур** (вафоти 1844 йил). Маҳмур таҳаллуси билан танилган Маҳмуд Мулла Шермуҳаммад ўғли XVIII асрнинг охири чорагида Қўқон шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Отаси Мулла Шермуҳаммад ўзбек ва тожик тилларида Акмал таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, иккита девон тузган. У Умархон саройидаги ижодкорлардан бири бўлиб, шеър ихлосмандлари ўртасида ном чиқарган эди.

Маҳмур отаси ташкил этган мушоираларда, суҳбатларда иштирок этар эди. Маҳмур Қўқондаги Мадрасаи Мирда таҳсил кўрган, форс тилини мукамал билган. Унинг «Ҳапалак» шеъри машҳур.

\* \* \*

**Гулханий** (XVIII аср охири XIX аср биринчи ярми). Муҳаммад Шариф Гулханийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги маълумотлар деярли йўқ. У Қўқон адабий муҳитида ижод қилиб, ўзбек бадиий насри тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган.

Амир Умархон саройидаги ижодкорлар билан ижодий ҳамкорликда қалам тебратган. Фазлий Намангоний тузган «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасида Гулханий асарларига бироз ўрин берилган.

Гулханий Журъат таҳаллуси билан ҳам форсийда шеърлар битган. У ўзининг «Зарбулмасал» асари билан кенг шуҳрат топган.

\* \* \*

**Мунис Хоразмий** (1778—1829). Йирик ўзбек шоири, тарихнавис олим, таржимон, ҳаттот ва маърифатпарвар Амир Авазбий ўғли Шермуҳаммад Мунис Хивада туғилган.

У тарихий асарлар ёзган, шоир сифатида девон тузган, тарихий асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Педагог сифатида ёшларга атаб «Саводи таълим» номли рисола ёзган.

Шермухаммад Мунис бадиий ижоднинг кўпгина соҳаларида баракали фаолият кўрсатган.

**Асарлари:** «Саводи таълим». Унда хаттотлик қоидалари баён қилинган. «Мунис ул ушшоқ» (девон), «Фирдавс ул-иқбол» (тарихий асар), Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» номли тарихий асарининг биринчи жилдини ўзбек тилига таржима қилади.

\* \* \*

**Огаҳий** (1809—1874). Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли — Огаҳий Хива атрофидаги Қиёт қишлоғида туғилган. Ундан бой ижодий мерос қолган.

**Асарлари:** «Баёзи мутафарриқои форсий» (баёз), «Риёз уд-давла», «Жомеъ ул-воқеоти Султоний», «Зубдат ут-таворих», «Гулшани давлат», «Шоҳиди иқбол» (тарихий асар), «Қасидаи насиҳат» (Ферузга бағишланган).

Огаҳий таржима ишлари билан ҳам шуғулланган. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Низомийнинг «Ҳафт пайкар», Ҳилолийнинг «Шоҳ ва гадо», Кайковуснинг «Қобуснома», Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсиний», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» каби бадиий, тарихий, ахлоқий, фалсафий асарларни ўзбек тилига таржима қилган.

\* \* \*

**Комил Хоразмий** (1825—1899). Паҳлавон Ниёз Муҳаммад — Комил Хоразмий Хивада муддарис Абдулла Охун оиласида туғилди. Комил — шоирнинг адабий таҳаллуси. У мактабни тугатгач, Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган. У мусиқа ва хаттотлик санъатини ҳам яхши эгаллаган.

Ферузхон (1865—1910) даврида мирзабоши ва девонбегилик лавозимларида ишлаган. Унинг ижодида маърифатпарварлик ғоялари етакчи ўринни эгаллайди.

**Асарлари:** «Камол», «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд», «Тилло соат», «Тошкент» (қасида), «Танбур чизиқлари» номли нотани биринчи бўлиб яратган. «Рост» мақомининг бош қисмини нотага туширган. «Мураббаи Комил», «Пешрави Феруз» сингари куйларни нотага солган.

**Асарлари:** «Алғиёс», «Зи бедоди гардун», «Дод аз дасти чархи дун» (форсий ғазаллар), «Таъмо», «Рўза», «Мулло имом» (ўзбек адабиётидаги энг яхши анъаналарни ёрқин ифодалаган асарлар)

\* \* \*

**Аҳмад Дониш** (1827—1897). Аҳмад Донишнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Мир Носир Ибн Юсуф ал-Ханафи ас-Сиддиқий ал-Бухорий бўлиб, Бухоро шаҳрида туғилган. Аҳмад Дониш фалсафа, ижтимоий-сиёсий, бадиий юксак асарлар яратган. У астрономия билан астойдил шуғулланган, хаттотлик ва меъморчилик билан ҳам машғул бўлган. У маълум вақт Бухоро амири Амир Насруллоҳ (1827—1860) саройида хизмат қилган, уч марта элчилар таркибида Петербургда бўлиб, ғарб маданияти билан яқиндан танишган.

**Асарлари:** «Мажмуаи ҳикояти Аҳмади Калла», «Мунозир ал-Кавокиб» («Юлдузларни кузатиш»), «Рисолат дар илми курра» («Глобус ҳақида рисола»), «Изтиғрожи бул ва арзи балат» («Жойларнинг узунлиги ва энини ўлчаш»), «Наводир ул-вақое», «Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития». Бу асар Бухородаги Манғит сулолаларининг ҳокимияти тарихига бағишланган.

\* \* \*

**Бердақ** (1827—1900). Бердақ қорақалпоқ халқининг машҳур демократик шоиридир. У XIX асрда яшаб ижод этган. Бердақ халқ кўшиқлари ва дostonларини қизиқиб ўрганган. У ёшлигиданоқ шеър ёза бошлаган. Ўз шеърларига куй басталаб, бахши сифатида халққа танилган.

Унинг шеър ва дostonлари халқ оmmasининг турмушини ҳаққоний акс эттирган. У адолатсизликни қоралаган.

**Асарлари:** «Омонгелди», «Халқ учун», «Айдосбий», «Яхшироқ», «Бўлган эмас», «Ерназарбий» асарларида халқнинг хонларга қарши кураши, миллий-озодлик ҳаракати акс этади.

Бердақ «Изладим», «Халқ учун», «Яхшироқ», «Менга керак» каби шеърларида ҳалол меҳнат соҳибларининг фаолиятини улуғлайди.

У ўзининг «Аҳмоқ подшо» дostonида айрим бойларнинг кирдикорларини акс эттириб, бунинг оқибатида халқнинг сабр кoсаси тўлиб-тошганлини тасвирлаган.

Унинг меросида инсонпарварлик, меҳр-шафқат, мустақиллик, ҳақиқат учун кураш, меҳр-муҳаббат каби умуминсоний ва миллий ғоялар акс этган.

\* \* \*

**Чўқон Валихонов** (1835—1865). Чўқон Чингиз ўғли Валихоновнинг асл исми — Муҳаммад Ҳанавия бўлиб, Қозоғистоннинг ҳозирги Кустанай вилоятида Кўчмурын деган жойда туғилган. У чифатой, араб ва бошқа тилларни чуқур эгаллаган.

1847 йили 12 яшар Чўқонни отаси Омскдаги кадетлар корпусига ўқишга берган. У 1861—1862 йилларда Петербург уни-

верситетининг тарих-филология факультетида ўқиган. Хитой, Марказий Осиёга уюштирилган илмий экспедицияларда иштирок этган, саёҳатларда бўлган. Россия Фанлар академияси ва Рус жуғрофия жамияти ишларида фаол қатнашган.

**Асарлари:** «Жунғария тарихи», «Кўлжа сафари кундалиги», «Қашқар сафари кундалиги», «Қирғизлар», «Хон Абилой», «Хитой империясининг ғарбий ўлкаси ва Фулжа шаҳри», «Кўкитой хоннинг оши», «Дала мусулмонлиги», «Қозоқлар ҳақида ёзма-лар», «Суд реформаси ҳақида».

\* \* \*

**Абай** (1845—1904). Абай Иброҳим Кўнонбоев — XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган қозоқ шеърятининг йирик вакили, бастакор, файласуф, маърифатпарвар, бадиий адабиёт намояндаси. У Семипалатинск вилоятининг Қашқабулоқ деган жойида туғилган.

**Асарлари:** «Менинг элим — қозоғим», «Адашганнинг олди йўқ», «Илм топмай мақтанма», «Ёшлиқдаги илм деб ўйладим», «Бойлар юрар молин ардоқлаб», «Интернатда ўқийди».

Абайдан 300 га яқин шеърини асар мерос бўлиб қолган. Унинг «Искандар», «Маъсуд», «Азим ҳикояси», «Вадим» каби достонлари машҳур.

\* \* \*

**Феруз — Муҳаммад Раҳимхон II** (1844—1910). Феруз — Муҳаммад Раҳим Хивада туғилган. У ўзбек адабиёти тарихида муносиб ўринга эга адиблардан бири ҳисобланади. Унинг устози Огаҳий бўлган.

У 1863 йилдан Хива хонлиги тахтига ўтирган. Феруз ўз фаолиятида фан-маданият ривожига катта аҳамият берган, ўзи ҳам шеърлар ёзган, ашулалар ижро этган.

**Асарлари:** «Ғазалиёти Феруз», «Баёзи Феруз», «Девони Феруз».

Феруз хонлик қилган даврда илм-фан, маданият, адабиёт ривож топган. Феруз фармони билан Алишер Навоийнинг «Чор девон», «Хамса» сингари асарлари илк бор нашр этилган. Феруз 1871 йилда янги мадраса қурдирган, бир неча кутубхона, дарсхоналарни ишга туширган.

\* \* \*

**Сатторхон Абдуғафоров** (1843—1901). Сатторхон Абдуғафоров Марказий Осиёда ижтимоий тафаккурни ривожлантиришда катта роль ўйнаган мутафаккирлардан биридир. У Чимкент шаҳрида йирик мударрис оиласида туғилган. Сатторхон 1876 йили

апрель ойида Кўқон шаҳрига қози бўлиб тайинланган. 1879 йили Кўқон шаҳар билим юртининг фахрий назоратчиси қилиб тасдиқланган. У 1883 йилда «Туркистон вилоятининг газетаси»га таржимон бўлиб ишга кирган. 1884—1889 йилларда Тошкент ўқитувчилар семинариясида ўзбек ва форс тилларидан дарс берган. У рус тилини чуқур эгаллаган маърифатпарвар бўлган.

1883 йилда Сатторхон Чимкентга келиб қозилик ишини давом этдирган. Кейинчалик яна Тошкентга қайтган ва маърифатпарварлик фаолияти билан астойдил шуғулланган.

**Асарлари:** «Мусулмон эшонлар», «Россия истилосига қадар Кўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк».

Сатторхон Чор Россиясининг «руслаштириш» сиёсатини кескин қоралаган, адолатсизликка нафрат билан қараган. Сатторхон ўзбек халқининг мустақиллик учун олиб борган курашларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

\* \* \*

**Муқимий** (1850—1903). Муҳаммад Аминхўжа — Муқимий лирик шоир ва забардаст ҳажвчи сифатида ўзбек мумтоз адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. Муҳаммад Аминхўжа Кўқоннинг Бегвачча маҳалласида туғилган.

Дастлабки саводини маҳалла мактабида чиқарган, кейинчалик шаҳардаги «Ҳоким ойим» мадрасасида ўқиган. Муқимий 1872—73 йилларда Бухорога бориб, «Меҳтар ойим» мадрасасида таҳсил олишни давом эттирган.

Муқимий Кўқонда шоирлардан Муҳъйи, Завқий, Нисбатий, Фурқат ва бошқалар билан яқиндан ижодий ҳамкорлик қилган.

**Асарлари:** «Саёҳатнома», «Эй чехраси тобоним», «Эмди сендек, жоно, жонон қайдадир», «Тоқим, жоно, жилва бунёд айладинг», «Танобчилар», «Воқеаи кўр Ашурбой ҳожи Масковчи бой», «Сайлов», «Вексель», «Уруғ», «Додхоҳим», «Асрорқул», «Тўй», «Ляхтин» ва бошқалар.

Ватанга садоқат, она-юртга, халққа муҳаббат ва ифтихор Муқимий асарларининг асосий мазмунини ташкил қилади.

\* \* \*

**Фурқат** (1859—1909). Зокиржон Фурқат Кўқон шаҳрида туғилган. Ўзбек демократик адабиётининг йирик вакили, маърифатпарвар, лирик шоир, оташин публицист сифатида шуҳрат қозонган. Фурқат ёшлигидан адабиётга, айниқса, Алишер Навоий ижодига катта меҳр кўйган. Фурқат, айни вақтда, тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Янги Марғилонга бориб, тоғасининг илтимосига биноан савдо ишларида фаол қатнаш-



ган. «Фурқат, яъни, айрилиқ» тахаллуси билан шеърлар ижод қилган.

Фурқат Янги Марғилонда ижодкор сифатида халқ ҳаёти билан яқиндан таниша бошлаган. Бу ердаги европача ҳаёт тарзи, замонавий фан-техника янгиликлари унга чуқур таъсир кўрсатган.

**Асарлари:** «Ҳаммоми хаёл» рисоласи, «Чор дарвеш» ҳикоятини форсчадан таржима қилади. «Нуҳ манзар» номли шеърий тўплам, «Илм хосияти», «Акт мажлиси хусусида», «Виставка хусусида», «Сайдинг қўябер, сайёд», «Ҳажнома», «Адашганман», «Кашмирда», «Булбул», «Масарратнома» (маснавий), «Қасида», «Румолик қиз ҳикояти», «Фурқатнинг аҳволи» (насрий асар). Фурқат бир неча вақт «Туркистон вилоятининг газети»да ходим бўлиб ишлади.

Фурқат 1893 йили мартада уйғур ўлкасига келади, Ёркент шаҳрида турғун бўлиб қолади, шу ерда вафот этади.

\* \* \*

**Завқий** (1853—1912). Убайдулло Завқий Кўқон шаҳрида таваллуд топган. У ўз ижодий фаолиятини газаллар ёзишдан бошлаган. Ижодий фаолияти давомида кўплаб ҳажвий асарлар яратган.

**Асарлари:** «Каждор замона», «Ажаб замона», «Абдурахмон шайтон», «Мунча кўп», «Янгиқўрғон қишлоғи», «Сув жанжали», «Шоҳимардон саёҳати», «Эшон», «Воқеаи қози сайлов», «Ажаб эрмас», «Таърифи калиш», «Отим», «Фонус», «Сигирим», «Пашшалар» ва бошқалар.

\* \* \*

**Маҳмудхўжа Беҳбудий** (1875—1919). Туркистон жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқанд яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида таваллуд топган. Отаси Беҳбудхўжа Солихўжа ўғли Аҳмад Ясавийнинг авлодларидан бўлган.

1899 йилда Беҳбудий ҳаж сафарига, 1903—1904 йилларда Россияга боради. Беҳбудий янги мактаблар учун дарсликлар ёзган маърифатпарвардир.

**Асарлари:** «Рисолаи асбоби савод» (1904), «Рисолаи жуғрофияи умроний» (1905), «Рисолаи жуғрофияи Русий» (1905), «Китобат ул-атфол» (1908), «Амалиёти ислом» (1908), «Тарихи ислом» (1909), «Падаркуш» драмаси, «Хотиралар» (Яқин Шарққа саёҳат яқунлари), «Ишларнинг яхшиси — ўртачасидир», «Икки эмас, тўрт тил лозим» (мақола).

1913 йилдан Беҳбудий матбуот соҳасида кенг фаолият кўрсата бошлаган. «Самарқанд» газетаси, «Ойина» журналини чиқарган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий мустақиллик учун курашган, шу йўлда ўз жонини қурбон қилган йирик жамоат арбоби, мутафаккири, маърифатпарвари сифатида халқимиз тарихида муносиб ўрин тутади.

\* \* \*

**Мунавварқори Абдурашидхонов** (1878—1931). Мунавварқори Абдурашидхонов Тошкентда зиёли оилада туғилган. Даставвал Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида, сўнг Бухорода ўқиган. 90-йилларда у жадидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган. 1901 йилда Тошкентда «Усули жадид» мактабини очган. Бу мактаблар учун ўзи «Адиби аввал», «Адиби соний» каби алифбо ва хрестоматиялар, «Тавжид ал-Қуръон» («Қуръон қироати»), «Ер юзи» («География») сингари қўлланмалар тузиб нашр этган.

Мунавварқори 1906 йилдан чиқа бошлаган «Тараққий» газетасининг асосчиларидан бири бўлган. Ўша йили Мунавварқори ўзи «Хуршид» газетасини чоп эта бошлаган. У «Садойи Туркистон» (1914—15)ни нашр этишда катта ташаббус кўрсатган. 1917 йил мартда «Нажот» газетасини нашр қилиб, айни вақтда «Кенгаш» журнаliga муҳаррирлик қилган.

Мунавварқори ёшларнинг чет элда ўқиб келишини ёқлаган, жаҳон маданияти ва маърифати бойликларидан баҳраманд бўлиш ғоясини тарғиб қилган.

\* \* \*

**Абдулла Авлоний** (1878—1934). Абдулла Авлоний ўзбек миллий маданиятининг йирик намояндаси, маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби. У Тошкентда туғилган. Мактабда, сўнг мадрасада таҳсил олган, араб, форс, рус тилларини чуқур эгаллаган.

Авлоний жадидчилик ҳаракатининг фаолларидан бўлиб, янги усулда мактаблар очган, уларда ўзи дарс берган, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзган. У «Тараққий», «Шухрат» (1907), «Осиё» (1908), «Турон» (1917) газеталарини нашр этган. Авлоний 1927 йили Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. 1930—34 йилларда Ўрта Осиё давлат университетиде кафедрани бошқарган.

**Асарлари:** «Биринчи муаллим» (1911), «Иккинчи муаллим» (ўқув китоби), «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» (дарслик, 1913), «Мактаб гулистони» (1916), «Мардикорлар ашуласи» (1917), «Сабзавор» тазкираси (1914), «Хуррият марши» (1919) шеъри,

«Афгон саёҳати», «Адвокатлик осонми?» (1914) драмаси, «Пинак» (1915) комедияси, «Биз ва сиз», «Икки севги» (фожеий асар).

1913 йилда Авлоний «Туркистон» театр труппасини тузган, Ўзбекистонда замонавий театр санъати шаклланишига катта ҳисса қўшган.

\* \* \*

**Аваз Ўтар** (1884—1919). Аваз Ўтар ўғли Хива шаҳрида туғилган. Ёш шоир ўзининг ижодий қобилияти билан тезда Хива хони Феруз назарига тушган.

Аваз Ўтар ғоят истеъдодли шоир бўлиб, адабиётнинг деярли барча жанрларида асарлар яратган. Унинг шеърларида маърифатпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган.

**Асарлари:** «Тил», «Мактаб», «Халқ», «Фидои халқим», «Топар экан қачон», «Хуррият», «Сипоҳийларга», «Уламоларга» (келажак ҳақидаги, озодлик ва бахтли ҳаёт ҳақидаги қарашлари ўз ифодасини топган), «Хуррият» (1917), Саодат ул-иқбол».

\* \* \*

**Фитрат** (1884—1938). Абдурауф Фитрат Бухорода таваллуд топган. Фитрат — Абдурауфнинг тахаллуси бўлиб, «туғма истеъдод» деган маънони билдиради.

У Мирараб мадрасасида таҳсил олган, форс ва ўзбек тилларини чуқур билган, араб тилини мукамал ўрганган. У Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўз билимини оширган. Европа фан-маданияти ютуқлари билан яқиндан танишиши унинг дунёқарашига чуқур таъсир этган. У диний ақидапарастликка кўр-кўрона тақлид қилишни кескин танқид қилган. Айни вақтда, мактаб-маорифни ва Туркистондаги бошқариш усулини ислоҳ этиш ғояларини илгари сурган.

**Асарлари:** «Сайҳа» («Бонг» 1910 йилда Истамбулда нашр қилинган), «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» (Истамбул 1912), «Учқун» (тўплам), «Чин севиш» — драма, «Ҳинд ихтилочилари» — фожа (1920), «Абулфайзхон» — фожа (1924), «Арслон» (пьеса), «Қиёмат» (1924), «Шайтоннинг тангрига исёни» (1924), «Рўзалар», «Меърож», «Зайд ва Зайнаб», «Зайнабнинг имони», «Оқ мазор», «Қийшиқ эшон».

\* \* \*

**Садриддин Айний** (1878—1954). Садриддин Айний ўзбек ва тожик адабиётлари тараққиётига катта ҳисса қўшган «зуллисон-найн» ёзувчидир.

Садриддин Айний Бухоро вилоятининг Гиждувон туманига қарашли Соктаре қишлоғида туғилган. Бошланғич таҳсилни отасидан олган Садриддин Бухоро мадрасаларидан бирига бориб ўқишни давом эттирган. Ўша даврда чоп этилган адабиётларни чуқур ўрганиб, бадиий ижод сирларини эгаллаган. У ўзининг дастлабки асарларидаёқ амирлик тузуми чириганлигини, унинг бошқариш усулини янгилаш зарурлигини, демократик ислохотлар ўтказиш, халққа маърифат бериш лозимлигини англаб етган. Ана шу тарзда Айний ёш бухороликлар ҳаракатига қўшилган. Садриддин Айний янги усулдаги мактаблар очишда ташаббускорлардан бири бўлган. Шу мақсадда 1909 йилда «Тазҳиб ус-сибиён» («Болалар тарбияси») деган ўқиш китобини ёзиб чоп этади.

**Асарлари:** «Гули сурх», «Базм», «Ёшларга мурожаат», «Ҳасрат», «На ўлди, ёраб», «Мозий ва ҳол», «Ерни яна сотманг» сингари шеърлар; «Ҳар бир миллат ўз тили ила фахр этар» (мақола), «Судхўрнинг ўлими» (қисса), «Куллар», «Дохунда» (романлар).

\* \* \*

**Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий** (1889—1929). Йирик маърифатпарвар, шоир, ўқитувчи, жамоат арбоби, ўзбек адабиётининг йирик намояндаси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Кўқонда табиб оиласида туғилган. У маърифатпарвар сифатида халқ ўртасида шуҳрат топган, Марғилон ва Кўқон шаҳарларида мактаблар очган, болалар учун ўша даврда жуда камёб бўлган дарслик ва ўқув қўлланмалари яратган. Ҳозирги замон ўзбек бадиий адабиёти, муסיқаси, театр санъати ривожланишига катта ҳисса қўшган. Ҳамза асарларида XX аср бошларида Ўзбекистонда юз берган ўта мураккаб воқеалар ўзининг бадиий ифодасини топган.

**Асарлари:** «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» (1915—1917), «Заҳарли ҳаёт» (1916), «Паранжи сирлари» (1927), «Майсаранинг иши» (1929) каби драматик асарлар, «Девон» (1905), «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» (1914—1915) каби дарсликлар, «Янги саодат» (повесть), «Гул» туркумидаги ашулалар тўплами, «Ферузахоним», «Илм ҳидояти», «Лошман фожиаси» (драма-комедиялар), «Заҳарли ҳаёт» (драма), «Туркистон мухторияти» шеър.



## АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.

*И. А. Каримов.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. — Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.

*И. А. Каримов.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. — Тошкент, «Ўзбекистон», 2001.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Тошкент, 2000.

Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Тошкент, «Шарқ», 1998.

*Й. Жумабоев.* Ўзбекистонда фалсафий ва ахлоқий таълимотлар тараққиёти тарихидан. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1997.

*А. Иброҳимов, Ҳ. Султонов, Н. Жўраев.* Ватан туйғуси. — Тошкент, «Шарқ», 1996.

*Н. Комилов.* Тасаввуф. I китоб. Тошкент, «Ёзувчи», 1996.

*М. Маҳмудов.* Аҳли дил (Маънавий олам сирлари). — Тошкент, «Ўқитувчи», 1997.

*Т. Маҳмудов.* Мустақиллик ва маънавият. — Тошкент, «Шарқ», 2001.

*О. Мусурмонова.* Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1996.

*С. Отамуродов, Ж. Раматов, О. Хусанов.* Маънавият асослари. Тошкент, 2002.

Фалсафа. Қомусий лугат. — Тошкент, «Шарқ», 2004.

*И. Эргашев.* Давлат сиёсати ва маънавият. «Миллий тикланиш», 1997, 13 май.

*А. Эркаев.* Маънавият — миллат нишони. Тошкент, «Маънавият», 1997.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
-------------	---

### *Биринчи боб*

#### **МАЪНАВИЯТ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ**

1. Маънавият, унинг моҳияти ва мазмуни .....	5
2. Маънавият ва маънавий ҳаётнинг асосий тушунчалари .....	17
3. Маънавият ва маънавий мерос .....	33
4. Миллий ва умуминсоний маънавият, уларнинг ўзаро муносабати .....	39
5. Маънавият ва сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ, мафкура, дин .....	44

### *Иккинчи боб*

#### **БАРКАМОЛ ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ**

1. Маънавий баркамол инсон тушунчаси .....	62
2. Ватанпарварлик ва инсонпарварлик — шахс маънавий қиёфасининг мезони .....	71
3. Миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва миллатга садоқат — юксак маънавий бурч .....	77
4. Иймон, меҳр-шафқат, поклик ва ҳалоллик — шахснинг олижаноб фазилатлари .....	82
5. Ота-онага иззат-ҳурмат, оилага садоқат ва ғамхўрлик — шахс маънавиятининг юксак ифодаси .....	88
<i>Илова.</i> Маънавиятимиз тарихининг буюк намояндалари .....	94
Адабиётлар .....	125

ЭРКИН УМАРОВ, МАҲМУД АБДУЛЛАЕВ

## МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти  
Тошкент — 2005*

Муҳаррир	<i>Н. Усмонова</i>
Бадий муҳаррир	<i>Ж. Гурова</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Смирнова</i>
Мусахҳиҳ	<i>М. Акромова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>Ш. Соҳибов</i>

Босишга 2005.12.01 да рухсат этилди. Бичими 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Таймс» гарнитурда  
офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 8,0. Нашр т. 10,0.  
Жами 1000 нусха. Буюртма №2.

«ARNAPRINT» МЧЖда саҳифаланиб чоп қилинди.  
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро кўчаси, 51.



## УМАРОВ ЭРКИН УМАРОВИЧ

*Фалсафа фанлари доктори, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети профессори.*

*«Образлар дунёсида», «Жанр эстетикаси», «Эстетика» (ўзбек ва рус тилларида), «Эстетика асослари», «Культурология» каби илмий ва ўқув-услубий асарларнинг муаллифи ҳамда ҳаммуаллифидир.*

---

## МАҲМУД АБДУЛЛАЕВ

*Фалсафа фанлари доктори, профессор. Фарғона давлат университети фалсафа кафедраси мудири.*

*Маданият фалсафасига бағишланган «Эстетик маданият», «Эстетика тарихи», «Маданиятшунослик», «Маданиятшунослик асослари», «Маънавият ва маданият тарихи» «Маънавият», «Введение в этику», «Философия», «Введение в культурологию», «Эстетика», «Культурология» каби илмий ва ўқув-услубий асарларнинг муаллифи ҳамда ҳаммуаллифидир.*

